



Tadjqiqot.uz

UZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORVIY OLIVY TALIM MUASSASALARI
PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR,
MAGISTRANTLAR VA IJTIDORIY TALABALAR

DAVRIYLIGI: 2018-2024

RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI

ILMIY KONFERENSIYA

YANGI O'ZBEKISTON: 2024

CONFERENCES.UZ

ILMIY TADQIQOTLAR

| ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES |

MATERIALLAR TO'PLAMI

OKTYABR
№69
SURXONDARYO



CONFERENCES.UZ

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
2-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
НАУЧНЫЙ ИССЛЕДОВАНИИФ
ЧАСТЬ-2**

**NEW UZBEKISTAN:
SCIENTIFIC RESEARCH
PART-2**

ТОШКЕНТ-2024



УЎК 323(575.1)(063)

КБК 66.3(5Ў)я43

Й-18

DOI 10.5281/zenodo.11390854

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: Илмий тадқиқотлар» [Тошкент; 2024]

«Янги Ўзбекистон: Илмий тадқиқотлар» мавзусидаги республика 69-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2024 йил. – Тошкент: «Tadqiqot», 2024. – 98 бет.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ: – илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши -

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар -

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар -

Исмаилов Хусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тугган ўрни -

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви -

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Беш муҳим ташаббус" маркази раҳбари)

6. Журналистика -

Тошбоева Барноҳон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар –

Самигова Умида Хамидуллаевна ("Kinder land of Asia" НТМ ўқув ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари)

8. Адабиёт -

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни -

Phd Воҳидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар -

Турсунназарова Эльвира Таҳировна (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, таржимонлик факультети, инглиз тили амалий таржимаси кафедраси в.б. доценти, PhD)

11. Жисмоний тарбия ва спорт -

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши -

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши -

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)



14.Тасвирий санъат ва дизайн-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Музыка ва ҳаёт-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар -

Доцент Нормирзаев Абдукаюм Рахимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари -

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар -

Т.ф.д., доцент Мамадова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика -

Жалилов Фазлиддин Содикович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария -

Жалилов Фазлиддин Содикович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари -

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар -

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари -

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар -

Phd доцент Қаххоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25.География-

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000



ҲУҚУҚ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА МАНФААТДОР ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН СУД АМАЛИЁТИ

Донаев Абдуқодир Хайдарович,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ: Бугунги кунда қурилиши тугалланмаган объектларга оид низоларни тўғри ва оқилона ҳал этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур мақолада муаллиф суд амалиёти таҳлили асосида унинг моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: қурилиши тугалланмаган объект, манфаатдор шахслар, ҳуқуқлар ҳимояси, суд амалиёти.

Қурилиши тугалланмаган объект (кейинги ўринларда-ҚТО) ларда албатта муайян шахсларнинг манфаатлари, мулкӣ ҳуқуқлари бўлгани сабабли бу борадаги ушбу шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш алоҳида ўрин эгаллайди. Шахс ўз ҳуқуқларини ФКнинг 11-моддасига кўра ҳимоя қилиши, суд амалиётидаги маълумотларни алоҳида таҳлил қилиш заруратини кўрсатади.

ҚТОларга доир суд амалиёти қандай? Бир қарашда бирмунча савол умумий туюлади. Чунки, шартнома мавжуд, тарафлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қай даражада бажариши ва жавобгарлик чораларини қўллашга бўлган қизиқиш қай даражада бўлиши билан боғлиқ.

Одатда, афсуски ҳаттоки ҚТО даражасидаги объект ўрнига ер участкасининг ўзини “ҳеч қандай ҳуқуқий ҳужжатсиз” сотиш амалиёти учраб туради. Бу эса, олди-сотди шартномасини ҳақиқийлигини шубҳа остида қолдириши билан бирга турли суиистеъмолликлар, ҳуқуқбузарликлар учун ҳам асос вазифасини ўтамоқда.

Қурилиш ишлари натижаси кўчмас мулк сифатида тан олинishi қурилиш объектининг пойдевори тўлиқ қурилган бўлиши лозим. Қурилиш қонуний амалга оширилаётган объектни кўчмас мулк деб тан олиш масаласини ҳал қилишда унинг ҳеч бўлмаганда пойдевори ёки унга тенглаштириладиган ишларнинг тўлиқ бажарилганлиги инobatга олинishi керак.

ҚТОни кўчмас мулк деб тан олишнинг зарурий шarti – мазкур объектга нисбатан қурилиш пудрати шартномасининг тўхтатилиши ҳисобланади. Бундай нуқтаи назар қўплаб олимлар ва суд амалиётида тасдиқланган бўлиб, тугалланмаган қурилиш объектларининг табиатига энг тўғри мос келади.

ҚТО юзасидан суд амалиёти жиноят, маъмурий, иқтисодий, фуқаролик ишларида маълум даражада, муайян ўзига хосликларга кўра кўриб чиқиб ҳал қилинишини қайд этиш лозим.

Масалан, ҚТО юзасидан ноқонуний қурилишлар, ўзбошимчалик, фирибгарлик каби жиноят ишлари кўриб чиқилган бўлса, маъмурий суд ишларида кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва бошқа ишлар кўриб чиқилган.

Иқтисодий суд ишларида эса, давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик юзасидан, мулк ҳуқуқини тан олишга доир низолар кўриб чиқилган.

Суд амалиётига мурожаат қиладиган бўлсак, аризачи фуқаро Давлат кадастрлари палатаси Қибрай тумани филиалига мурожаат қилиб, Ипакчилик кўчасидаги 19-уйга нисбатан бошқа фуқаролар номига берилган кадастр паспортларини бекор қилишни сўраган. Филиалнинг 2022 йил 15 мартдаги 509-сонли жавоб хатида, ушбу масалада судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Шунингдек, Қибрай туман ҳокимлигининг 2022 йил 16 майдаги РУ-6-438-сонли жавоб хатида, мурожаат қилинган масала ҳокимлик ваколатига кирмаслиги маълум қилиниб, Давлат кадастрлари палатаси Тошкент вилоят бошқармасига мурожаат қилиш тавсия этилган.



Бундан норози бўлган фуқаро юқоридаги шикоят билан судга мурожаат қилган. Биринчи инстанция суди қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фойдасига талқин этилиши керак деб ҳисоблаб, шикоятни қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди эса, янги далилларни текшириш ва янги фактларни аниқлаш ваколатларидан тўлиқ фойдаланмасдан, ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текширмасдан, уни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Юқори инстанция судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг хулосалари билан келишмайди ва шикоят важларини асосли деб ҳисоблаган. Аниқланишича, Қибрай тумани, Салар ШФЙ, Ипакчилик кўчаси, 19-уй (ер майдони 1043 кв. метр) Қибрай туман ижроия комитетининг 1992 йил 12 февралдаги 75/3-сонли қарорига асосан фуқарога тегишли бўлган. Ушбу уй-жойни ўғлига 1996 йил 23 майда нотариал тартибда ҳадя қилган.

Шундан сўнг фуқаро бошқаларга нисбатан қабул қилинган қарорни бекор қилиш, ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва уйни бўлиш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Қибрай туман судининг 1997 йил 23 майдаги ажрими билан тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланган. Унга кўра, фуқаро номида бўлган 2 хонадан иборат яшаш уйи, қолган 4 хона планда кўрсатилган литерлар билан бирга бошқа фуқарога берилган. План бўйича чегара олиш фуқарога юклатилган ва фуқаролик иши тугатилган.

Нотариал ишончнома орқали фуқаро томонидан 2020 йил 5 июнда Давлат хизматлари марказига берилган ариза асосида, Давлат кадастрлари палатаси Қибрай тумани филиали томонидан Ипакчилик кўчаси, 19-уй манзилидаги турар жойга нисбатан кадастр йиғмажилди шакллантирилган. Ҳуқуқий ҳужжат бўйича 41 кв. метр (2 хона), ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдони 41 кв. метрни ташкил қилади. Шунингдек, Ипакчилик кўчаси, 19-уй манзилидаги турар жойга нисбатан 2020 йил 8 июнда марҳума фуқаро номига кадастр йиғмажилди шакллантирилган бўлиб, ҳуқуқий ҳужжат бўйича 0 кв. метр, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдони 1251 кв. метрни ташкил қилади. Кадастр паспорти берилган сана 2021 йил 22 февраль деб кўрсатилган.

Филиал хулосасида, мазкур ҳужжатлар Қибрай туман судининг 1997 йил 23 майдаги ажримига асосан тайёрланганлиги кўрсатилган. Учинчи шахслар ҳам суд мажлисида ушбу ҳолатни тасдиқлаб тушунтириш берган.

Суднинг ажрими қонуний кучга кирган бўлса-да, Қибрай туман ҳокимлигининг 1997 йил 24 июндаги 348-сонли қарорида фуқаронинг 1043 кв. метр ер майдони борлиги кўрсатилганлиги боис, унинг 2020 йил 20 августдаги аризасига асосан кадастр паспорти қайтадан расмийлаштирилган.

Апелляция инстанцияси суди Қибрай туман судининг 1997 йил 23 майдаги ажримини инобатга олмасдан, моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри талқин қилган. Шунинг учун, фуқаронинг жавобгар Давлат кадастрлари палатаси Қибрай тумани филиали мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга зид деб топиш, шунингдек, Давлат кадастрлари палатаси Қибрай тумани филиали томонидан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Ипакчилик кўчаси, 19-уй манзилидаги турар жойга нисбатан 2020 йил 8 июнда марҳума фуқаро номига шакллантирилган 11:05:10:01:02:3404-сонли ва марҳум фуқаро номига шакллантирилган 11:05:10:01:02:3404/01-сонли кадастр йиғмажилдларини давлат реестридан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги шикоятини қаноатлантириш рад этилган [1].

Яна бир бошқа маъмурий низодан кўринадики, Урганч туман ҳокимининг 2020 йил 27 февралдаги 641қ-сонли қарорига асосан, Урганч тумани Қорамон қишлоғи, “Юқорижирмиз” маҳалласида жойлашган умумий ер майдони 1365,40 кв. метр, шундан қурилиш ости майдони 661,86 кв. метрдан иборат турар жой марҳума Абдуллаева Каромат номига расмийлаштирилиб, давлат рўйхатидан ўтказилган.

Урганч туман 1-сонли нотариал идорасида 2020 йил 16 март куни реестрга 676-рақам билан қайд қилинган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан, марҳума Абдуллаева Кароматга тегишли бўлган, Урганч тумани Қорамон қишлоғи, “Юқорижирмиз” маҳалласида жойлашган умумий ер майдони 1365,40 кв. метр, шундан қурилиш ости майдони 661,86 кв. метрдан иборат турар жойга унинг ўғли Аллабергенов Равшанбек Бахтиярович меросхўр сифатида тасдиқланган ва 2020 йил 18 март куни давлат рўйхатидан ўтказилган.

Хоразм вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2020 йил 16 октябрдаги қарори



билан ўзгаришсиз қолдирилган Урганч туман маъмурий судининг 2020 йил 25 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи С.Матчанованинг аризаси қаноатлантирилиб, Урганч туман ҳокимининг 2020 йил 27 февралдаги 641қ-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 15 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2020 йил 12 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, Урганч туман 1-сонли нотариал идораси томонидан 2020 йил 16 мартда 676-сон билан қайд қилинган Р.Аллабергеновга берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган.

Шундан сўнг, Урганч туман ҳокимлиги ва Давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилоят бошқармаси Урганч туман филиали томонидан низоли турар жой Урганч туман собиқ “Қорамон” кишлоқ совети “Охунбобоев” номли колхоз аъзолари умумий йиғилишининг 1980 йил 23 июлдаги 6-сонли протокоliga асосан С.Матчановага тегишли эканлиги аниқланиб, Урганч туман ҳокимининг 2021 йил 2 апрелдаги 759қ-сонли қарори билан Урганч тумани, Қорамон кишлоғи, “Юқорижирмиз” маҳалласида жойлашган қурилиш ости майдони 661,86 кв. метр, умумий ер майдони 1365,40 кв. метрдан иборат бўлган турар жой фуқаро С.Матчанова номига расмийлаштирилиб, эгаллик ҳуқуқи тан олинган ҳамда 2021 йил 13 апрелда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бундай ҳолда судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорларини қисман бекор қилиб, аризани қисман қаноатлантиришни лозим деб топган.

Мазкур иш бўйича қабул қилинган Урганч туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 7 апрелдаги ҳал қилув қарори ва Хоразм вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 25 майдаги қарори, Урганч туман ҳокимининг 2021 йил 2 апрелдаги 759қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабга оид қисмида бекор қилинган, шу қисмида Р.Аллабергеновнинг аризасини қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган. Урганч туман ҳокимининг 2021 йил 2 апрелдаги 759қ-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилиб, суд ҳужжатларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган [2].

Иқтисодий суд амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, “Smile Lux” МЧЖ (даъвогар) ва “Favorit” МЧЖ (кўшимча жавобгар) ўртасида 2019 йил 13 февралда тузилган кўчмас мулк олди-сотди шартномасига кўра, даъвогар томонидан Тошкент шаҳар, Янгихаёт (Сергели) тумани, Спутник 10 даҳаси, 63А-уй манзилида жойлашган умумий майдони 1123 кв.м. ва ер майдонида жойлашган 578,0 кв.м. ишлаб чиқариш цехи биноси сотиб олинган.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси томонидан 2019 йил 26 февралда ушбу ишлаб чиқариш цехи биносига нисбатан даъвогар номига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган. Мазкур кадастр ҳужжатлари 2019 йил 13 февралда тузилган кўчмас мулк олди-сотди шартномаси (умумий майдон 578,0 кв.м.) ва Тошкент шаҳар Сергели туман ҳокимлигининг 2018 йил 26 июндаги 1031-сонли қарорига асосан расмийлаштирилган, бунда “Favorit” МЧЖга мулк ҳуқуқи 313 кв.м. қурилмаларга эътироф этилган.

Бироқ, ушбу кўчмас мулк жойлашган ер майдонидаги 313 кв.м. ўзбошимчалик билан қурилган ёрдамчи бино-иншоотлар давлат рўйхатидан ўтмаганлиги сабабли, сотувчи бу ҳақда ўз мажбуриятини бажармаган. Шунга кўра, даъвогар судга мурожаат қилиб, ушбу ўзбошимчалик билан қурилган 313 кв.м. ёрдамчи бино-иншоотларга нисбатан ўз номига мулк ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 7 июлдаги ажрими билан Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бошқармаси учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинган. 2022 йил 14 июлдаги суд ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари рад этилган.

Даъвогар апелляция шикоятни орқали суд ҳужжатига эътироз билдирган. У ўз шикоятида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2010 йил 19 ноябрдаги 220-сонли қарорига асосланиб, ФК 212-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ ер участкасининг мулкдори бўлган шахс ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкинлигини таъкидлаган.

Бироқ, судлов ҳайъати биринчи инстанция суди қарорини қонуний деб ҳисоблади. Шунингдек, даъвогарнинг мулк ҳуқуқини белгилаш талаби асосли деб топилмаган, чунки ушбу мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи аввалдан сотувчи томонидан қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилмаган эди.

Суд қароридан кўриниб турибдики, даъвогарнинг сотиб олган 313 кв.м. ёрдамчи бино-



иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини белгилашга оид талаблар рад этилган, чунки мулк ҳуқуқини тан олиш учун қонунга мувофиқ асослар мавжуд эмас. Натижада “Smile Lux” МЧЖнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш рад этилган. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 14 июлдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган [3].

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Мулк ҳуқуқини тан олишга оид ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан қонун ҳужжатлари қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида” 2010 йил 19 ноябрдаги 220-сонли қарорининг 12.3-бандига асосланиб, ФК 212-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, ер участкасининг мулкдори бўлган ёки унга умрбод мерос ҳуқуқи асосида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин.

Биринчи инстанция суди Пленум қарори 12.4-бандининг 6-хатбошисини қўллаб, моддий ҳуқуқ нормаларини бузганини ва даъвогар томонидан низоли бўлган 313 кв.м.лик бинога нисбатан қурилиш ишлари амалга оширилмаганини суд эътиборсиз қолдирган.

Шунингдек, суд қарорида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг 4-бандига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 2021 йил 1 августдан бошлаб ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш ёки бошқа тарзда тасарруф этиш ҳуқуқлари бекор қилинганлигини инобатга олган ҳолда, даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Бироқ, даъвогар мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкинлигини таъкидлаган ҳамда “Favorit” МЧЖнинг даъвогар номига мулк ҳуқуқини эътироф этишга қарши эътирози йўқлигини билдирган.

Ушбу кўчмас мулк объекти жойлашган “ишлаб чиқариш цехи бинолари” объекти ҳудудидаги 313 кв.м.дан иборат ўзбошимчалик билан қурилган ёрдамчи бино-иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқи олди-сотди шартномаси имзоланаётган вақтга қадар қўшимча жавобгар томонидан давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлган.

Шунга кўра, даъвогар судга даъвогар ариза билан чиқиб, Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт (Сергели) тумани, Спутник 10-дахаси, 63А-уй манзилида умумий майдони 1123 кв.м., ер майдонида жойлашган 578,0 кв.м.дан иборат бўлган ишлаб чиқариш цехи биносидан унга қўшимча равишда қурилган 313 кв.м.дан иборат ўзбошимчалик билан қурилган ёрдамчи бино-иншоотларга нисбатан даъвогар номига мулк ҳуқуқини белгилаб бериш сўралган.

Суднинг 2022 йил 14 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантириш қонунга кўра тўғри рад этилган.

Гўёки ҚТО юзасидан низолашилаётгандек кўринади. Аслини олганда ҚТОни фуқаролик муомаласида бўлиши учун қонунчиликда талаблар қўйилган. Бундан кўринадики, давлат рўйхатига олинмаган ҚТОга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш имконияти мавжуд эмас. Шу боисдан ҚТОга нисбатан ҳуқуқий режимни белгилаш ва бу борадаги суд низоларини тўғри ва адолатли ҳал қилиш зарурати мавжуд.

Бошқа бир иқтисодий низодан маълум бўлишича, МЧЖнинг 2017 йил 14 мартдаги мурожаатига асосан, Зангиота туман ҳокимининг 2017 йил 28 апрелдаги 787-сонли қарори билан Зангиота туман ҳокимияти ҳузуридаги комиссиянинг 2017 йил 20 мартдаги далолатномаси тасдиқланиб, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўзгариш ҚФЙ, А.Навоий массиви ҳудудидаги жами 54,5 гектар ер, шундан 47,31 гектари суғориладиган, 0,41 гектари теракзор, 3,45 гектари ариқ ва зовур ости, 1,08 гектари йўл ости ва 2,25 гектари бошқа ер майдони экспортга йўналтирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 30 йил ижара асосида фойдаланишга ажратиб берилган.

Даъвогар ўзига ажратилган ер майдонида экспортга йўналтирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўзгариш массиви, А.Навоий массиви ҳудудидаги бир неча объектлардан, яъни 247,50 кв.м қурилиш жой участкасидан ва 16752,50 кв.м ҳовлидан иборат умумий майдони 1,7 га бўлган хоналардан фойдаланиб келган.

МЧЖ Зангиота туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўзгариш ҚФЙ, А.Навоий массивида жами 2,47 гектар умумий ер майдонида қурилган ва фойдаланиб келинаётган бино-иншоотларга МЧЖнинг мулк ҳуқуқини тан олишни сўраган.



Даъвогар вакили даъво аризада келтирилган важларини қувватлаб, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўзгариш ҚФЙ, А.Навоий массивида жами 2,47 гектар ер майдонида қурилган ва фойдаланиб келинаётган бино-иншоотлар Тошкент вилояти Қурилиш бош бошқармаси Зангиота туман бўлимининг 2020 йил 26 мартдаги 98-сонли маълумотига кўра, ШНҚ-2.07.01-03 Шаҳарсозлик норма ва қоидаларига асосан қурилганлиги, иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини бузмаслиги ёки фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаслигини таъкидлаб, даъвони қаноатлантиришни сўраган.

МЧЖнинг 2017 йил 14 мартдаги мурожаатига асосан, Зангиота туман ҳокимининг 2017 йил 28 апрелдаги 787-сонли қарори билан Зангиота туман ҳокимияти ҳузуридаги комиссиянинг 2017 йил 20 мартдаги далолатномаси тасдиқланган. Унга кўра, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўзгариш ҚФЙ, А.Навоий массиви ҳудудидаги жами 54,5 гектар ер майдони, шундан 47,31 гектари суғориладиган, 0,41 гектари теракзор, 3,45 гектари ариқ ва зовур ости, 1,08 гектари йўл ости ва 2,25 гектари бошқа ер майдони экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 30 йил ижара асосида фойдаланишга ажратилган.

Даъвогарнинг даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилиб, МЧЖнинг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўзгариш массиви, А.Навоий массиви ҳудудидаги 247,50 кв.м қурилиш жой участкаси, 16752,50 кв.м ҳовлидан иборат жами 2,47 гектар ер майдонида қурилган ва фойдаланиб келинаётган бино-иншоотларга мулк ҳуқуқи тан олинган [4].

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2010 йил 19 ноябрдаги “Мулк ҳуқуқини тан олишга оид ишларни кўришда иктисодий судлар томонидан қонун ҳужжатлари кўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида”ги 220-сонли қарорига асосан, ФК 212-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин.

Пленум қарорининг 12.4-бандига кўра, ФК 212-моддасининг олтинчи қисмига асосан, агар ўзбошимчалик билан қурилган иморат бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини бузмаса ёки фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаса, ушбу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан тан олинishi мумкин.

Шу боис, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилинганда, даъвогар қурилган иморатлар архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларига жавоб бериши, иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини бузмаслиги ёки фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаслигини исботлаши лозим.

Фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётига мурожаат қиладиган бўлсак, Даъвогар Г.Хикматов жавобгар Учтепа туман ҳокимлигига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2019 йил 11 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризани қаноатлантириш рад этилган.

Ҳал қилув қароридан норози бўлиб даъвогар Г.Хикматов томонидан кассация шикоятни берилган, шикоятда ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқариш сўралган.

Шунингдек, мазкур ҳал қилув қарорига нисбатан Учтепа туман прокурори томонидан кассация протести келтирилган бўлиб, унда ҳал қилув қарорини бекор қилиб, янги ҳал қилув қарори чиқариш сўралган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, “Тошкент шаҳар ер тузиш кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси”нинг 2019 йил 30 августдаги №2530а-сонли жавоб хатига кўра, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Мерганча (эски У.У.Зуфаров) кўчаси, 73-уй 1960 йил 17 февралдаги 2213-рақам билан тасдиқланган 50-сонли Қурилиш шартномасига асосан Мириллаходжев Мирзаахматга тегишлилиги ва Хикматов Патхулла ушбу уй-жойда фойдаланувчи ҳисобланиши кўрсатилган.

Хикматов Гайбулла Патхуллаевич туғилганидан бошлаб шу уй-жойда яшаб келганлигини, уй-жойнинг доимий рўйхати туришини ва коммунал тўловларини ўз вақтида тўлаганлигини, уй-жойда 18 йилдан ортиқ муддат давомида ўзиники каби ошқора, ҳалол ва узлуксиз фойдаланиб келаётганлигини кўрсатиб, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Мерганча кўчаси, 73-уйга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 187-моддасига асосан эгалик ҳуқуқини



белгилаб беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 210-моддасига асосан белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қурилатган янги уй-жойга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Хикматов Патхулланинг 1991 йилда “Тошкент шаҳар ер тузиш кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси”га қилган мурожаати ва мурожаатига илова қилинган далолатнома ва доимий рўйхатда туришини инобатга олиниб, Мириллаходжев Мирзаахмат ва уйдан фойдаланувчи Хикматов Патхулла номларига Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Мерганча кўчаси, 73-уйга кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган.

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Мерганча кўчаси, 73-уй 1960 йил 17 февралдаги 50-сонли Қурилиш шартномасига кўра тасдиқланган лойиҳага кўра, 445,0 кв.м. ер майдонида 44,25 кв.м. иборат 3 та яшаш хонаси қурилиши белгиланган. Низоли уйнинг кадастр ҳужжатларида қурилиш ишлари учун тузилган лойиҳа (Абрис) мавжуд бўлиб, унда, 445,0 кв.м. ер майдонида 44,25 кв.м. иборат 3 та яшаш хонаси қурилишига лойиҳа чизмалари кўрсатилган.

1960 йилда Қурилиш шартномасига асосан Мириллаходжев Мирзаахматга муддатсиз эгалик қилиш шарти билан якка тартибда уй қуриш учун аввалги Октябрь тумани Депутатлари кенгаши (Исполком Октябрского районного Совета депутатов) томонидан берилган шартнома, 1991 йилда давлат рўйхатидан ўтган ва шу кундан эгалик ҳуқуқи вужудга келган.

Қурилиш шартномасидаги белгиланган қурилмалар техник инвентаризация органларидан ўтказилмаганлиги шартномада қурилиш белгиланган 3 та яшаш уйи ўзбошимча қурилган қурилмалигини аниқламайди. Кадастр ҳужжатларига кўра, литер А остидаги 43,10 кв.м иборат 3 та яшаш хонаси 1960 йилда қурилган, ушбу яшаш уйлари қурилиш шартномаси ва қурилиш ишлари учун тузилган лойиҳа (Абрис) га тўғри келади.

Уйга тегишли инвентарь ҳужжатларида лойиҳа (Абрис) ҳужжатлари тўлиқ мавжуд. Мазкур низоли уй-жойдан даъвогар Хикматов Гайбулла Патхуллаевич Хикматов Гайбулла Патхуллаевич туғилганидан бошлаб, 1962 йилдан бери бугунги кунга қадар ўз оиласи билан фойдаланиб, уй-жойни жорий таъмирлаб, коммунал тўловлари тўлаб, яшаб келмоқда.

Иш ҳужжатларига тақдим қилинган, Учтепа тумани “РАХТАКОР” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланган далолатномаларга кўра, Г.Хикматов низоли уй-жойнинг доимий рўйхатида туриши ва оила аъзолари билан 50 йилдан ошиқ вақт давомида яшаб келаётганлиги қайд этилган.

Суднинг қарорига кўра, даъвогар Хикматов Гайбулла Патхуллаевичнинг жавобгар Учтепа туман ҳокимлигига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан чиқарилган фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2019 йил 11 октябрдаги ҳал қилув қарори бекор қилинган, иш бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилиниб, даъвогар Хикматов Гайбулла Патхуллаевичнинг жавобгар Учтепа туман ҳокимлигига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси қисман қаноатлантирилган ва ер участкасининг майдони 445,0 кв.м., литер А остидаги 43,10 кв.м. бўлган 3 та яшаш хонасидан иборат Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Мерганча кўчаси, 73-уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида Хикматов Гайбулла Патхуллаевичга эгалик ҳуқуқи белгиланган [5].

Юқоридаги суд ҳужжати таҳлили шуни кўрсатадики, узоқ йиллар давомида эгалик қилинган, ФК 187-моддаси талабларига тўлақонли мувофиқ бўлган ва учта талаби яъни, узлуксиз, ошқора, ҳалол эгалик қилгани даъвогарга фойдали бўлган.

Шу билан бирга кўчмас мулк ҳудди узоқ муддат ҚТО сифатидаги режимда бўлган ва унга нисбатан кадастр ҳужжатларида камчиликлар бўлган ҳолда давлат реестрига киритиш борасида ишлар охирига етказилмаган. Ваҳоланки, қонунчилик талабларига кўра, давлат реестрига киритилганидан сўнг кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқлар белгиланиши, ҳуқуқни амалга ошириш имконияти ҳамда ҳимоя ҳуқуқи борасида кенг маънода гапириш мумкин.

Низоли ҳолатда ҳақиқатан ҳам суднинг позицияси ўзини оқлайди ва турли маъмурий тўсиқлар туфайли фуқаро жабрланмаслиги лозим. Акс ҳолда узоқ йиллар давомида эски ҳужжатларга таяниб қолинган фуқаронинг фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда муаммолар юзага келади.

Энди бевосита низоларни суддан ташқари ҳал қилиш механизмларига эътибор қаратамиз. Низоларни муқобил ҳал қилиш усулларига кўплаб ривожланган давлатларда:

- а) музокаралар;
- б) воситачи иштирокидаги музокаралар;



- в) яраштирув (муросага келтириш);
- г) медиация (воситачилик);
- д) арбитраж (ҳакамлик суди);
- е) воситачилик – арбитраж;
- ё) экспертлик ажрими (хулосаси);
- ж) мустақил ҳал қилиш;
- з) мини-процесс;
- и) ҳолатларни аниқлаш;
- к) низоларни ҳал қилиш бўйича комиссия;
- л) хусусий суд;
- м) дастлабки холис баҳо;
- н) “кўп эшикли суд”;
- о) низоларни судгача ҳал қилиш бўйича кенгаш;
- п) соддалаштирилган маслаҳатчилар (присяжный) суди ва бошқа процедуралар киради.

Қурилиш соҳасида келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш ёки судлар томонидан бундай ҳал қилишнинг талаб қилиниши жуда муҳим.

Қурилиш соҳасида шартноманинг баҳоси юқори бўлади. Бу давлат божи суммасининг катталашуви ва судга даъво қўзғатишда молиявий қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Қурилиш ташкилотлари томонидан имзоланадиган шартномаларда низоларни судгача ҳал этиш босқичининг мавжуд эмаслиги ўзаро тушуниш билан ҳал этиладиган муаммоларнинг орқага ташланишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг суд жараёнида даъвогар ва жавобгар ўртасида муаммоли вазиятлар қурилиш тугамаган ёки охирига етмаган ҳолларда шартноманинг бекор қилинишига, тарафларнинг бир-биридан норози бўлишига олиб келади. Демак, низоларни давлат судлари (фуқаролик ишлари бўйича судлар, хўжалик судлари) орқали ҳал қилишдан ташқари барча усуллар, шу жумладан ҳакамлик судлари ҳам низоларни муқобил ҳал қилишга тааллуқлидир. [6]

Бундан ташқари тарафлар келишув битими тузиш, низони ҳакамлар судига бериш орқали ҳам ҳал этишлари мумкин. Ҳакамлар судининг қарори давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади, шунингдек муайян асослар мавжуд бўлган тақдирда ушбу қарор устидан судга (хўжалик судига) шикоят қилиш мумкин.

Низоларни ҳал этишнинг халқаро тизими ҳам мавжуд. Одатда хорижий тадбиркорлар билан шартнома асосида ҳамкорлик қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар бу борада вужудга келган низоларни ҳал этиш учун хорижий давлатлар судларига ёки халқаро арбитражларга мурожаат этишлари мумкин.

Бунда албатта ҳар қандай низолар эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида йўл қўйилган низолар хорижий давлатлар судларида ёки халқаро арбитражида кўриб ҳал этилиши мумкин (масалан, банкротлик бўйича ишлар, давлат бюджет олдидаги мажбуриятлар билан боғлиқ низолар, хорижий юрисдикция бўла олмайди)

Медиация - бу бир-бирини тушуниш ва низоли ҳолатни бартараф этувчи битим тузишга эришиш мақсадида, холис шахс – медиатор (воситачи) иштирокида тарафларнинг эркин музокарага кириши орқали низони ҳал қилиш процедурасидир. [7]

Медиация институти ривожланган Ғарб мамлакатлари амалиётида самарали фойдаланилмоқда. Бизда ҳам қурилиш соҳасини яхши тушунадиган мутахассислар медиатор сифатида ишлаши керак. Ҳозирги кунда низоларни ҳал қилишни ҳуқуқшунослар иштирокисиз амалга оширишнинг иложи йўқдек. Аммо низоларни муқобил ҳал этиш барчага тенг имкониятлар беради. Барча соҳа вакиллари музокараларда иштирок этиши мумкин.

Ҳакамлик суди судларнинг мустақиллигини, бетарафлигини (холислигини) ва юқори профессионалигини таъминлашга хизмат қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, фақат юристлар эмас, балки хўжалик соҳасидаги турли тармоқларнинг юқори малакали мутахассислари ҳам ҳакамлик суди судьяси бўлишлари мумкин, улар тайинланмайди, балки тарафларнинг танловига кўра сайланади. Ушбу суд ишни кўриб чиқишнинг тезлигини ва холислигини таъминлаб, айти пайтда тадбиркорлик субъектларининг тижорат сирларини қаттиқ сақланишини кафолатлайди. [8]

Бу борада хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судгача ҳал этиш механизмини оптималлаштириш Республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутган хусусий мулк ва тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда асосий ўрин тутди.



Чунки ҳозирги пайтда жамиятда “айнан тарафларнинг келишуви билан яқунланадиган низоларни судгача ҳал этиш усули – иқтисодий низоларни ҳал этишнинг энг оптимал шакли” [9] сифатида баҳоланмоқда.

Хуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш жараёнида юзага келаётган муаммолар мавжуд, уларни бартараф этиш ва соҳани такомиллаштириш борасида ўрганишлар муҳим.

Бош прокуратуранинг уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси томонидан мамлакатда автомобиль йўллари қурилиши, реконструкция ва таъмирлаш жараёнларида содир этилган жиноятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда бунга имкон берган шарт-шароитлар ўрганилган.

2021-2024 йилларда бу соҳадаги қонунбузарликлар таҳлилида, “Ўзавтойўл” ДАК ва Республика Йўл жамғармасидан олинган маълумотлар ҳамда қонунбузарликларга доир тергов ишлари ўрганилди. Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси мутахассислари томонидан ўтказилган текширув натижаларига кўра, 2021-2023 йиллар давомида “Ўзавтойўл” тизимидаги ва бошқа пудратчи корхоналар томонидан 125,8 млрд. сўмлик ишлар бажарилгани қайд этилган, аммо 13,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилмаган ва 27,1 млрд. сўмлик материаллар, механизмлар ҳамда бошқа харажатлар ҳужжатларга қўшиб ёзилган.

Бундан ташқари, 6,6 млрд. сўмлик йўл қурилиши сифатсиз бажарилган ва 78,7 млрд. сўмлик маблағлар бошқа мақсадларга сарфланганлиги аниқланган. Мазкур қонунбузарликлар жамиятга салбий таъсир кўрсатиб, 2013 йилда 31,9 млрд. сўм, 2014 йилда 32,44 млрд. сўм ва 2015 йилда 35,56 млрд. сўм зарар етказилган. Тошкент вилоятида энг кўп, яъни 20,3 млрд. сўм, Наманганда 17,7 млрд. сўм ва Хоразмда 13,9 млрд. сўм зарар қайд этилган.

Ўрганилган даврда тергов органлари томонидан “Ўзавтойўл” ва унинг қўйи ташкилотлари ҳамда ҳокимликлар ҳузуридаги инжиниринг компаниялари мансабдор шахсларига нисбатан 118 та жиноят иши қўзғатилган ва жами 419 шахсга жиноий жавобгарлик юклатилган.

Жиноят ишлари бўйича етказилган 13,9 млрд. сўмлик зарарнинг 11,1 млрд. сўмлик қисми тергов жараёнида ундирилган. Бу кўрсаткичлар асосан Сурхондарё, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари ҳисобига тўғри келади.

Жиноятларнинг асосий қисми давлат мулкани талон-торож қилиш (103 та ҳолат), порахўрлик ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш (10 та ҳолат) бўлиб, капитал қурилиш бўйича тендерларнинг нотўғри ташкил этилиши ҳам бу ҳолатларга олиб келган.

Тендерларда шаффофликнинг йўқлиги, қурувчи ташкилотларнинг тегишли талабларга жавоб бермаслиги, техник назоратнинг етарли даражада бўлмаслиги аниқланган.

Шу сабабли, тендерларнинг шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик ва ОАВни кенг жалб қилиш ҳамда тендер ўтказувчи субъектларининг ваколат ва жавобгарлигини аниқ белгилаш бўйича қоидалар қабул қилиниши лозим.

ҚТОга нисбатан турли ҳуқуқий нормаларни талқин этган ҳолда суд низолари мавжуд бўлган ҳолатда қай бирига устуворлик берилиши борасида аниқлик етишмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 апрелдаги “Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–63-сон Фармони [10] мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, 2023 йил 1 июлдан бошлаб ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка суддан ташқари тартибда қаратилганда гаров объектини «E-auksion» электрон савдо платформасида аукционга кредиторнинг ва (ёки) қарздорнинг буюртмаси асосида қўйишга рухсат этилади; ҳисоб-китоб ва кредит муносабатларидан келиб чиқадиган асослар бўйича қарзни ундириш учун нотариуслардан ижро хати олишда тижорат банклари олдидаги қарзни икки томонлама тасдиқловчи солиштириш далолатномаси талаб этилмайди.

Шу билан бирга 2024 йил 1 январдан бошлаб тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари жараёнида кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қаноатлантиришда уларга мутлақ устунлик бериш ҳамда гаровга қўйилган мол-мулкни такрорий аукционда сотиш мумкин бўлган энг паст нархни аукцион объекти бошланғич нархининг 80 фоизи миқдоридан белгилаш, бунда, мол-мулк такрорий аукционда реализация қилинмаса, ундирувчига ушбу мол-мулкни аукцион бошланғич нархидан 25 фоиз паст қийматда ўзида қолдириш таклиф қилиниши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 ноябрдаги “Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини



молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–4026-сон қарорига [11] кўра, гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритган кредитор-гаровга олувчилар ўз талабларини қондиришда гаров реестрига тегишли ёзувни киритмаган кредитор-гаровга олувчиларга нисбатан устувор ҳуқуққа эга бўлади. мол-мулкни харид қилишни унинг таъминоти эвазига молиялаштирган кредитор гаров реестрига тегишли ёзувни киритган тақдирда, ушбу мол-мулк ҳисобидан ўз талабларини қондиришда устувор ҳуқуққа эга бўлишига доир қоида мавжуд.

Фикримизча, гарчи жиноий таъқиб, жиноий ҳуқуқий санкция турли давр оралиғида қарздорга нисбатан жорий қилинган (қамоққа олинган, эҳтиёт чораси қўлланган) ҳолларда ҳам, аввало мулк ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, фуқароларнинг мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш усулларида фойдаланишига доир конструкциялардан фойдаланишида устуворлик берилиши мақсадга мувофиқ.

Шунда ҚТОга нисбатан турли таваккалчиликларга йўл қўйилиши, мулк ҳуқуқини эркин фуқаролик муомаласида бўлиши учун тўлақонли шарт-шароитлар яратилишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 23 декабрдаги қарори. 5-1101-2204/1304-сонли маъмурий иш.
2. Ўзбекистон республикаси олий суди Маъмурий ишлар бўйича судлов Ҳайъатининг 2023 йил 8 августдаги қарори. Адолат ахборот тизимлари комплекси // <https://adolat.sud.uz/public/impersonated/2609bc92-4551-4959-b0c3-8f522d29a8be>
3. Тошкент шаҳар иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 14 сентябрдаги апелляция инстанцияси қарори. // 4-1001-2206/21351-сонли иш.
4. Зангиота туманлараро судининг 2020 йил 26 мартдаги ҳал қилув қарори. 4-1101-2003/158-сонли иш.
5. Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича кассация инстанциясининг 2020 йил 25 августдаги 4-320/20-сон ажрими. Иш №2-1003-1907/31074
6. Отахонов.Ф.Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари: муаммо ва ечимлар // “Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари ривожлантиришнинг долзарб масалалари” республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Т.: ТДЮУ, 2016. 8-б.
7. Отахонов.Ф.Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари: муаммо ва ечимлар // “Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари ривожлантиришнинг долзарб масалалари” республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Т.: ТДЮУ, 2016. 10-б.
8. Туйчиев.У. Низони ҳал этишдаги муқобил ва қулай усул // “Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари ривожлантиришнинг долзарб масалалари” республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Т.: ТДЮУ, 2016. 17-б.
9. Клеандров М.И. Досудебные формы защиты прав хозяйствующих субъектов / В кн.: Проблемы доступности и эффективности правосудия в арбитражном и гражданском судопроизводстве. -М., 2001. -С. 170.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 апрелдаги “Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–63-сон Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.05.2023 й., 06/23/63/0242-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 ноябрдаги “Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–4026-сон қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2018 й., 07/18/4026/2215-сон



ФАЛСАФА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР

TARBIYA KOLONIYALARIDA MAHKUMLARGA AXLOQ TUZATISH
VOSITALARINI QO‘LLASHNING UMUMIY TAVSIFI

Kulturayeva Sarvinoz Sadriiddin qizi

Toshkent davlat yuridik universiteti mustaqil izlanuvchisi

Telefon: +998936083835

salokhovasarvinoz1997@gmail.com

Annotatsiya: ushbu tezisda ozodlikdan mahrum qilish jazosini o‘tayotgan voyaga yetmaganlarga axloq tuzatish vositalarini qo‘llashning o‘ziga xos xususiyatlari tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: voyaga yetmaganlar, ozodlikdan mahrum qilish jazosi, tarbiya koloniyalari, jazoni ijro etish, axloq tuzatish vositalari.

Jazoni ijro etish muassasalarida mahkum shaxslarni axloqan tuzatish va tarbiyalash penitensiar tizimdagi eng dolzarb muammolardan biridir. Aynan mahkumlarni tarbiyalash jarayonida ularni axloqan tuzatish ishlari amalga oshiriladi, shuning uchun ham mahkumlarni axloqan tarbiyalash jazoni ijro etish muassasalaridagi psixologik-pedagogik ishlarning asosiy yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Shuningdek, u penitensiar muassasalardagi tarbiyaviy va profilaktik faoliyat samaradorligini oshirishning asosiy belgilaridan biri sifatida baholanadi.

Penitensiar tizimda mahkumlarni axloqan tuzatish va ularni qayta ijtimoiylashtirish maqsadida jinoyat huquqiy ta’sir choralarini ijro etuvchi davlat organlari tomonidan axloqiy-tarbiyaviy, psixologik, huquqiy-siyosiy, ijtimoiy yo‘nalishlarda tizimli ishlar amalga oshirilishi talab etiladi.

Qaydetish lozimki, mahkumlarni tuzatish, qayta tarbiyalashtirish tushunchalari XX asrning boshlaridagi keng qo‘llanila boshlanib, ko‘pyillik ish tajribasiga ega bo‘lgan Rossiyaning markaziy qamoqxonasi boshlig‘i A.A. Jijilenkoning fikricha, jazoning asosiy maqsadi – jinoyat sodit etgan insonni qayta tarbiyalash va tuzatishdir.

S.V.Poznishev “Penitensiar fanining asoslari” nomli monografiyasida esa, jazoni ijro etish muassasalarida mahkum shaxslarni rejim orqali tarbiyalash hamda ularni turli ijtimoiy foydali faoliyatga jalb etish orqali ularda ijobiy o‘zgarishlarni yuzaga keltirish mumkinligi to‘g‘risida o‘z fikrlarini bildirib o‘tgan.

Rossiyalik olimlarning nazariya va amaliyot o‘rtasidagi fikrlarini keltirib o‘tishni joiz deb topdik. Professor V.Trubnikovning fikricha, penitensiar muassasalarning asosiy vazifasi mahkumni kasb-hunar va ta’limga jalb etish orqali qayta tarbiyalash hamda to‘laqonli shaxs sifatida jamiyatga qaytarishdan iborat.

Mahkumlarni axloqan tuzatish va uning vositalari Jinoyat-ijroiya kodeksining 7-moddasida belgilangan bo‘lib, unga ko‘ra, mahkumni axloqan tuzatish bu – unda qonunga itoatkor xulq-atvorni, insonga, jamiyatga, mehnatga, jamiyat turmushi qoidalari va an‘analariga hurmat munosabatini shakllantirishdan iboratdir. Aynan ushbu holatlarni mahkumlar tomonidan amalga oshirilishi bu ularning axloqan tuzalganligining belgisidir.

Mahkumlarni axloqan tuzatishda qo‘llaniladigan usul va vositalar majmui mahkumlarni axloqan tuzatish vositalarini tashkil etadi. **Mahkumlarga axloqan ta’sir ko‘rsatish vositalari** deganda, jazoni ijro etish muassasalari va organlarida jinoiy jazoning maqsadlariga erishish uchun qo‘llaniladigan chora-tadbirlar tushuniladi². Jazolarni ijro etishni amalga oshiruvchi maxsus vakolatli davlat organlari ushbu chora-tadbirlarni qo‘llashda jinoiy jazoning maqsadidan kelib chiqadilar.

Mahkumni axloqan tuzatishning asosiy vositalariga quyidagilar kiradi:

1 A. Еремеева. Пенитенциарная социальная работа по восстановлению, поддержанию и укреплению социальных связей осужденных. Диссертация. Н. Новгород – 2022. С 53.

2 S.Niyozova, N.Hojiyev. Mahkumlarning huquqiy holati. O‘quv-uslubiy qo‘llanma. / Mas’ul muharrir: yu.f.n., dots.nt B.Xidoyatov – T.: TDYU nashriyoti, 2020. B 25.



- **jazoni ijro etish va o'tashning belgilangan tartibi (rejimi).** Rejim huquqiy kategoriyadir. U garchi muayyan tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lsada, unda jinoiy jazoning mazmuni aks etadi. Rejim mahkumlarni tartib-intizomga, jamoa bilan uyushganlikka o'rgatadi;

- **ijtimoiy-foydali mehnat.** Ijtimoiy foydali mehnat bu iqtisodiy kategoriya bo'lsada, undan tarbiyaviy hamda pedagogik maqsadlarda ham foydalaniladi;

- **tarbiyaviy ish va jamoatchilik ta'siri.** Ushbu tushunchalar pedagogik va axloqiy kategoriyalardir. Ular mahkumlarni axloqan tuzatishning tarbiyaviy vositasi hisoblanadi;

- **umumiy va kasb-hunar ta'limi va tayyorgarligi.** Umumiy va kasbiy ta'lim jazoni ijro etish muassasalarida keng qo'llaniladi. Ular ham mahkumlarni axloqan tuzatishga yo'naltirilgan bo'lishi kerak.

Axloqan tuzatish vositalari jazo turini, sodir etilgan jinoyatning xususiyati va ijtimoiy xavflilik darajasini, shuningdek mahkumning shaxsi va xulq-atvorini inobatga olgan holda qo'llaniladi. Fikrimizcha, axloqan tuzatishning barcha vositalarini qo'llash mahkum sodir etgan jinoyatning ijtimoiy xavfliligi, mahkumning shaxsi, shuningdek uning jazoni o'tash davridagi xulq-atvoridan kelib chiqib individuallashtirilishi kerak. Shuningdek, mahkumga yakka tartibda yondashish ish, o'qish, tarbiyaviy ishning shakllari va usullarini tanlashda namoyon bo'ladi.

Biroq, mahkumlarni axloqan tuzatish jarayoni, ayniqsa voyaga yetmagan mahkumlar bilan ishlash murakkab jarayon hisoblanishini e'tiborga olish lozim. Chunki, jazo o'tayotgan voyaga yetmagan shaxslarning aksariyat qismiga jamiyatda o'rnatilgan tartib-qoidalarni hurmat qimaslik va qabul qilmaslik, atrofdagi insonlarni mensimaslik, nizoli holatlarga moyillik kabi xislatlar xosdir.

Tarbiya koloniyalarida mahkumlarni axloqan tuzatish jarayonining murakkabligini yana bir sababi bu ularda intizomlilikni shakllantirish, ularning ma'naviy bilimlarini oshirish, shuningdek, mahkumlarda javobgarlik ya'ni mas'uliyat hissini uyg'otish, bo'sh vaqtlaridan to'g'ri va unumli foydalanishga o'rgatish, turg'un ijobiy ko'nikmalar hamda jamiyat manfaatlarini ustun qo'yish ko'nikmalarini shakllantirish bilan bog'liqdir. Shuning uchun ham, tarbiya koloniyalaridagi tarbiyaviy ishlarda asosiy e'tibor voyaga yetmagan mahkumni ma'naviy, mehnat hamda huquqiy tarbiyalashga qaratiladi.

Ta'kidlash lozimki, tarbiya koloniyalaridagi tarbiyaviy ta'sir etish obyekti hisoblangan mahkumlar alohida toifadagi shaxs bo'lganligi sababli, birinchidan, ularga nisbatan qo'llaniladigan tarbiya vositalari, usullari, shakllarining mazmuni boshqa jazoni ijro etish muassasalaridagi tarbiyaning vosita, usul va shakllaridan farq qiladi, ikkinchidan, tarbiyaviy ishlar va ozodlikdan mahrum qilish jazosini ijrosi hamohang ravishda tashkil etishni taqozo etadi.

Penitensiar pedagogika bo'yicha mutaxassis A.N.Suxov jazoni ijro etish muassasalaridagi ijtimoiy ishlarni o'rganish davomida mahkum shaxs kasb-hunarga o'qitilayotganda uni ozodlikka chiqqandan keyingi ijtimoiy moslashuvini osonlashtirish va samarali bo'lishi uchun jamiyatda ehtiyoj ko'p bo'lgan kasb-hunarga o'qitishga e'tibor berilishi muhim ekanligini ta'kidlagan.

Haqiqatan ham, ta'lim tarbiya koloniyalarida mahkumlarni axloqan tuzatishning asosiy vositalaridan biri sifatida namoyon bo'ladi. Ta'lim berish nafaqat tarbiya koloniyalarida, balki butun penitensiar muassasalardagi birlamchi tarbiyalash vositasidir. Bu borada V.G.Stroevaning fikricha, ta'lim mahkumlar ijtimoiy rehabilitatsiyasining asosiy vositalaridan biri bo'lib, u mahkumlar faolligi va mas'uliyatini rivojlantirishga imkon beradi, jamiyatdan ajratib qo'yilgan sharoitda shaxsiy buzilishga to'sqinlik qiladi¹. Shuningdek, RAND Corporation tomonidan o'tkazilgan tadqiqotlarda har qanday turdagi ta'lim retsidiiv jinoyatni 3 foizga kamaytirishi aniqlangan².

Ta'limdan tashqari, mahkumlarni axloqan tuzatishning asosiy vositalaridan biri bu jazoni ijro etish muassasasi tomonidan olib boriladigan tarbiyaviy ishdir. Mahkumlar bilan tarbiyaviy ishlar turli yo'nalishlarda amalga oshirilib, amaldagi qonunchilikka asosan, jazoni ijro etish muassasalarida ma'naviy, huquqiy, jismoniy va boshqa turdagi tarbiyaviy ishlar olib boriladi. Amalga oshirilish shakliga ko'ra esa, tarbiyaviy ish yakka tartibda, guruh bilan yoki ommaviy shaklda olib borilishi mumkin.

Qayd etish lozimki, tarbiyaviy ish differentsiatsiya asosida, muassasa turini, jazo muddatini va saqlash sharoitini, shuningdek mahkum shaxsining xususiyatlarini hisobga olgan holda tashkil etiladi.

1 <https://cyberleninka.ru/article/n/obrazovanie-kak-element-sotsialnoy-adaptatsii-osuzhdennyh-v-stranah-severnoy-evropy/viewer>

2 <http://pravacheloveka.uz/oz/news/jazoni-ijro-etish-muassasalarida-mahkumlarni-talim-olishini-yolga-qoyish-xorijiy-tajriba>



Tarbiya koloniyalarida ham voyaga yetmagan mahkumlarning individual xususiyatlari hisobga olingan holda tarbiyalashning maxsus metodlaridan foydalaniladi.

Bundan tashqari, ijtimoiy foydali mehnat mahkumlarni axloqan tuzatishning asosiy elementlaridan biridir. Ozodlikdan mahrum etish joylarida mahkumlarni mehnatga jalb etish ularda sog'lom ruhiyatni shakllantirishga, moddiy va ma'naviy ehtiyojlarni qondirish, jamoaviylik, mehnatsevarlik, davlat mulkini avaylab-asrash munosabatida bo'lish, o'zaro yordam, ma'suliyat kabi sifatlarni tarbiyalaydi. Mahkumlarni mehnatga jalb qilishda ularning jinsi, yoshi sog'lig'ining holati, mehnat qobiliyati va iloji boricha ixtisosligi inobatga olib amalga oshiriladi.

Qiyosiy tahlil uchun **Yaponiya** penitensiar muassasalari tajribasini keltirish o'rinli. Ushbu davlatda mahkumlar sodir etgan jinoyatiga qarab 4 toifaga bo'linadi. 1-toifada saqlanadigan mahkum mehnati uchun oyiga 1200 iyen (10 AQSH dollari), 2-toifa mahkumga 500-600 dollar, 3-toifa mahkumga 1000-1200 dollar va 4-toifa mahkumga 4000 dollargacha maosh olishlari mumkin¹. Bu shundan dalolat beradiki, 4-toifaga tushgan mahkum yaxshi xulq-atvori, ichki tartib-qoidalarga to'liq amal qilib, ijobiy mehnat natijalariga erishsa, jazoni o'tab chiqqandan so'ng yaxshigina daromad manbayiga ega bo'lib, muassasadan ozod bo'lish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Ozodlikdan mahrum qilish jazosini o'tayotgan voyaga yetmaganlarni mehnatga jalb etishning o'ziga xos xususiyatlaridan biri bu ularning yoshi va sog'lig'i holatini e'tiborga olib, ixtiyoriy mehnatga jalb etilishidir. Ta'lim olish, tarbiyaviy tadbirlarda ishtirok etish kabi mahkumning mehnat qilishga bo'lgan ijobiy munosabati uning axloqan tuzalish mezonlaridan biri hisoblanadi.

Voyaga yetmagan mahkumlarning qayta tarbiyalashda jamoatchilik ta'siri muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada bugungi kunda jazoni ijro etish muassalarida, xususan tarbiya koloniyalarida ham mahkumlarni axloqan tarbiylashda jamoatchilik ta'sirining rolini oshirish ehtiyoji mavjud. Xorijiy davlatlar amaliyoti shuni ko'rsatadiki, voyaga yetmaganlar saqlanadigan muassasalar qoshida homiylik kengashlari, ota-ona qo'mitalari tashkil qilingan.

Bu qo'mitaga faqatgina mahkumning ota-onasigina emas, balki ularning o'rnini bosuvchi shaxslar hamda yaqin qarindoshlari ham a'zo bo'lishi mumkin. Ota-onalar qo'mitasi faoliyati muassasa rahbari tomonidan tasdiqlangan qoidalar asosida faoliyat yuritadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, mahkumni axloqan tuzatish vositalari jazoni ijro etish va o'tashning belgilangan tartibi (rejimi), tarbiyaviy ish, ijtimoiy-foydali mehnat, umumiy va hunar ta'limi, kasb tayyorgarligi va jamoat ta'siridan iboratdir. Umuman olganda, voyaga yetmagan mahkumlarni axloqan tuzatish jarayonida ularning o'ziga xos ehtiyojlari va rivojlanish bosqichlarini alohida hisobga olinishi muhim, bunda axloq tuzatish vositalari ularning yoshiga, psixologik holatiga va rivojlanish ehtiyojlariga mos kelishi zarur hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. А. Еремеева. Пенитенциарная социальная работа по восстановлению, поддержанию и укреплению социальных связей осужденных. Диссертация. Н. Новгород, 2022.

2. S.Niyozova, N.Hojiyev. Mahkumlarning huquqiy holati. O'quv-uslubiy qo'llanma. / Mas'ul muharrir: yu.f.n., dots.nt B.Xidoyatov – T.: TDYU nashriyoti, 2020.

3. <https://cyberleninka.ru/article/n/obrazovanie-kak-element-sotsialnoy-adaptatsii-osuzhdennyh-v-stranah-severnoy-evropy/viewer>

4. <http://pravacheloveka.uz/oz/news/jazoni-ijro-etish-muassasalarida-mahkumlarni-talim-olishini-yolga-qoyish-xorijiy-tajriba>

5. Qodirov Q.B. Penitensiar muassasalarda mahkumlarni mehnatga jalb etish va ularga tarbiyaviy ta'sir ko'rsatish. O'quv qo'llanma. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2023.

1 Qodirov Q.B. Penitensiar muassasalarda mahkumlarni mehnatga jalb etish va ularga tarbiyaviy ta'sir ko'rsatish. O'quv qo'llanma. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2023. B. 34.



TALABALARDA AXLOQIY MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIIY-FALSAFIY JIHATLARI

Ahmedova Saodat Qodirovna

Termiz iqtisodiyot va servis universiteti o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada, axloqiy madaniyatning qadr-qimmati va ahamiyati, xuddi axloq kabi, kishilarning xulq-atvori, mulqoti va faoliyatida, oshkora dunyoqarashida, shaxsiy o'rnak ko'rsatishida yuzaga chiqishi haqida so'z boradi. Shuningdek, oliy ta'lim muassasalari talabalarining axloqiy madaniyatini shakllantirishning ahamiyati atroficha yoritilgan.

Kalit so'zlar: ta'lim, talaba, axloq, madaniyat, etika, ma'naviyat, jamiyat, shaxs, fazilat, tarbiya.

Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasida ta'limni tizimni isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, ilg'or ta'lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish maqsadida bir qator amaliy tadbirlar amalga oshirilmoqda. Yosh avlodning madaniyatini, ma'naviy-axloqiy salohiyatini ko'tarmoq, milliy mafkurasini uyg'otmoq zarur. Zero, o'zini anglagan, millat ma'naviyatini tushungan insongina xalqini, millatini, Vatanini, oilasini taniydi. Xalq va millat oldidagi burchni, mas'uliyatini, majburiyatini anglaydi. Insonning ma'naviy-axloqiy barkamol bo'lishi xalq, davlat, jamiyat ma'naviyatiga asos bo'ladi. Shunday ekan, yoshlarga chuqur nazariy va amaliy bilimlar, kasbiy malaka, ko'nikmalar hosil qilish, ijtimoiy hayotdagi voqea-hodisalari va muammolariga to'g'ri munosabatda bo'lishga o'rgatish, Vatanni sevish, ajdodlari yaratgan bebaho ma'naviy javohirlarni imkon qadar egallash, ularni asrab-avaylash va boyitish, mamlakatimiz kelajagini, ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning bugungi holatini chuqur tahlil qilish, jahondagi va mamlakatimizdagi ma'naviy, aqliy bilimlardan foydalanib, voqelikda faol ishtirok etish ruhida tarbiyalash bugungi kun talabidir. Ijtimoiy-gumanitar va iqtisodiy fanlarni o'qitish jarayonida milliy istiqloq g'oyasi va mafkurasini, milliy va umuminsoniy qadriyatlar asosida o'quvchi-yoshlarda ilmiy dunyo-qarash, yuksak ma'naviy-axloqiy salohiyat, iqtisodiy, huquqiy va ijodiy tafakkurni, ijtimoiy-siyosiy faollikni shakllantirish kabi talablarni ta'minlash lozimligi alohida uqtirilgan. Ma'naviy-axloqiy dunyoqarashi shakllangan o'quvchi-yoshlarda ma'naviy-axloqiy bilim, ma'naviy-axloqiy tafakkur, ma'naviy-axloqiy his-tuyg'u, ma'naviy-axloqiy idrok fazilatlarini tushunish darajalari rivojlangan bo'ladi. Ma'naviy idrok, axloqiy iroda, xatti-harakat va malakalar bir-birini to'ldirib, o'quvchining shaxsiy hayoti, faoliyatida o'z ifodasini namoyish etadi. Ma'naviy-axloqiy barkamollik talaba-yoshlarda mustaqil e'tiqod, dunyoqarash va maqsadga ega bo'lish, ezgu fikr, ezgu so'z, ezgu amal birligini ta'minlash, shaxsiy manfaatni jamiyat manfaati bilan uyg'un ko'rish yo'nalishlarida mustahkamlanadi. Axloqiy qadriyatlar mazmun-mohiyatiga ko'ra inson tarbiyasida funkcionalligi va ijtimoiy xarakteri bilan aksiologik xususiyatga ega.

Bugungi kunning asosiy talabi bo'lgan shaxsning, avvalo, o'ziga nisbatan tanqidiy tahlilning shakllanishi, o'z manfaatini jamiyat manfaati bilan uyg'unlashtirishining asosida insonning o'zini o'zi nazorat qilishi, baholashi va o'zini o'zi boshqarishi singari ma'naviy va sinergetik jihatlari birligi yotadi. Bu shaxs ma'naviy borlig'ining ajralmas xossalari bo'lgan axloq, bilish va erkinlik hodisalarida namoyon bo'ladi. Bu hodisalarning shaxs hayoti va faoliyatiga turlicha ta'sir ko'rsatishi masalasi hozirgi zamon axloq falsafasining ba'zi muammolarini ko'rib chiqishni taqozo etadi. Ko'pgina olimlarimiz va tadqiqotchilarimiz tomonidan axloq, odob, madaniyat va qadriyatlar borasida ilmiy izlanishlar olib borilgan [1, 2, 3, 4, 5, 6].

Abu Nasr Forobiy bu xususda shunday yozadi: "Fazilat muayyan bir mantiqiy mazmunda ifodalangan mavhum tushunchagina emas, balki odamning go'zallikka, yaxshilikka erishishi uchun qilinadigan faoliyati va xatti harakatlarining aniq ifodasi hisoblanadi". Allomaning fikricha, odamni yaxshi ishlarni qilishga va go'zal xulqlar sohibi bo'lishga da'vat etuvchi ichki (axloqiy) sifatlar fazilatlar deb ataladi. Insonda axloq, odob, iymon, vijdon, halollik, mehnatsevarlik, baynalmilalchilik, insonparvarlik, e'tiqod, vatanparvarlik, milliy va umuminsoniy tuyg'u, burch va mas'uliyatni his qilish kabi axloqiy sifat va fazilatlar qanchalik kuchli bo'lsa, jamiyat taraqqiyotining zaminlari ham kengayadi, tinchlik, osoyishtalik, hamjihatlik barqaror bo'ladi. Bunday insonlar qancha ko'p bo'lsa, jamiyat shuncha barkamol bo'ladi, ilm-fan, madaniyat rivoj topadi [7].

Axloqiy fazilat-faoliyat, xatti-harakat demakdir. Adolatli ishlarni bunyod qilish bilan odam adolatli bo'lib boradi, mardona harakat bilan mard bo'ladi. Odam jamiyatda yashagani sababli uning axloqiy



fazilatlarini hech qachon sof, xolis holda namoyon bo'lmaydi, balki faqat ijtimoiy faoliyatdagina amalga oshadi. Shuning uchun barcha axloqiy fazilatlar ijtimoiydir. Axloqiy qadriyatlar tizimida mehnatsevarlik funksialligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi. Boshqacha aytganda, axloqiy qadriyatlarining boshqa barcha shakllari va ular takomili ham bevosita mehnat orqali ro'yobga chiqadi. Tasavvuf va tariqat ahlining buyuk namoyandasi Bahouddin Naqshband hazratlarining “Dil ba yoru, dast ba kor” (diling Allohda, qo'ling ishda bo'lsin), degan hikmatida “Yaratgan Robbim rizqimizni ham beradi”, – deb biron bir foydali mehnat qilmay, faqat toat–ibodat bilan mag'rur yurishni emas, balki odam Alloh taoloni diliga jo qilib, baholi qudrat mehnati bilan rizq-u ro'z topib yashashi zarurligi uqtiriladi. Ul zot sharif ayni qoidaga, avvalo, o'zlari amal qilganlar. Ilmni, valiylikni emas, balki halol tirikchilik manbai sifatida kimxobga naqsh solish kasbini tanlab, shu orqali oila tebratganlar. Bu kasb ul zotga otadan “ota kasb” sifatida meros o'tgan edi. Hattoki, o'zlariga xizmatkor ham saqlamaganlar. Shuningdek, ul zot talabalarni madrasaga qabul qilish paytida yoshlardan: “Biron kasbing bormi?”, – deb, albatta, so'rar ekanlar. Kasbi-kori, hunari yo'q bolalarni o'qishga qabul qilmaganlar. Buning sababini Naqshband hazratlari: “Agar kishi hunarli bo'lsa, u kishi bilimni haqiqatga bag'ishlaydi, o'z mehnati bilan kun kechiradi. Bordi-yu, kasbi bo'lmasa, bilimni tirikchilikka sarf etadi, halol mehnatni unutadi”, – deya izohlaydilar. Axloqiy qadriyatlar insoniy fazilat va xislatlar uyg'unligini o'zida mujassamlashtirgan, jamiyatdagi ijtimoiy tartiblar, huquq, odob normalarini anglash, unga rioya qilish hamda qadrlash asosida takomillashib boradigan umuminsoniy fazilatning ham fikriy, ham amaliy me'yorlari majmuidir. Axloqiy fazilatlar tabiatini teran tahlil qilgan Arastu fikricha, fazilat ruhning holati bo'la olmaydi, uni insonlarga tabiatning o'zi bermaydi, balki tabiat fazilatli bo'lishning imkoniyatlarini yaratadi, xolos. Barcha axloqiy fazilatlar- adolat, do'stlik, muhabbat, mardlik, mo'tadillik, saxiylik, sulhparvarlik, xushfe'llik va hokazolar faqat inson faoliyatida namoyon bo'ladi. Axloqiy madaniyat quyidagicha tuzilmalarga ega:

- a) jamiyat subyektlari axloqiy ongining belgilari va elementlari;
- b) xulq-atvor va muloqot madaniyati;
- v) axloqiy xatti-harakatlar va faoliyat.

Bulardan ma'lum bo'ladiki, bir tomondan, axloqiy madaniyat madaniyatning jamiyat moddiy va ma'naviy hayotiga oid boshqa turlari bilan muvofiq keladi, boshqa tomondan esa u jamiyatdagi illatlar–yomonlik, tengsizlik, vijdotsizlik, nomussizlik, g'urursizlik kabi boshqa axloqqa qarshi hodisalarga ziddir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Akbarov N. Texnika oliy o'quv yurti talabalarida kasbiy madaniyatni shakllantirishning pedagogik asoslari: Avtoref. ped.fan.dok. ... dis. – T.: TDPU, 2008. –B. 45.
2. Kenjaeva D.R. Madaniyatning tarbiyaviy funksiyasi va uning ijtimoiy falsafiy tahlili: fals.fan. nomz. ... diss. – T.: 1999. – B. 26.
3. Musurmonova O. Yuqori sinf o'quvchilari ma'naviy madaniyatini shakllantirishning pedagogik asoslari: ped.fan.dok. ... diss. – T.: 1993. – B. 364.
4. Masharipov I.B. Ma'naviy omillarning rahbar kadrlar kasbiy madaniyatini shakllantirishdagi o'rni: Avtoref. siyosiy... fan.nom. – 2009. – B. 50.
5. Qosimov Sh.U. Kasb-hunar kollejlari amaliy kasbiy ta'limni tashkil etishning metodik asoslarini takomillashtirish / Ped. fan. fal. dok. ... dis. – T., O'MKHTTKMOQTI, 2018. – B. 176.
6. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yoxud axloq. – T.: O'qituvchi, 1992. – B. 62.
7. Abu Nasr Farobiy. Fozil odamlar shahri. // Tanlangan asarlar. Mas'ul muharrir: akad. M. Xayrullaev. – T.: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1993. – B. 222.



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШАЛАР ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

САКЛАРНИНГ ҲАРБИЙ САНЪАТИ ХУСУСИДА

Хожамбердиев Элёр Шакирович
Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти кичик илмий ходими
Телефон: +998998720783
elyorbek0207@mail.ru

АННОТАЦИЯ. Қадимги Турон халқларининг ҳарбий иши илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мазкур тадқиқотда ўзбек миллатининг аجدодлари ўлароқ сакларнинг ҳарбий маҳорати, жанг қуроллари ва жанг услубларининг баъзи саҳифалари ёритилди.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Саклар, акинак, баргустивон, сагарис, табарзин, ўқ-ёй.

Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихида ҳарбий ишнинг аҳамияти каттадир. Бу борада сак қабилаларининг ҳарбий санъати, жасорати, жанг услубларини эътироф этиш ўринли. Қадимги манбалар ва уларга асосланган фаразлардан келиб чиқиб, сакларнинг ҳарбий ишига хос бўлган энг муҳим қуйидаги жиҳатларни ажратиш мумкин. Тарихий манбаларга кўра саклар душманни ҳамла билан кучсизлантириб тўсатдан ортга чекиниш орқали чалғитиш ва тўсатдан қайта ҳужумга ўтиб душманни мағлуб этишган. Тадқиқотчилар буни “чекиниб жанг қилиш” усули деб атаганлар. Бу усулга кўра отлиқ аскарлар орқага ўгирилиб ўқ узишган ва душманни ортларидан эргаштириб боришган. Саклар фақат вазият тақозо қилгандагина қўл жангига киришишган. Геродотнинг қайд этишича Томур хотун бошчилигидаги массагет қабилалари Форс шоҳи Курушга қарши курашда сакларга хос бўлган “чекиниб жанг қилиш” усулидан фойдаланганлар [1, б. 12].

Милоддан олдинги 8–7-юзйилликларда Туронликлар томонидан темирнинг ўзлаштирилиши нафақат меҳнат қуроллари балки ҳарбий қуроллارнинг ҳам ишлаб чиқарилишига сабаб бўлди. Бу даврда сакларнинг асосий қуроллари калта ханжар (акинак), болта (сагарис), ва дастаси узун ойсимон болта (табарзин), найзалар ҳамда энг асосийси ўқ-ёйлардан иборат эди. Археологик манбаларга кўра сак қабилалари қўшинида энгил камончилар, отлиқлар ва пиёдалар бўлган. Суворийларнинг отлари ёпинчиқли совут (баргустивон) билан ҳимояланган. Суворийларнинг ўзлари совут ва бронзадан ясалган дубулғалар билан ҳимояланган. Отлиқ аскарларнинг асосий қуроллари яна бири узунлиги 3 метргача бўлган найзалар эди [1, б. 14]. Сакларнинг асосий қуроллари ўқ-ёй ҳисобланган. Ўқ-ёй овда ҳам жангда ҳам бир хил моҳирлик билан қўлланилган. Ўқ қадим замонларда скифларнинг миллий рамзи эди. Археолог Д.Н. Анучин сак камонларини икки турга: оддий ва мураккабга ажратди. Оддийларга оддий эгилган шохдан ясалган, мураккабларга эса бир-бирига боғланган бир нечта қисмлардан, яъни турли хил ёғоч турларидан шунингдек, суякдан ясалган камонларни киритди. Скифларда кенг тарқалгани мураккаб камонлар ҳисоблаган. Д.Н. Анучиннинг фикри кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қабул қилинган. Ўқ учлари скиф жамиятининг турли табақалари сардорлардан тортиб оддий жамоа аъзолари вакиллариининг қабрларида энг кўп учрайдиган буюмдир. Улар эркак жангчилар ва аёл жангчиларнинг қабрларида, кўпинча болалар қабрларида ҳам учрайди [2, б. 6]. Ўқ учлари Евросиёнинг кенг ҳудудларига тарқалган бўлиб, скиф кўринишидаги камонларнинг тарқалиш ҳудудини аниқ белгилаб беради. Скиф моддий маданиятининг барча буюмлари ичида, фақат аҳоли пунктларидаги сопол парчаларидан ташқари скиф ўқ учлари бошқаларга қараганда кўпроқ учрайди. Ўқ учларидан ташқари археологик материаллар бизга сак камонларининг тузилиши, улардан ўқ отиш усуллари, сак жангчилари томонидан камончиларнинг турли хил жиҳозларидан фойдаланиш, камон ва ўқлар учун - гориталар (ғилофлар) ва қалқонлар ҳақида фикр юритишга имкон беради. Ўқ учлари ва ғилофларни ишлаб чиқариш ҳақида ҳам баъзи маълумотлар мавжуд. Албатта, бу моддий топилмаларнинг қиммати кўп жиҳатдан қабрларда



топилган буюмларнинг сақланиш даражасига боғлиқ. Саклар камонининг қизиқарли тавсифини тарихчи Аммиан Марцеллин қуйидагича ифодалайди: «Барча халқларнинг камонлари эгилувчи дарахтлардан ясалган бўлса, скифларнинг камонлари... икки томондан кенг ва ичкарига чуқур шохли бўлиб, ойнанинг камайиш пайтидаги кўринишига эга, ўртасини эса тўғри ва думалоқ тахтача ажратиб туради». Бу тавсиф скиф даврига оид тасвирлардан яхши маълум бўлган камонларга тўлиқ мос келади [2, б. 8]. Юнон тарихчиси Геродот маълумотларига кўра сакларнинг қўшини асосан отликлардан иборат бўлган. Отликлар енгил ва оғир қуролланган суворийларга бўлинган. Енгил қуролланган отлик қўшиннинг вазифаси тартибсиз шиддатли хужум қилишдан иборат бўлган. От устида ўтирган ҳолда моҳирона ўқ узаётган суворийлар душман устига ўқлар ёмғирини ёғдирган ва яна шиддат билан ортага чекинган. Оғир қуролланган отлик суворийларнинг ҳам ўз вазифалари бўлган. Оғир қуролланган суворийлар енгил суворийлардан фарқли тарзда тартиб билан бир сафга жипслашиб душманга ҳамла қилганлар. [3, б. 53] Геродотда сак-массагетлар қўшинининг тузилиши ва ҳаракатлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Юнон тарихчиси сакларнинг форслар билан уруши ҳақида ҳикоя қилиб «скиф бўлинмалари - пиёдалар ва отликлар - форслар билан жанг қилиш учун жанговар тартибда чиқишди» деб аниқ айтади Бу парчадан скиф қўшинининг отликлар ва пиёдаларга бўлинганлиги ҳақидаги маълумотлардан ташқари, биз форслар билан уруш давридаёқ скифлар маълум бир жанговар тузилмадан фойдаланганликларини кўрамыз [2, б. 53]. Хулоса ўрнида шуни келтириш мумкинки, қадим аждоқларимиз ҳисобланган сак-массагет қабилалари ўз даври учун ривожланган ҳарбий маҳорат ва тажрибага эга бўлишган. Уларнинг жанг услублари ва отлик суворийлар тузилмаси санъатини қўшни минтақа халқлари ўз ҳарбий ҳаётида ўзлаштириб кенг фойдаланишган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Д.Х. Зиёева. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. Тошкент. 2012 йил. 281 бет.
2. Е.В. Черненко. Скифские лучники. Киев. 1981. С.178.
3. Геродот. История в девяти книгах. Перевод Г. А. Стратановского. Ленинград. 1972. С. 672.



ЭТНИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ В МАВЕРАННАХРЕ И ХОРАСАНА В ПЕРИОД САМАНИДОВ

Умаров Бахтишод

Базовый докторант кафедры

Археология и История Бухары

Бухарского государственного университета

b.b.umarov2019@buxdu.uz

АННОТАЦИЯ: В данной статье представлены сведения об этнической ситуации в Мавараннахре и Хорасане в эпоху Саманидов, об этнических единицах, имевших свое место в социально-экономической и религиозной жизни.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: период Саманидов, администрация и вооруженные силы, этническая принадлежность, тюрки, арабы, персы и др.

Период правления Саманидов (819–999 гг.) стал ключевым этапом в истории Средней Азии и Ирана, который привел к этническим, культурным и политическим изменениям в регионах. Под их властью ограничиваются территории Мавераннахра (между Амударьей и Сырдарьей) и Хорасана (включающего современные части Ирана, Афганистана и Туркменистана). На этих землях были населены различные этнические обряды, и правление Саманидов оказало влияние на условия этнических идентичностей, развитие ислама и исламской культуры, а также установление новых форм сосуществования между этносами.

Мавераннахр и Хорасан были регионами с давними традициями оседлых и кочевых сообществ. Мавераннахр, часто упоминаемый как Трансоксиана, располагался между двумя великими реками — Амударьей и Сырдарьей. Этот регион был населен исключительно иранскими и тюркскими племенами, среди популярных которых были согдийцы и хорезмийцы. Хорасан, расположенный к югу от Амударьи, представлял собой более разнообразную этническую картину, населенную иранскими, арабскими и тюркскими племенами, в том числе и кочевыми народами. Этническая ситуация в обоих регионах была динамичной и менялась под воздействием различных политических и международных факторов.

Иранские племена играли центральную роль в этнических регионах. Согдийцы, хорезмийцы и персы были устойчивыми значимыми этносами в Мавераннахре и Хорасане. В частности, согдийцы, как один из древнейших племени региона, продемонстрировали высокий уровень урбанизации, развития ремесел, торговли и культуры. Их города — Самарканд, Бухара, Пенджикент — являлись центрами торговых путей и культурного обмена. Хорезм, находился на пересечении различных культурных и этнических потоков, и его жители имели древние традиции сельского хозяйства и ремесел.

Важную роль в этническом составе играли тюркские племена. Хотя в начале правления Саманидов их состав не был высоким, со временем тюркские кочевники усилили свое присутствие в Мавераннахре и Хорасане, особенно в связи с их активным использованием в качестве военных сил. В IX-X веках тюрки начинают занимать основные военные и административные позиции при дворе Саманидов. Со временем их влияние на политику меняется, и к концу периода правления Саманидов тюркские военачальники начинают действовать в качестве правителей области государства.

Еще одна важная этническая группа, которая внесла свой вклад в этнический ландшафт региона, — это арабы. После завоевания VIII века арабские поселения стали появляться на территории Хорасана и Мавераннахра. Арабы принесли с собой ислам, который постепенно распространился среди местных народов. Хотя первоначально арабы занимали привилегированное положение в обществе как завоеватели, со временем они ассимилировались с иранскими и тюркскими народами. Их влияние на культурное и религиозное развитие регионов было последним, особенно в распространении ислама и арабского языка, как языка науки и религии.

Тюркские племена, особенно кочевники, играли ключевую роль в армии Саманидов. Они были главной опорой в войне с соседями, особенно с кочевыми племенами, пришедшими с северо-востока. Саманиды воспользовались своей военной мощью, назначая тюркских военачальников на высокие посты и предоставляя им земельные наделы в обмен на верность.



Это создано предпосылки для того, чтобы тюрки стали частью государственной структуры, что, в свою очередь, способствовало их постепенной оседлости и проникновению в оседлое общество.

Хотя Саманиды были ревностными мусульманами, они сохраняли уважение к традициям и не предпринимали жестких мер по исламизации иранских народов. Однако ислам постепенно стал развивать религию, и это способствовало объединению различных этнических групп на основе общей религии. Распространение ислама сопровождалось арабским культурным влиянием, в первую очередь через язык и литературу. Арабский язык стал языком науки и религии, однако персидский язык также начал играть важную роль, особенно в письменном и производственном деле.

Одним из наиболее важных аспектов этнической ситуации в Мавераннахре и Хорасане в период Саманидов было культурное и религиозное взаимодействие между различными этническими порядками. Саманидское династия представляло собой место, где пересекались и применялись различные культурные традиции.

Ислам стал мощным объединяющим фактором для различных этнических групп региона. Несмотря на этнические различия, мусульманская идентичность постепенно становилась важнее для многих народов, что способствовало их распространению в единой культурной и религиозной общности. В то же время ислам не уничтожил местные культурные традиции, которые продолжали существовать в виде различных народных обычаев и обрядов.

Этнические группы, такие как согдийцы, тюрки и арабы, постепенно ассимилировались друг с другом, создавая уникальный культурный синтез. Это проявлялось в архитектуре, языке, особенно в обрядах и повседневной жизни. В то же время различия между оседлыми и кочевыми народами сохранились, и стали менее прогрессивными, хотя благодаря политике Саманидов, направленной на привлечение кочевников к оседлой жизни.

Период управления Саманидов сыграл главную роль в этнической и культурной ситуации в Мавераннахре и Хорасане. В ходе восстановления их правления был уникальный симбиоз различных культурных и этнических традиций, который оказал влияние на дальнейшее развитие региона.

Саманидская политика по поддержке тюркских племен в своей государственной системе привела к значительному усилению тюркского сообщества в сообществах. Это стало предвестником будущих тюркских династий, таких как Газневиды и Сельджуки, которые впоследствии сыграют ключевую роль в истории Средней Азии и Ближнего Востока. Тюркская элита, воспитанная при дворе Саманидов, стала проявлять политическую силу, а их этническое и культурное взаимодействие с иранцами заложило основы для дальнейшего развития тюркско-иранского культурного синтеза.

Список использованных литератур

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро Тарихи. –Т.: Шарқ баёзи, 1993. –122 б.
2. Камолиддин, Ш. С. (2006). К вопросу о происхождении Саманидов. *Archivum Eurasiae Medii Aevi*. Ed. by Th. T. Allsen, PB Golden, RK Kovalev and AP Martinez, 15.
3. Ш.С.Камолиддин, З.А.Илхамов Саманиды: из истории государственности Узбекистана в IX – X вв.. – Т.: 2018.
4. Мухторов А. Сомониён: замон ва макон. –Душанбе: “Сурушан”, 1999. – 288 с.
5. Umarov, B. (2024). DEVELOPMENT OF SCIENCE IN BUKHARA DURING THE SAMANID PERIOD (IN THE EXAMPLE OF HISTORY AND MEDICINE). *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 4(6). <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I6Y2024N09>
6. Umarov, B. (2023). ABU BAKR NARSHAXIY ASARIDA BUXORO SHAHRI TAVSIFI. *Farg'ona davlat universiteti*, (2), 166-166.



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА
ТУТГАН ЎРНИ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

MILLATLARARO TOTUVLIK VA DINIY BAG‘RIKENGLIK – XALQARO
MUNOSABATLARDA O‘ZBEKISTON IMIJINI SHAKLLANTIRUVCHI OMIL
SIFATIDA

Rajabova Maftuna Ikrom qizi,
O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti
2-bosqich tayanch doktoranti (PhD).
Telefon: (+99897) 515-12-96
rajaboovamaftuna@gmail.com

ANNOTATSIYA: Ushbu tezisda “tolerantlik” kategoriyasining mazmun-mohiyati va uning xalqaro munosabatlarni rivojlantirishdagi o‘rni va roli tahlil etilgan. Shuningdek, O‘zbekiston ijtimoiy-siyosiy taraqqiyotining yangi bosqichida millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglikni mustahkamlash yuzasidan olib borilayotgan islohotlarga alohida urg‘u beriladi.

KALIT SO‘ZLAR: bag‘rikenglik, tolerantlik, YUNESCO, siyosiy imij, Harakatlar strategiyasi, xalqaro munosabatlar, BMT, rezolyutsiya, vijdon erkinligi, diniy bag‘rikenglik, pragmatik.

Bag‘rikenglik – jamiyat va davlat hayotining ajralmas bir qismi bo‘lib, inson va uning taraqqiyoti tarixida muhim rol o‘ynaydi. Tolerantlik (lotincha *tolerantia* – murosa, chidam, sabr-toqat, qabul qilish) – bu o‘zgalarning urf-odati, hayot tarzi, e‘tiqodi, qadriyatlar va dunyoqarashiga nisbatan bag‘rikeng munosabatda bo‘lishni anglatuvchi murakkab falsafiy-siyosiy termindir.

Tolerantlik (bag‘rikenglik) tushunchasi ijtimoiy fanlarda noaniq va nihoyatda murakkab, ko‘p o‘lchovli tushuncha hisoblanib, tadqiqotchilar orasida bu borada to‘liq bir aniqlik mavjud emas. Tolerantlikka axloqiy tamoyil, xulq-atvor modeli, ijtimoiy ko‘rinishlarda individual yoki ijtimoiy munosabat shakli va boshqalar sifatida qaraladi[1]. Qarashlar turlicha bo‘lmasin, tolerantlik tushunchasini aniqlash uchun siyosiy fikr tarixi, shuningdek, ushbu g‘oyani himoya qilishdagi o‘zgarishlar va davomiylikni o‘rganish, tolerantlik jarayonini kuzatish lozim.

Bag‘rikenglik kategoriyasini nazariy va amaliy qo‘llashda 1995-yil YUNESKO Bosh konferensiyasining 28-sessiyasida qabul qilingan “Tolerantlik tamoyillari deklaratsiyasi”da berilgan ta’rifga tayanilmoqda. Ushbu hujjatda bunday deyilgan:

Bag‘rikenglik – bizning dunyomizdagi turli boy madaniyatlarni, o‘zini ifodalashning va insonning alohidaligini namoyon qilishning xilma-xil usullarini hurmat qilish, qabul qilish va to‘g‘ri tushunishni anglatadi. Uni bilim, samimiyat, ochiq muloqot hamda hur fikr, vijdon va e‘tiqod vujudga keltiradi.

Tolerantlik – turli-tumanlikdagi birlikdir. Bu faqat ma’naviy burchgina emas, balki, siyosiy va huquqiy ehtiyoj hamdir. Bag‘rikenglik – tinchlikka erishishni musharraf qilguvchi va urush madaniyatsizligidan tinchlik madaniyatiga elituvchidir. Tolerantlik – yon berish, andisha yoki xushomad emas. Tolerantlik – eng avvalo insonning universal huquqlari va asosiy erkinliklarini tan olish asosida shakllangan faol munosabatdir. Har qanday vaziyatda ham tolerantlik ana shu asosiy qadriyatlarga tajovuzlarning bazonasi bo‘lib xizmat qilmaydi. Bag‘rikenglikni alohida shaxslar, guruhlar va davlatlar namoyon qilishi lozim[2].

O‘zbekiston – azal-azaldan ko‘p millatli va ko‘p konfessiyali mamlakat hisoblanib, bugungi kunda mamlakatimizda 136 dan ortiq millat va elat hamda, 17 ta diniy konfessiya vakillari istiqomat qiladi. Mamlakatimizda turli millat va din vakillarining tinchlik-totuvlikda, hamjihatlikda yashashi va ular o‘rtasida kelib chiqadigan turli nizolarning oldini olish, tinch yo‘l bilan hal qilishda tolerantlik omilini shakllantirish hamda sog‘lom tolerant muhitni yaratish bugungi kunda dolzarb masalalardan hisoblanadi. So‘nggi besh yildagi (2017-2022) islohotlar O‘zbekiston taraqqiyotida yangi bosqichni boshlab berdi va “Yangi O‘zbekiston” konsepsiyasi haqiqatga aylandi. Yangi strategiyaning yettita ustuvor yo‘nalishi mamlakatimizda tinchlik va hamjihatlikni saqlash, fuqarolar va etnik guruhlar o‘rtasidagi do‘stlik va hamjihatlik muhitini mustahkamlash, odamlarning ma’naviy olamini yanada rivojlantirish, millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglikni ta’minlash, inson huquq va erkinliklari,



qonuniy manfaatlarini yanada himoya qilish, xalqaro maydonda mamlakatimizning obro‘-e‘tiborini yanada mustahkamlash hamda siyosiy imijini shakllantirishga xizmat qildi.

O‘zbekistonda Prezident Shavkat Mirziyoyevning bevosita tashabbusi va rahbarligida qabul qilingan hamda izchil amalga oshirilayotgan O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi taraqqiyotning yangi bosqichini boshlab berdi. Mazkur davlat dasturida O‘zbekistonni har tomonlama taraqqiy ettirish, dunyoning ilg‘or demokratik davlatlari qatoridan joy olishi va jahon maydonida munosib o‘rin egallashi asosiy maqsad etib belgilandi. Prezident Shavkat Mirziyoyev O‘zbekistonni har tomonlama rivojlantirishga qaratilgan Harakatlar strategiyasini amalga oshirish va mamlakatimizda yangi islohotlarni boshlab berish borasida: “Bizning vazifamiz – to‘plangan tajriba va ilg‘or xalqaro amaliyotga suyangan holda, o‘zimizning taraqqiyot va yangilanish modelini qat‘iy amalga oshirishdan iborat”[3], – deya ta’kidlagan edi.

Harakatlar strategiyasi xalqchilik, insonparvarlik, bag‘rikenglik va ezgulik g‘oyalariga tayanadi. Ijtimoiy, siyosiy va iqtisodiy jarayonlarni baholash va ularga yondashishda milliy va umuminsoniy qadriyatlar uyg‘unligining ustuvor ahamiyatga ega ekani haqidagi nazariyaga asoslanadi. Malumki, dunyoda azaldan ikki omil kurashi, ya‘ni kuchni hurmat qilish madaniyati hamda mehrni, yaxshilikni hurmat qilish madaniyati o‘rtasida tortishuv davom etib keladi. Kuchni hurmat qiladigan madaniyat nazariyotchilari “maqsadga erishish uchun har qanday vositadan foydalanish mumkin, chunki natija vositani oqlaydi” degan tamoyil asosida ish tutsa, mehrni hurmat qilish madaniyati tarafdorlari esa natijaga faqat to‘g‘rilik, haq-haqiqat va haqqoniylik orqali erishishni talab etadi[4]. O‘zbekiston tazyiq o‘tkazuvchi kuchni, zo‘ravonlikni emas, o‘zaro hurmat, mehr va do‘stlikni hurmat qiladigan, qadrlaydigan mamlakatdir. Harakatlar strategiyasining asosiy nazariy asosi do‘stlik, tinchlik va hamkorlikni qo‘shni davlatlar bilan raqobatga kirishish emas, balki yaqin do‘st va hamkor bo‘lib, umumiy muammolarni birgalikda samarali hal etishni tashqi siyosatning ustuvor yo‘nalishi etib belgilanganda namoyon bo‘ladi.

Harakatlar strategiyasining beshinchi yo‘nalishi “Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag‘rikenglikni ta‘minlash hamda chuqur o‘ylangan, o‘zaro manfaatli va amaliy tashqi siyosat sohasidagi ustuvor yo‘nalishlar” deb nomlangan bo‘lib, mazkur yo‘nalish 2 ta bandni o‘z ichiga oladi.

Ushbu ustuvor yo‘nalish asosida diniy ekstrimizm va missionerlik faoliyatiga qarshi kurashish, millatlararo va konfessiyalararo totuvlikni ta‘minlash bo‘yicha chora-tadbirlar dasturi ishlab chiqildi va tasdiqlandi. Shu bilan bir qatorda, O‘zbekistonning xorijiy sheriklar bilan 2017-yildagi siyosiy-diplomatik sohadagi hamkorligini rivojlantirishga hamda 39 mamlakat bilan 2017-yildagi savdo-iqtisodiy, investitsiyaviy, texnologik va moliyaviy-texnik hamkorligini tubdan rivojlanishi va kengayishini ta‘minlashga doir “Yo‘l xaritalari” ishlab chiqildi. Bundan tashqari, 2017-yil 19-maydagi PF-5046-son “Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do‘stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni, 2017-yil 15-noyabrdagi PF-5876-son “Millatlararo munosabatlar sohasida O‘zbekiston Respublikasi konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi farmoni, 2018-yil 16-apreldagi PF-5416-son “Diniy-ma‘rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 2018-yil 16-apreldagi PQ-3668-son “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasi huzuridagi Din ishlari bo‘yicha qo‘mita faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori, 2018-yil 4-maydagi “O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi din va e‘tiqod erkinligini ta‘minlash bo‘yicha “Yo‘l xaritasi” va 2019-yil 15-noyabrdagi PF-5876-son “Millatlararo munosabatlar sohasida O‘zbekiston Respublikasi davlat siyosati konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmonlari qabul qilindi.

Millatlararo totuvlik va bag‘rikenglikni ta‘minlash O‘zbekiston Respublikasi tashqi siyosatida muhim o‘rin egallay boshladi. Hukumat xalqaro tashkilotlar hamda ushbu sohadagi mutaxassislar bilan konstruktiv muloqot va hamkorlik o‘rnatishga alohida e‘tibor qaratmoqda. Jumladan, Birlashgan Millatlar Tashkilotining Inson huquqlari bo‘yicha Oliy komissari Zeyd Raad Al-Huseyn hamda Yevropa xavfsizlik va hamkorlik tashkilotining Milliy ozchiliklar bo‘yicha Oliy komissari Lamberto Zaniyerning mamlakatimizga tashrifi chog‘ida mazkur sohada olib borilayotgan islohotlar muhokama qilindi va xalqaro mutaxassislar tomonidan bu boradagi o‘zgarishlarga yuqori baho berildi. E‘tiborli jihati, 2017-yilda mustaqil O‘zbekiston tarixida ilk bora mamlakatimizga BMT Inson huquqlari bo‘yicha kengashining din va e‘tiqod erkinligi bo‘yicha maxsus ma‘ruzachisi Ahmad Shahid tashrif buyurdi. Uning tavsiyalari asosida 2018-yil 4-may kuni O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi din va e‘tiqod erkinligini ta‘minlash bo‘yicha “Yo‘l xaritasi” tasdiqlandi.



Umuman olganda, O'zbekistonning millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash borasidagi faoliyati xalqaro hamjamiyat tomonidan yuqori baholanmoqda hamda mamlakat tajribasiga katta qiziqish bildirilmoqda. Bu Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan 2017-yil 19-sentabr kuni Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida bag'rikenglik va o'zaro hurmatni qaror toptirish, diniy erkinlikni ta'minlash, e'tiqod qiluvchilarning huquqini himoya qilish, ularning kamsitilishiga yo'l qo'ymaslikka ko'maklashishga qaratilgan "Ma'rifat va diniy bag'rikenglik" deb nomlangan maxsus rezolyutsiyasini qabul qilish taklif etilishi va mazkur hujjatning 2018-yil 12-dekabrda qabul qilinishi buning yorqin misoli bo'la oladi.

Ma'rifat va diniy bag'rikenglik to'g'risidagi rezolyutsiyaning BMTga a'zo davlatlar tomonidan bir ovozdan qabul qilinishi shuni anglatadiki, 51 ta davlat O'zbekiston tomonidan ilgari surilgan konstruktiv taklif, ya'ni dunyodagi mavjud barcha dinlarga nisbatan ma'naviy bag'rikenglik madaniyatini kuchaytirishga doir g'oyani qo'llab-quvvatladilar. Chunki ushbu rezolyutsiya bag'rikenglik bilan birga madaniy va diniy bilimlarni kuchaytirish tamoyilini ham olg'a surgan holda, global tinchlik va farovonlik uchun muhim ustuvor yo'nalish sifatida xizmat qilishi bilan ahamiyatlidir. Mazkur rezolyutsiya nafaqat BMTga a'zo davlatlar tomonidan bir ovozdan qo'llab-quvvatlangani, balki Shimoliy Amerika va Lotin Amerikasi, Osiyo, Afrika va boshqa qit'alarining 50 dan ziyod mamlakatlari bilan hammualliflikda qabul qilingani e'tiborga molik. Bu xalqaro hamjamiyat tomonidan O'zbekiston Prezidenti tashabbusining dolzarbligi va o'z vaqtida ilgari surilgan taklif ekanining yuksak e'tirofidan dalolatdir.

O'zbekistonda diniy bag'rikenglikni ta'minlash bo'yicha olib borilgan islohotlar doirasida erishilgan muhim natijalardan biri sifatida 2018-yilda Amerika Qo'shma Shtatlari Davlat departamenti O'zbekistonni diniy erkinlik borasida "alohida tashvish uyg'otuvchi mamlakatlar" ro'yxatidan chiqarganini ko'rsatish mumkin. E'tiborli jihati shundaki, 2020-yil 13-oktabr kuni BMT Bosh Assambleyasi sessiyasida bo'lib o'tgan saylovlarda O'zbekiston milliy davlatchiligi tarixida birinchi marotaba BMTning Inson huquqlari bo'yicha kengashi a'zoliciga uch yil muddatga (2021-2023-yillarga) saylandi. O'zbekiston uchun BMTga a'zo 193 ta davlatdan 169 tasi ovoz berdi. Ushbu saylovda eng ko'p ovoz to'plagan davlat O'zbekiston bo'ldi. Bu ham mamlakatda millati va dinidan qat'i nazar, inson huquqlarini ta'minlashga qaratilgan, shu jumladan, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik sohasida olib borilayotgan siyosatning e'tirofi desak, mubolag'a bo'lmaydi. Bundan tashqari, xalqaro me'yorlar asosida qayta ishlangan va 2021-yil 5-iyulda qabul qilingan "Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida"gi[5] O'zbekiston Respublikasi qonuni muhim ahamiyatga egadir. Bularning barchasi O'zbekistonning xalqaro munosabatlarda ishonchli va mas'uliyatli sub'ekt sifatidagi roli mustahkamlanayotganidan dalolat beradi.

"Harakatlar strategiyasi" va "Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi" davlat dasturlarida O'zbekistonni barqaror va jadal rivojlantirishda millati, dini va tilidan qat'iy nazar, barcha yurtdoshlarimiz, butun xalqimizning aql-zakovati va bunyodkorlik salohiyatiga tayanib ish tutish siyosatiga o'tish belgilandi. Hamkorlik va do'stlikni tinchlik va taraqqiyotning asosiy garovi deb bilish siyosati olib borilmoqda. Shu bilan birga, O'zbekiston hech qanday harbiy-siyosiy bloklarga qo'shilmasligi, mamlakat hududida boshqa davlatlarning harbiy baza va obyektlari joylashtirilishiga hamda harbiy xizmatchilarning yurtimiz hududidan tashqarida bo'lishiga yo'l qo'ymaslik siyosati, shuningdek, ochiq va pragmatik tashqi siyosatni amalga oshirishga izchil sodiq qolish belgilandi.

Bugungi kunga kelib, tolerantlik ijtimoiy munosabatlarning yangi toifasi sifatida talqin etilmoqda. Tolerantlik hodisasining noyob mohiyati uning fanlararo xususiyatidan iborat bo'lib, u shuning uchun ham aksariyat gumanitar fanlar tomonidan o'rganilmoqda. Garchi tolerantlik voqeligini o'rganish sohasida ayrim natijalarga erishilgan bo'lsa ham, bu tushunchaning ilmiy kategoriya sifatida amaliy yo'nalish mohiyati haligacha aniq ta'riflab berilgan emas. Darhaqiqat, mazkur tushunchaning etimologiyasiga nazar solinsa, ijtimoiy munosabatlarda tolerantlik iborasining chin insoniy ma'nosi hamfikrlik, hamjihatlik, shaxslararo amaliy muloqotga to'g'ri keladi. Tolerantlik kategoriyasiga oid ilmiy-falsafiy konsepsiyalarni tahlil qilganda siyosiy omilni yetakchi o'ringa chiqishini e'tirof etish lozim. Chunki tolerantlik tasodifiy kechadigan to'da yoki olomonning xohish-irodasi, histuyg'ularining ifodasi emas, balki u etnoslarning, millatlarning tub manfaatlarini ifoda etadigan ijtimoiy-siyosiy hodisadir. Har qanday ijtimoiy hodisa pirovard natijada siyosiy tuzum, davlat hayotiga borib taqaladi va siyosiy boshqaruvning strategik maqsadlariga ta'sir etadi.



Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Гулиев М.А. Политическая толерантность в урегулировании этнических конфликтов.: Кандидата политических наук. Дисс. Автореф. – Ростов-на-Дону, 2003. – С. 14.
2. Declaration of Principles on Tolerance. [Elektron manba]: <https://www.oas.org/dil/1995%20Declaration%20of%20Principles%20on%20Tolerance%20UNESCO.pdf>.
3. Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo‘shma majlisidagi nutqi.[Elektron manba:] <https://uzbekistan.org.ua/uz/157-siyosat/4194-shavkat-mirziyoyevning-o-zbekiston-respublikasi-prezidenti-lavozimiga-kirishish-tantanali-marosimiga-bag-ishlangan-oliy-majlis-palatalarining-qo-shma-majlisidagi-nutqi.html>.
4. Harakatlar strategiyasi asosida jadal taraqqiyot va yangilanish sari. –Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi, 2017. –B. 9.
5. Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to‘g‘risidagi O‘zbekiston Respublikasi qonuni. [Elektron manba:] <https://lex.uz/docs/-5491534>.



HARBIY STRATEGIYA FENONIMI. (AMIR TEMUR STRATEGIYASIDA
QO'LLANILISHI)

Togayeva Dilnoza
O'zDJTU tayanch doktoranti
Tel: (99)8437047.

ANNOTATSIYA

Strategiya konsepti va uning mazmun mohiyatini tahlil qilish. Shu asnoda, strategiya kategoriyasining bir qismi harbiy strategiya XIV asrda Sohibqiron Amir Temur qay yusinda foydalandi va uning qullanilish usullari haqida bilimga ega bo'lish.

Kalit so'zlar: Turon, Markaziy Osiyo, siyosiy strategiya, harbiy startegiya, razvitka, Amir Temur.

ФЕНОМЕН ВОЕННОЙ СТРАТЕГИИ. (ИСПОЛЬЗОВАНИЕ В СТРАТЕГИИ
АМИРА ТЕМУРА)

АННОТАЦИЯ

Анализ понятия стратегии и ее сущности. В то же время частью категории стратегии является военная стратегия, которую использовал Сахибқирон Амир Темур в 14 веке и как ее использовать.

Ключевые слова: Туран, Центральная Азия, политическая стратегия, военная стратегия, развитие, Амир Темур.

PHENOMENON OF MILITARY STRATEGY. (USAGE IN AMIR
TEMUR'S STRATEGY)

ANNOTATION

Analysis of the concept of strategy and its essence. At the same time, a part of the strategy category is military strategy, which was used by Sahibqiron Amir Temur in the 14th century and how to use it.

Key words: Turan, Central Asia, political strategy, military strategy, development, Amir Temur.

Bugungi kunga kelib strategiya nazariyasi va uning prinsip va tamoyillari kelib chiqish jihatlari tadqiqiga bag'ishlangan fundamental tadqiqotlar amalga oshirilgan. Binobarin, Sun Sziy, V.Kvint, N.O.Raxmatullayeva, E.A.Bulanov, M.A.Ikramov, A.X.Qo'chqorov kabi olimlar ilmiy izlanishlari natijasida strategiya atamasiga ta'riflar keltirgan. Strategiya nazariyasi O'zbekiston izohli lig'atida quyidagicha talqin qilinadi. Davlatni idora etish uslubi bo'lib, strategiya yunoncha strategiya "stratos"–qo'shin+ago–boshlab boraman degan ma'noni anglatadi va uch xil kategoriyada qo'llaniladi. 1. Harbiy san'atning eng oliy sohasi. 2. Urush olib borish haqidagi fan. 3. Ijtimoiy-siyosiy kurashga rahbarlik qilish san'ati va ilmi degan ma'noni anglatadi [1; 226 b]. "Strategiya" tushunchasi bugungi kunga kelib keng ma'no va tushunchalarni anglatayotgan bir davrda olim Y. Bulanov quyidagicha tahlil qiladi: "Davlat strategiyasi" siyosiy terminologiya sifatida bugungi kunda fan nazariyasi va amaliyot darajasida o'zining alohida tushuncha va kategoriyalariga ega bo'lib; 1. Uzoqqa mo'ljallangan rejalashtirish san'ati; 2. Boshqaruv va rahbarlik mahorati; 3. Siyosiy va ijtimoiy jarayonlarni iroda qilish san'ati; 4. Aholi ma'lum maqsadlar sari safarbar etish san'ati; 5. Mavjud resurslardan oqilona foydalanish san'ati; 6. Taqsimlash va samaradorlikni ta'minlash san'ati kabi tushunchalarni o'z ichiga qamrab oladi [2; 148 b]. Strategiyaning mohiyati taktik vazifalarni belgilashdan iborat. Ya'ni, siyosatshunos olim V.Kvint tahliliga ko'ra "Hozirgi davrda haqiqiy strategik tafakkur va strategiyaning muhimligi va samaradorligi ko'pincha yetarli baholanmaydi yoki unga ahamiyat berilmaydi" [3; 44 b.]. XXI asrga kelib strategiya tushunchasi ancha keng ma'no aks ettira boshladi. Shu jumladan, davlat strategiyasi va boshqaruv, harbiy, siyosiy strategiya bir–biri bilan chambarchas bog'liq bo'lib, u turli tushuncha va kontekslarni anglatadi. Harbiy strategiya va taktika–strategik rahbarlik va boshqaruv jihatlari bilan bog'liq mustaqil kategoriyadir.

2024 yil holatiga ko'ra, O'zbekistonda audit sohasi mahalliy va xalqaro auditorlik kompaniyalaridan iborat. Firmalarning aksariyati kichik va o'rta korxonalar (KO'K)dir, biroq bir qancha xalqaro firmalar, jumladan, "Katta to'rtlik" (Deloitte, PwC, KPMG va EY) mamlakatda o'z faoliyatini yo'lga qo'ygan. O'zbekiston Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlariga ko'ra, 2023-yil holatiga ko'ra, 512 ta litsenziyalangan auditorlik firmalari mavjud bo'lib, ularning aksariyati davlat va xususiy sektor mijozlariga xizmat ko'rsatadi.

O'sib borayotgan xususiy sektor, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar va hukumatning korporativ boshqaruvni takomillashtirish borasidagi sa'y-harakatlari kabi omillar ta'sirida auditorlik xizmatlariga talab muttasil ortib bormoqda. Xususan, bank va moliya sektorlari auditorlik xizmatlarining muhim iste'molchilari bo'lib, umumiy audit bozorining qariyb 40 foizini tashkil qiladi. Boshqa muhim tarmoqlarga ishlab chiqarish, qurilish va qishloq xo'jaligi kiradi.

O'zbekistonda auditorlarning kasbiy malakasini oshirish borasida sezilarli yutuqlarga erishildi. Auditorlar palatasi xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlikda auditorlarning zarur kasbiy standartlarga muvofiqligini ta'minlash maqsadida sertifikatlashtirish dasturlarini joriy qildi. 2023 yil holatiga ko'ra, mamlakatda 1200 ga yaqin sertifikatlangan auditorlar faoliyat yuritgan, ularning ko'pchiligi ACCA (Sertifikatlangan Buxgalterlar Assotsiatsiyasi) yoki CPA (Sertifikatli Buxgalter) kabi xalqaro miqyosda tan olingan sertifikatlariga ega.

O'zbekistondagi sertifikatlangan auditorlarning 60% dan ortig'i xalqaro audit sertifikatlariga ega. Erishilgan sezilarli yutuqlarga qaramay, O'zbekistonda audit sohasi hali ham bir qator muammolarga duch kelmoqda. Asosiy muammolardan biri yuqori malakali auditorlarning, xususan, Toshkentdan tashqari viloyatlarda yetishmasligidir. Bundan tashqari, audit sifatini nazorat qilish va tartibga soluvchi nazoratni yanada takomillashtirish zarur. Auditorlar palatasi tomonidan 2022-yilda o'tkazilgan so'rov natijalariga ko'ra, auditorlik firmalarining atigi 45 foizi barcha me'yoriy hujjatlar talablariga javob bergan, bu esa muvofiqlik va sifatni ta'minlashni yaxshilash imkoniyati mavjudligini ko'rsatadi.

2022-yilda Toshkentdan tashqaridagi auditorlik firmalarining 30 foizi ixtisoslashtirilgan ta'lim va ta'lim dasturlari yo'qligi sababli malakali auditorlarni ishga olishda qiyinchiliklarga duch kelganini ma'lum qilgan.

Hukumatning tartibga solish nazorati va shaffofligini yaxshilash bo'yicha olib borilayotgan sa'y-harakatlari auditorlik xizmatlariga, xususan, davlat sektorida talabni oshirishi mumkin. O'zbekiston ko'proq xorijiy sarmoyalarni jalb qilish va jahon iqtisodiyotiga yanada integratsiyalashishga intilayotgani sababli, xalqaro standartlarga javob beradigan auditorlik xizmatlariga talab o'sishda davom etadi.

2030-yilga borib O'zbekistonda audit bozorining umumiy qiymati yillik o'sish sur'ati 10 foizni tashkil etgan holda 200 milliard so'mni tashkil etishi prognoz qilinmoqda.

Xulosa

O'zbekistonda audit sohasining rivojlanishi 1990-yillarning boshlarida paydo bo'lganidan tortib,



hozirgi zamon modernizatsiyasi va xalqaro standartlarga moslashuvigacha bo'lgan sezilarli yutuqlar bilan ajralib turdi. Ayniqsa, tartibga soluvchi nazorat va malakali auditorlarning mavjudligi nuqtai nazaridan muammolar saqlanib qolayotgan bo'lsa-da, kasbning kelajak istiqbollari yorqin. Raqamli vositalar, ta'lim va me'yoriy-huquqiy islohotlarga sarmoya kiritish davom etar ekan, O'zbekiston o'zining audit sohasini yanada mustahkamlash va mamlakatning kengroq iqtisodiy rivojlanish maqsadlarini qo'llab-quvvatlash uchun qulay sharoitga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Хамдамов Б.К. Повышение производительности аудиторских организаций. Журнал, «Рынок, деньги и кредит». 2007. No 7. с. 41-43.
2. Hamdamov B.K., Avloqulov A.Z. Moliyaviy hisobot. Iqtisod moliya-nashiriyoti. Toshkent 2008 yil.
3. Hamdamov B.K. O'zbekiston Respublikasida buxgalteriya hisobini standartlashtirish. Jurnal "Moliya" No 2. 2011 yil.
4. Hamdamov B.K. Moliyaviy hisobot tuzishda buxgalteriya hisobi milliy standartlarining ahamiyati. Jurnal «Moliya» No 1. 2015 yil 52-57b.
5. Хамдамов Б.К. Актуальные вопросы бухгалтерского учета и отчетов в электронной форме. Журнал "Молия" No 3. 2013 год.



ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

SAN'AT ORQALI BOSHLANG'ICH MAKTAB O'QUVCHILARINING AXLOQIY FAZILATLARINI SHAKLLANTIRISH

Kadirova Zarina
KIUT Samarqand filiali
1-bosqich magistranti

Annotatsiya. Maqolada boshlang'ich maktab o'quvchilarining ahloqiy-estetik fazilatlarini san'at orqali shakllantirish va yetuk kadr qilib yetishtirish masalalari haqida fikr yuritilgan. Bundan tashqari o'quvchilar hayotida san'atning o'rni va ularning ongiga tarbiya elementlarini san'at vositasida singdirish, tarbiya jarayonida san'at va musiqaning roli ochib berilgan.

Kalit so'zlar: musiqa, tarbiya, ruhiyat, ong, ta'lim jarayoni, ohang, axloq.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы формирования нравственно-эстетических качеств учащихся младших классов посредством искусства и воспитания из них зрелых кадров. Кроме того, раскрыта роль искусства в жизни студентов и внедрении в их сознание элементов образования посредством искусства, роль искусства и музыки в образовательном процессе.

Ключевые слова: музыка, воспитание, духовность, сознание, образовательный процесс, мелодия, мораль.

Annotation. The article discusses the issues of forming the moral and aesthetic qualities of primary school students through art and educating them into mature personnel. In addition, the role of art in the lives of students and the introduction of elements of education through art into their consciousness, the role of art and music in the educational process are revealed.

Key words: music, education, spirituality, consciousness, educational process, melody, morality.

Hozirgi davrda mamlakatimizda tarbiyaviy ishlarning mazmuni barkamol avlodni shakllantirishga qaratilgan. Respublikada sog'lom va barkamol avlodni tarbiyalash, yosh avlodni XXI asr talablariga to'liq javob beradigan har tamonlama rivojlangan shaxslar etib voyaga yetkazish uchun zarur shart-sharoitlar va imkoniyatlar yaratilgan. Bu boradagi ishlarni aniq, maqsadli amalga oshirish uchun davlat ahamiyatiga molik hujjatlar, dasturlar va rejalar ishlab chiqilgan [1].

Tarbiya - yosh avlodni har tamonlama voyaga yetkazish, unda ijtimoiy ong va xulq atvorni tarkib toptirishga yo'naltirilgan faoliyat bo'lib, shaxsni aqliy, jismoniy, axloqiy, ma'naviy sifatlarini shakllantirishga qaratilgan bo'lib, insonning jamiyatda yashashini ta'minlash uchun zarur bo'lgan xususiyatlarini tarkib toptirish jarayonidir.

Tarbiya inson shaxsini shakllantirish, uning ijtimoiy, siyosiy, madaniy, ma'rifiy hayotida faol ishtirokini ta'minlashga qaratilgan barcha ta'sirlar, tadbirlar, harakatlar, intilishlar majmuini anglatadi. Tarbiya nafaqat oila, maktab, bolalar va yoshlar tashkilotlarida olib boriladigan jarayonlar bo'libgina qolmay, uning yetakchi g'oyalari ommaviy axborot vositalari, gazeta va jurnallar orqali singdirilgan mafkurani ham o'z ichiga oladi. Zero, tarbiya ta'limga nisbatan kengroq bo'lgan tushunchadir. Bunday tarbiyaning oila va tarbiyaviy muassasalar hamda jamoat tashkilotlari tomonidan amalga oshirilishini nazarda tutadi. Shu jihatdan tarbiya ta'lim olish bilan chambarchas bog'liq holda amalga oshiriladi. Ta'lim – tarbiya orqali shaxda ezgu ma'naviy – axloqiy sifatlar tashkil topadi[2].

Jahon ta'lim tizimida zamonaviy fanlarning muammolaridan biri sifatida ta'limni rivojlantirish har bir bolaning ijodiy individualligini shakllantirishga qaratilmoqda. Bu boradagi psixologik va pedagogik tadqiqotlar natijasiga ko'ra, kichik maktab yoshdagi bolalarda ijodiy tasvirlashga oid kompetensiyalarni shakllantirish, ularda ijodkorlikni rivojlantirish uchun eng samarali vositalardan biri sifatida qaratilmoqda. Shuning uchun iqtisodiy jihatdan rivojlangan mamlakatlar jumladan AQSH, Yaponiya, Janubiy Koreya, Rossiya Federatsiyasi kabi mamlakatlar tajribasi maktabgacha ta'lim tizimini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilishini jamiyat tomonidan moddiy va ma'naviy qo'llab-quvvatlanishi, soha rivojlanishini ta'minlashda yetakchi omil ekanligi bois qator ishlar amalga oshirilmoqda.

San'at va madaniyatning inson ruhiyatiga ta'sir qilishining tugallanmas imkoniyatlari haqida qadimdan musiqashunoslar, mutafakkirlar va olimlar diqqatini o'ziga tortgan. Faylasuflar,



psixologlar, pedagoglar va jamoat arboblari san'atlar ichida musiqa san'atining insonni shaxs sifatida shakllanishiga ta'sir qiladigan xususiyatlari haqida aniqlashga uringanlar.

Boshlang'ich sinflarda, ya'ni kichik maktab yoshdagi bolalarni har tomonlama yetuk inson qilib tarbiyalashda san'at va madaniyatning o'rni beqiyosdir. Prezidentimiz ham "Kuy, qo'shiqqa, san'atga muhabbat, musiqa madaniyati xalqimizda bolalikdan boshlab, oila sharoitida shakllanadi. Uyida dutor, doira yoki boshqa cholg'u asbobi bo'lmagan, musiqaning hayotbaxsh ta'sirini o'z hayotida sezmasdan yashaydigan odamni bizning yurtimizda topish qiyin, desak, mubolag'a bo'lmaydi"- deya musiqiy madaniyatning tarbiyaviy kuchiga yuksak baho beradilar.

Ajdodlarimiz ham san'at va madaniyatning tarbiyaviy kuchiga alohida e'tibor qaratgan. Kichik maktab yoshdagi bolalarni san'at va madaniyat ruhida tarbiyalash ta'limning sifati, samaradorligi butkul o'zgartirib, tarbiyachidan esa o'z kasbini sevishiga, pedagogik mahoratiga, izlanuvchanligiga, fidoiyligiga, o'z mas'uliyatini qay darajada his etishiga bog'liq. Bu sharafli vazifani bajarishda unga tashkilot tarbiyachilari ham yaqindan ko'makdosh sanaladi. Har bir tarbiyachi tarbiya berishda tarbiyalanuvchilarni egallashlari lozim bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalar mezonni talablarini yaxshi bilishi hamda mashg'ulotlar shu mezonlar asosida va darajasida bo'lishini ta'minlashi kerak. Shunday ekan kichkintoylarning har tomonlama rivojlantirishda mashg'ulotlarda san'at va madaniyat ruhida tarbiyalashning munosib o'rni borligini hisobga olgan holda dasturlarni shunga mos ravishda tayyorlashi lozim. Asosiy maqsadlardan yana biri zamonaviy musiqa va tasviriy san'at orqali bolalardagi qobiliyat hamda imkoniyatlarni aniqlab, ularni to'g'ri shakllantirish va yuzaga chiqarishdan iboratdir. Musiqa va tasviriy san'at hamda madaniyatning asosiy tarkibiy qismi hisoblanadi. San'at insonparvarlik va odamiylik hamkorligi ruhida uning hissiyotini o'stirishda yordam berib, ijodkorlik qobiliyatini rivojlantiradi. Hozirgi zamon yoshlariga estetik idroklarini tarbiyalash borasida g'amxurlik qilar ekanmiz, san'at bilan muomala qilishdan hosil bo'ladigan his-hayajondan uni o'z hayoti va faoliyatida foydalana olishga o'rgatishimiz kerak[3].

San'at kichik maktab yoshidagi bolalarda estetik munosabatni tarbiyalash ijodiy qobiliyat va tasvirlashlarini rivojlantirishni ko'zda tutadi. Maktabgacha ta'lim muassasasi mashg'ulotlarida, maktabda muvaffaqiyatli o'qib ketishlari uchun zarur bo'lgan vazifalar xal etiladi. Rasm, applikatsiya, loy ishlari jarayonida bolalarda fikr yuritishning analiz, sintez, takrorlash, konkretlashtirish kabilar shakllanadi. Bolani san'at va musiqa ruhida tarbiyasi murakkab pedagogik jarayondir, bu esa axloqiy va estetik tuyg'ularning rivojlanishiga asoslanadi.

Madaniyat va san'atning o'ziga xos murakkabliklarini tushunib, uning nozik qirralarini kichik maktab yoshidagi bolalarga ulashish mahoratiga ega bo'la oladigan o'qituvchilarni yetishtirib chiqarish bugungi kunda dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi. Madaniyat va san'at vositasida bolalarning estetik va axloqiy fazilatlarini shakllantirishda o'qituvchining o'rni beqiyos. U chuqur bilim va yuqori malakaga ega bo'lishi, buning uchun muntazam ravishda o'z ustida ishlashi, o'zining ilmiy nazariy saviyasini tinimsiz ko'tarishi, ilg'or tajribalarga tayanishi kerak.

San'at, madaniyat va xalq og'zaki ijodi o'z xalqining an'analariga mehr muhabbatni shakllantiribgina qolmay, balki shaxsning vatanparvarlik ruhida kamol topishiga ham xizmat qiladi. San'at va madaniyat axloqiy va estetik tarbiyaning muhim omili sifatida shaxs shakllanishiga kuchli ta'sir etadi. Oilada, bog'chada, maktabda musiqa mashg'ulotlarini maqsadga muvofiq tarzda uyushtirish, yosh avlodning ichki dunyosini boyitish va san'atni to'g'ri tushinishdagi samarali yo'ldir. Inson his-tuyg'ularini, orzu-umidlarini, xohish-istaklarini o'ziga xos badiiy tilda ifoda etadi va kishining his-tuyg'ulariga faol ta'sir etadi. Kelajak jamiyat a'zosining insoniy va ijobiy fazilatlarini aynan bolalikdan boshlab shakllana boradi. Aynan shu davrda san'at va madaniyat ijobiy sifatlarni shakllantiruvchi vosita hisoblangan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Yo'ldoshev J.G'., Fozilov J., Sultonov R., Saidov H. O'quvchi ma'naviyatini shakllantirish. Toshkent, 2000.
2. Jo'raev A. Tarbiyaviy ishlarni oqitish. T.: O'qituvchi. 1994
3. Milliy g'oya – o'quvchi ma'naviyatining asosi. T.: O'zbekiston milliy kutubxonasi nashriyoti, 2009.
4. Maxmudov YU.G'., Xudayqulov X.J., Xolmirzaev Z., Suyunov O.J. Milliy g'urur – ma'naviy komillik mezon. Toshkent, 2011.
5. Malla Ochilov. Muallim-qalb me'mori. – Toshkent. -O'qituvchil. 2001.
6. Malika Inomova. Oilada bolalarni ma'naviy axloqiy tarbiyalashda milliy qadriyatlar. -Toshkent O'zbekiston Respublikasi fanlar akademiyasi - Fan nashriyoti. 1995



O'ZBEK VA INGLIZ NUTQIY SO'ZLASHUVIDA ROZILIKNI IFODALOVCHI
NOVERBAL VOSITALARNI QO'LLANILISHI

Shoxsanam Azizmuxamedova,

Turon xalqaro universiteti 2 kurs magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada o'zbek va ingliz madaniyatlarida rozilikni ifodalovchi noverbal vositalarning turli xil ko'rinishlari tahlil qilinadi va ularning muloqotdagi ahamiyati ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: muloqot, noverbal vositalar, rozilikni ifodalovchi noverbal vositalar, ingliz va o'zbek tillari

Abstract: this article analyzes various forms of non-verbal means of consent in Uzbek and English cultures and discusses their importance in communication.

Key words: communication, non-verbal means, non-verbal means of consent, English and Uzbek languages

Аннотация: в данной статье анализируются различные формы невербальных средств выражения согласия в узбекской и английской культурах и обсуждается их значение в коммуникации.

Ключевые слова: коммуникация, невербальные средства, невербальные средства выражения согласия, английский и узбекский языки

Har qanday til orqali amalga oshiriladigan muloqotda verbal vositalar qatorida noverbal vositalar ham muhim rol o'ynaydi. Noverbal vositalar, ya'ni tana harakati, yuz ifodalari, imo-ishoralar va intonatsiyalardan foydalanish har bir madaniyatning o'ziga xos xususiyatlarini aks ettiradi [1]. O'zbek va ingliz nutqiy so'zlashuv madaniyatlarida noverbal vositalarning qo'llanilishi turlicha bo'lib, ularning qiyosiy tahlili ikki madaniyat o'rtasidagi kommunikativ farqlar va o'xshashliklarni ochib berishga yordam beradi. Noverbal vositalar so'z orqali ifodalanmaydigan kommunikatsiya usullari bo'lib, insonlar o'rtasida ma'lumot uzatishda muhim ahamiyatga ega [2]. Ular quyidagi shakllarda namoyon bo'ladi: imo-ishoralar (gestures), yuz ifodalari (facial expressions), tana holati (posture), ko'z bilan aloqa (eye contact), intonatsiya va ohang (intonation and tone).

Tishunos olim M. Saidxonovga fikricha, "noverbal vositalarning ishlatilishiga ko'ra, ishoralar (noverbal vositalar) turlicha tasnifladi: a) ko'rsatuvchi belgilar; b) ta'kidlovchi belgilar; c) ramziy belgilar; d) tasvirlovchi belgilar; e) emotsional belgilar [3]. Bu vositalar har bir madaniyatda turlicha qabul qilinadi va tushuniladi. Masalan, o'zbek xalqida, odatda, kommunikatsiyada imo-ishoralar va tana harakati asosiy vosita sifatida qabul qilinadi. Ayniqsa, qadimgi an'analar va qadriyatlar asrlar davomida saqlanib kelgan jamiyatda, tana harakati va yuz ifodalari orqali muloqotni boyitish katta ahamiyat kasb etadi. Masalan: qo'llarning harakati ba'zi o'zbek xalqiga xos bo'lgan imo-ishoralarda o'rin tutadi. Qo'lni ko'ksiga qo'yish hurmat belgisidir. Shuningdek, o'zbek madaniyatida haddan tashqari uzoq ko'z tikish noo'rin deb qabul qilinishi mumkin.

Ingliz madaniyatida ham noverbal kommunikatsiya vositalari juda muhimdir. Biroq, ular o'ziga xos qoidalarga ega: Ingliz madaniyatida boshni qimirlatish "ha" yoki "yo'q" degan ma'nolarni beradi. Ko'z bilan aloqa ingliz tilida gaplashuvchilarda ochiq va ishonchli muloqotning belgisi hisoblanadi. Bu shaxsning fikrini samimiy va ishonchli tarzda yetkazishiga yordam beradi. O'zbek madaniyatida esa ko'proq muloyim va nozik, ko'proq hurmat ko'rsatuvchi ko'z bilan aloqa afzal ko'riladi. Inglizlar yuz ifodalari va imo-ishoralarda juda aniq va qoida asosida harakat qilishadi. O'zbeklarda esa bu ko'proq o'zgaruvchan va suxbatdoshga qarab moslashuvchan bo'lishi mumkin.

Ingliz va o'zbek madaniyatida rozilikni ifodalashda noverbal vositalar keng qo'llaniladi va ular quyidagilardan iborat: boshni qimirlatish ("head nod"): ikki madaniyat o'rtasida eng keng tarqalgan noverbal rozilik belgisidir. Boshni bir yoki bir necha marta pastga tushirish "ha" yoki "roziman" degan ma'noni anglatadi. Bu imo-ishora xalqaro miqyosda keng tarqalgan bo'lib, ingliz va o'zbek tilida so'zlashuvchilar o'rtasida odatiy hisoblanadi.

Tabassum qilish va ko'ziga qarash (soft smile and eye contact): Ingliz madaniyatida rozilik yoki tasdiqni ifodalashda suxbatdoshning ko'ziga qarash va tabassum qilish muhim rol o'ynaydi. AQSHda o'tkazilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, suxbatdoshning ko'ziga qarab muloqot qilishning o'rtacha uzunligi 2,95 soniyani tashkil qiladi va ikki kishining bir-biriga qarash vaqti o'rtacha 1,18 soniyani tashkil qiladi [4]. Muloqot paytida kimningdir taklifiga yoki gapiga rozilik bildirayotganda engil tabassum qilish ochiqlik va rozi ekanlikni ko'rsatadi. Bu noverbal ishora ko'pincha rasmiy yoki



do'stona suhbatlarda ishlatiladi. Suhbatdosh bilan ishonchli va ishonchli tarzda ko'z bilan aloqa qilish rozi ekanlikning noverbal belgisi sifatida qabul qilinadi. Biroq, o'zbek madaniyatida bu noverbal vosita juda muloyim va samimiy bo'lishi kerak. Buning boisi, o'zbek mentalitetida to'g'ridan to'g'ri ko'ziga qarab muloqot qilish odobsizlik va haqoratni anglatadi. O'zbeklar o'rtasidagi muloqotda ularning ko'zlari ko'z va yuzga qaramasdan, boshqalarning bo'yniga qarashi mumkin, ko'z-ko'z bilan aloqa qilish hurmatsizlikdir. Shuningdek, suhbatdoshga e'tibor berish, uning gaplarini tinglash va muloyim tabassum qilish rozilik va mamnuniyat belgisi sifatida qabul qilinadi.

Qo'l siqish ("handshake"): Muayyan hollarda, masalan, rasmiy uchrashuv yoki kelishuvda, rozilik qo'l siqish orqali noverbal tarzda bildiriladi. Bu an'ana bo'lgan holda tasdiqlash va kelishuvni ramziy ifoda etadi. Biroq o'zbek madaniyatida qo'l uzatish yoki quchoqlash (hand gestures or embrace) ayniqsa, yaqin do'stlar yoki oila a'zolari o'rtasidagi rozilikni ifodalashda qo'l uzatish yoki quchoqlash keng tarqalgan. Bu kabi imo-ishoralar muloqotda iliqlik va samimiyatni oshiradi.

Yuqoridagi misollarda ayrim o'ziga xos noverbal vositalarni o'zbek va ingliz nutqiy so'zlashuvida o'rni katta va madaniyatlar o'rtasidagi farqlar muloqotning samaradorligiga ta'sirini ko'rishimiz mumkin. O'rganish asosida shunday xulosaga kelish mumkinki, umuman olganda, o'zbek va ingliz tillarida rozilikni ifodalovchi noverbal vositalarning to'g'ri talqin qilish usullari deyarli bir xil. Bu vositalar orqali muloqotning chuqurroq ma'nosi ochilib, ikki tomonlama tushunishni yaxshilash imkoniyati yaratiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Burgoon, J. K., Guerrero, L. K., & Floyd, K. (2016). *Nonverbal Communication*. Routledge.
2. Knapp, M. L., Hall, J. A., & Horgan, T. G. (2013). *Nonverbal Communication in Human Interaction* (8th ed.). Wadsworth.
3. Saidxonov M. Noverbal vositalar va ularning uzbek tilida ifodalanishi (Nonverbal means and their expression in uzbek), candidate's thesis, Tashkent, 1993, 161 p
4. Xursanov N. I. Ingliz va o'zbek dramalarida verbal va noverbal vositalar munosabati // O'zbekistonda xorijiy tillar. — 2024. — 10-jild, № 1 (54). — B. 17-27.
5. Argyle, M. (1994). *The Psychology of Interpersonal Behaviour*, U.S.A.: Penguin Group.



BOSHLANG‘ICH TA‘LIMDA TABIIY FANLARNI O‘QITISHDA EVRISTIK
METODDAN FOYDALANISH METODIKASI

Yodgora Ismatillayeva,
Turan xalqaro universiteti o‘qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada o‘quvchilarning o‘quv faoliyatini individuallashtirish orqali ularni intellektual rivojlantirish, o‘quvchilarning mustaqil, faol, ijodiy faoliyatini tashkil etish, evristik ta‘lim metodini qo‘llashda o‘quvchi tomonidan turli vositalar yordamida yangi bilimlarni izlab topish va tabiiy fanlarni o‘qitish samaradorliklari haqida ma‘lumotlar berilgan.

Kalit so‘zlar: Evristik metod, faollik, izlanuvchanlik, kashfiyot, mustaqillik, ijodiy faoliyat.

O‘zbekiston jahon hamjamiyatida o‘zining munosib o‘rnini topmoqda. Mamlakatimizning iqtisodiy taraqqiyotini ta‘minlash maqsadida “ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, ma‘rifiy va xalqaro standartlar asosida yuqori malakali, kreativ fikrlaydigan va mustaqil qaror qabul qila oladigan kadrlar tayyorlash, ularning intellektual qobiliyatini namoyon etishi va ma‘naviy barkamol shaxs sifatida shakllanishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratish” tarkibiy islohotlar amalga oshirilmoqda. Shuningdek, mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti yuqori sifatli kadrlar tayyorlash salohiyatiga bog‘liq. Shu bois, yangi O‘zbekistonning dastlabki kunlaridanoq jahon andozalari darajasida kadrlar tayyorlashning milliy tizimini yaratish vazifasi qo‘yildi [1]. Jumladan, o‘quvchilarning o‘quv faoliyatini individuallashtirish orqali ularni intellektual rivojlantirish masalasi, bugungi kunda didaktikaning dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi. Bu masala ta‘limning turli bosqichlarida turli yo‘sinda yechilishi mumkin. Chunki o‘quvchilar o‘zlarigagina xos bo‘lgan turli ko‘rsatgichlar bilan o‘zaro bir-birlaridan farqlanadilar. O‘quvchilarni tabiatsevar qilib tarbiyalashda, dastlab umumiy tarbiyaning o‘z oldiga qo‘ygan maqsad va vazifalarini bilib olish lozim. Umumiy tarbiyani singdirishda tabiat elementlari, uning boyliklari, jonli va jonsiz tabiatni asrash nuqtai nazardan kelib chiqqan holda, yoshlarni uning sir-asrorini to‘liq bilib olishga, o‘rganishga va ulardan oqilona foydalanishga o‘rgatishimiz kerak [2].

Evrastika–grekcha so‘z bo‘lib, “heurist” so‘zi “izlayman”, “topaman”, “ochdim” ma‘nolarini beradi. O‘quvchilarning mustaqil, faol, ijodiy faoliyatini tashkil etishda evristik metodlar asosidagi ta‘lim alohida o‘rin tutadi. “Umuman evristik ta‘lim juda uzoq antik zamonlardan beri qo‘llanib kelinadi. Birinchi bora ta‘lim jarayonida qo‘llanilganda – evristik suhbatlar yo‘naltirilgan, ketma – ket berilgan savollarga javob jarayonida shakllangan, savollarga javob berishda javoblar o‘quvchi tomonidan muammolar yechimiga qatnashish jarayonida rivojlantirilgan. Evristik ta‘lim metodini qo‘llashda o‘qituvchi tomonidan turli vositalar yordamida yangi bilimlarni izlab topish talab etiladi. O‘qituvchi bilimlarning bir qismini o‘quvchilarga ma‘lum qiladi, qolganini esa o‘quvchilar bilish topshiriqlarini yechish jarayonida savollariga javoblar topish asosida o‘zlashtiradi, o‘zlari bilimlarni mustaqil egallashadi. O‘qituvchi tomonidan qo‘yilgan masalani bir necha qarashlarga ajratilishi, ularni bajarishda o‘quvchilarning ketma-ketlikka rioya etishlari muhim metodik jihat sanaladi. Shu bois mazkur metod qisman izlanuvchan metod ham deb ataladi. O‘quvchilarda fanning turli sohalaridan iloji boricha kengroq ma‘lumotlarni o‘zlashtirishi bilan birga ularda mustaqillik, hayotga ijodiy munosabat malakalarini tarkib toptirishi kerak. Ana shu maqsadda o‘qitishni o‘quvchilarning u yoki bu shakldagi ta‘limiy faoliyati tadqiqotni eslatadigan, o‘quvchilar uchun “kashfiyotlar” bilan tugaydigan, ya‘ni ular mustaqil holda xulosa chiqaradigan va qandaydir amaliy vazifani hal qiladigan metodlarga asoslanish taklif etiladi. Evristik ta‘lim texnologiyalari ta‘lim jarayonida o‘quvchilarni zarur bilimlarni o‘zlari izlanib topishi, ijodiy fikrlashi, mustaqil ishlashi, bilim va ko‘nikmalarni yangi vaziyatlarda qo‘llashi, xulosa chiqarishlariga yo‘naltiradigan pedagogik texnologiyalardandir. Bu metoddan tabiiy fanlarni o‘qitishda keng foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Chunki tabiiy fanlarda o‘quvchilarni mustaqil fikrlashga, izlanuvchanlikka va kashfiyotlar qila olishga o‘rgatish asosiy vazifalardan hisoblanadi.

“Evrastik savollar” metodi. Bu metodda tanlangan hodisa yoki ob‘ekt to‘g‘risida ma‘lumot to‘plash maqsadida 7 ta tayanch so‘roq so‘zlari asosida savollar tuzish talab etiladi. Kim?, Nima?, Qayerda?, Qachon?, Qanday?, Qay tarzda?, Nima uchun? So‘roqlari bilan boshlanuvchi savollar tuzish va ularga javob topish jarayonida yangidan-yangi “Qachon va qay tarzda?”, “Kim va qachon?”, “Kim va nima uchun?” kabi savollar yuzaga keladi. Bunda eng original, betakror savollar va aniq javoblar yuqori baholanadi. Maqsad – o‘rganilayotgan ob‘ektning mazmun-mohiyatiga chuqur kirib



borish, o'quvchilarning tahliliy va mantiqiy fikrlash malakasini oshirishdan iborat. Tabiiy fanga oid topshiriqlar:

1. Chumoli so'ziga oid evristik savollar tuzing.
 - a) Nima?
 - b) Qayerda yashaydi?
 - c) Qanday hayot kechiradi?
 - d) Nima uchun uyquga ketadi?
 - e) Kim va qachon ularga zarar berishi mumkin?
 - f) Qayerda ularni uchratish mumkin?



O'quvchilar shu kabi savollar tuzib, ularga javob qidirib topadilar va natijada chumoli haqida o'zlari izlanib ma'lumotlarga ega bo'ladilar. O'quvchilar topgan har bir ma'lumot ular uchun kashfiyot kabi qabul qilinadi. Natijada o'zlariga bo'lgan ishonchlari ortib, qiziqishlari kuchayib boradi. Boshlang'ich sinf o'quvchilariga xos bo'lgan ta'sirchanlik ularda tabiatdan zavqlanish hissini shakllantirishni jadallashtiradi. Ulardagi hissiy charchashning oldini oladi. Buning uchun tabiat qo'ynida o'tkaziladigan mashg'ulotlar sonini ko'paytirish, hissiy charchoqni pasaytiradigan mashqlardan samarali foydalanish, tabiat qo'yniga sayr-sayohatlar, ekskursiyalar tashkil etish maqsadga muvofiqdir. Shuni xulosa qilib aytish joizki evristik metodlardan tabiiy fanlarni o'qitishda foydalanish o'quvchilarni ijodkorlikka, izlanuvchanlikka o'rgatadi, mustaqil fikrlovchi shaxs bo'lib shakllanishlarida muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ahliddinov R. Hozirgi bosqichda pedagogik boshqaruvning dolzarb muammolari //Respublika ilmiy-amaliy konf. mat.-T.: O'zPFITI, 2002. - 46 b.

2. Musayeva M.E. O'quvchilarda tabiat ne'matlariga muhabbatni shakllantirish: p.f.n. diss. - T.: O'zJTU, 2011. - 165 b.



MUSIQA DARSLARINI 5E MODELI ASOSIDA TASHKIL QILISH

Begliyev Reymbergen

Xorazm viloyati PMM o'qituvchisi

Telefon: +998 (97) 457 18 20

begliyev.reymbergen55@inbox.uz

Annotatsiya-Ushbu maqola musiqa darslarini samarali tashkil etishda 5E modeli (Engage, Explore, Explain, Elaborate, Evaluate) qo'llash imkoniyatlarini o'rganishga bag'ishlangan. Ushbu model o'quvchilarning darsga qiziqishini oshirish, musiqiy bilimlarni faol o'zlashtirish, ijodkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish, va musiqiy savodxonlik darajasini mustahkamlashda qo'llaniladi. 5E modelining har bir bosqichi batafsil bayon qilinib, ularni musiqa darslarida qanday amalga oshirish mumkinligi ko'rsatib berilgan.

Kalit so'zlar-5E modeli, musiqa ta'limi, qiziqtirish, o'rganish, tushuntirish, kengaytirish, baholash.

Musiqa darslari ta'lim jarayonining muhim qismi bo'lib, u o'quvchilarning ijodiy va estetik qobiliyatlarini rivojlantiradi. Ta'lim jarayonida samaradorlikni oshirish uchun turli pedagogik yondashuvlar qo'llaniladi, ulardan biri 5E modeli bo'lib, uning har bir bosqichi o'quvchilarni faollashtirish va qiziqtirishga qaratilgan.

5E Modeli haqida

5E modeli – bu o'quv jarayonini besh bosqichga bo'lib o'tkazishga asoslangan pedagogik yondashuv bo'lib, quyidagi bosqichlardan iborat:

1. Engage (Qiziqtirish) – O'quvchilarni darsga qiziqtirish uchun mo'ljallangan. O'qituvchi darsni boshlashda qiziqarli savollar yoki musiqiy eshitish materiallari orqali o'quvchilarning e'tiborini jalb qiladi.

2. Explore (O'rganish) – Bu bosqichda o'quvchilar o'zlari musiqa bilan faol shug'ullanib, yangi bilim va tajribalarni o'zlashtiradi.

3. Explain (Tushuntirish) – O'qituvchi o'rganilgan bilimlarni chuqurroq tushuntirib beradi, o'quvchilarga mavzuni anglash va o'ziga xos musiqiy elementlarni qay darajada tushunganligini aniqlash imkoniyatini beradi.

4. Elaborate (Kengaytirish) – O'quvchilar o'z bilimlarini yanada rivojlantirish uchun musiqa bilan shug'ullanishni davom ettiradi.

5. Evaluate (Baholash) – O'quvchilarning muvaffaqiyatini baholash bosqichi bo'lib, bunda o'quvchilar o'z bilim va ko'nikmalarini namoyon qiladi.

5E Modelini Musiqa Darslarida Qo'llash

Engage (Qiziqtirish)

Qiziqtirish bosqichi musiqa darslarida juda muhim bo'lib, o'quvchilarni yangi mavzuga jalb qilish uchun turli xil texnikalar qo'llaniladi. Masalan, o'qituvchi tanishtirilayotgan musiqiy asar yoki janrga doir qisqa audio lavhalarni tinglatish orqali o'quvchilarni dars mavzusiga yo'naltirishi mumkin.

Explore (O'rganish)

Bu bosqichda o'quvchilar guruhlariga bo'linib yoki yakka holda ishlash orqali musiqaning turli elementlari bilan tanishadi. Ular turli cholg'u asboblarni o'rganib, yangi musiqiy tajribalar hosil qilishadi, o'z-o'zini ifoda qilish imkoniyatini topishadi.

Explain (Tushuntirish)

O'rganilgan elementlarni tushuntirish uchun o'qituvchi musiqa nazariyasidan misollar keltirib, musiqiy asarlardagi ohang, ritm va dinamikani tahlil qilib beradi. Shu orqali o'quvchilar musiqa haqida chuqurroq bilim olishadi va o'z tajribalarini mustahkamlaydi.

Elaborate (Kengaytirish)

Musiqa darslarida kengaytirish bosqichi o'quvchilarga qo'shimcha vazifalar orqali o'rganilgan bilimlarni chuqurlashtirish imkoniyatini beradi. Masalan, o'quvchilarga yangi musiqa parchasini yaratish yoki mashhur musiqiy asarlar interpretatsiyasini qilish topshirilishi mumkin.

Evaluate (Baholash)

Baholash bosqichida o'quvchilarning yutuqlari tahlil qilinadi. O'qituvchi o'quvchilarni yaratgan asarlarini yoki ijrolarini baholab, ularga qayta aloqa beradi va musiqiy mahoratlarini yanada oshirish uchun tavsiyalar beradi.



Xulosa

5E modeli orqali tashkil etilgan musiqa darslari o'quvchilarning faolligini oshiradi, musiqiy qobiliyatlarini rivojlantiradi va o'zaro hamkorlik ko'nikmalarini mustahkamlaydi. Ushbu model yordamida o'quvchilar musiqa orqali nafaqat ijodiy, balki nazariy bilimlarni ham o'zlashtirishadi, o'zlarini yanada erkin ifodalash imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Bruner, J. S. (1960). *The Process of Education*. Harvard University Press.
2. Bybee, R. W., et al. (2006). *The BSCS 5E Instructional Model: Origins and Effectiveness*. BSCS.
3. Callahan, J., & Clark, L. H. (1977). *Teaching in the Middle and Secondary Schools*. Macmillan Publishing Co.
4. Haury, D. L., & Rillero, P. (1994). *Perspectives of Hands-on Science Teaching*. ERIC Clearinghouse for Science, Mathematics, and Environmental Education.
5. McCombs, B. L. (1996). *Understanding the Keys to Motivation to Learn*. ERIC Digest.



Jumaniyozova To'tijon Madaminovna

Xorazm viloyati pedagogik mahorat markazi

“Aniq va tabiiy fanlar metodikasi”

kafedrasida katta o'qituvchisi TEL:99-967-29-77

Annotatsiya: Umumiy o'rta ta'lim maktablari fan o'qituvchilarining kasbiy mahoratini oshirish va bilimlarini kengaytirishda, izlanuvchanlik, ijodiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishda yordam beradi. O'qituvchilar darslarida pedagogik texnologiya va interfoal metodlarni qo'llash yordamida darslarni samarali tashkil etish yo'l-yoriqlari keltirilgan.

Kalit so'zlar: Pedagogik talablar, ta'lim-tarbiya, o'quvchi mahorati, pedagogik qobiliyati, malaka oshirishda pedagogik mahorat, pedagogik texnologiya.

Ta'lim sohasidagi milliy dasturlar doirasida amalga oshirishdagi bunyodkorlik ishlari va erishilgan ijobiy o'zgarishlarga nisbatan ta'lim sifati samaradorligi rivojlantirish dinamikasining yanada jadallashtirishi, Bunda yaratilgan shart – sharoitlar va imkoniyatlardan samarali foydalanish bugungi kunda eng dolzarib masala bo'lib hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasining ta'lim va tarbiya sohasidagi davlat siyosati, pedagogning kasbiy kompetentligi va mahorati, fanlarni o'qitishda AKT dan samorali foydalanish savodxonligi va fanlarni o'qitish nazariyasi, metodikasi, ta'lim sifatini baholash xalqaro dasturlari va innovatsion texnologiyalar umumiy urta ta'limda STEAM yondashuvi, amaliy mashg'ulot va laboratoriya ishlarini o'tkazish metodikasi, amaliy milliy o'quv dasturi va fanga oid me'yoriy hujjatlar murakkab mavzular asosida ishlash bo'yicha o'quv jaroyanini tashkil etishning zamonaviy usullarini o'z ishiga oladi va ular bo'yicha tegishli yangi bilim, ko'nnikma, malaka va konpetentsiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan. O'qituvchining mavzuni rejalashtirishdan asosiy maqsadi-mavzu mazmunini nazariy jihatdan tushnib olishga erishidir. Buning uchun zarur vositalarni to'g'ri tanlash tayyorlash hamda mashg'ulot o'tkazuvchilar va ularning vazifalari aniq belgilangan bo'lishi lozim. Hozirga vaqtda fizika fanida zamonaviy darslarni tashkil etishda quyidagi interfaol metodlardan «Savol-javob», «Tarmoqlar», «Insert», «B.B.B», «Evrika», «Kichik guruhlarda ishlash», «FSMU», «Debat», «Juftlikta ishlash», «Keys-stadi» «Fikirlay olasizmi» metodlaridan foydalanilmoqda. Har bir o'qituvchi yaxshi biladiki, dars o'quv-tarbiya jarayonining asosiy formasidir. Shuning uchun o'qituvchi, avvalo dars o'tish, va takomillashtirib borish haqida o'ylaydi, izlanadi. Ta'limda yuqori samaradorlikka erishish uchun o'qitishning noan'anaviy metodlaridan ya'ni zamonaviy pedagogik texnologiyaning turli metodlaridan xorijiy tajribalar asosida dars mavzusiga mos ravishda foydalanish maqsadga muvofiqdir. Hozirga kunda fizika fanida zamonaviy darslarni tashkil etishda quyidagi PSMU-metodi, «Keys stadi» metodi darslarda foydalanish usullarini ko'rsatib o'tmoqchiman.

«Keys stadi» metodi

«Keys stadi» ingliz tilidan olingan so'z bo'lib (case-aniq vaziyat, stadiy o'rganmoq, tahlil qilmoq. Bu usul aniq vaziyatni o'rganish, tahlil qilish va ijtimoiy ahamiyatga ega natijalarga erishishga asoslangan ta'lim metodidir. «Keys stadi» metodi bo'yicha ishlash quyidagicha amalga oshiriladi.

1. Yakka tartibda ishlash (umumiy vaqtning 30%) , vaziyat bilan tanishish (maruza orqali yoki film, audio va video materiallar orqali), muammolarni aniqlash, real vaziyatni o'rganib qaror qabul qilish.
2. Guruhlarda ishlash (umumiy vaqtning 50%). Masalalarni ularning ahamiyati bo'yicha izmaiz aniqlash, yechish usullarini ishlab chiqish, har bir yechimning samarali va samarasiz taraflarini belgilash, xulosa qilish va xulosani baholash.
3. Yakka tartibda va guruhda ishlash (umumiy vaqtning 20%)

- variantlarni qo'llash imkoniyatlarini asoslash.

- hisobot va natijalar prezentatsiyalarni tayyorlash. Keys-stadiyidagi asosiy masala tojni sindirmasdan uning aniq oltindan ishlanganini aniqlash. Xulosa qilganda hozirgi vaqtda bilim berish jarayonida interfaol metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarni qo'llashga bo'lgan e'tibor kundan-kunga kuchayib bormoqda. Shunday ekan bu talablarni amalga oshirishda har bir o'qituvchi o'zining pedagogik mahoratini uzluksiz oshirib borishi, buning uchun avvalo pedagogik texnologiyalarni to'g'ri tanlash talab etiladi. Eng asosiysi o'qituvchi o'zining egallagan bilimlarini ta'lim-tarbiya jarayonida yuqori pedagogik mahorat bilan qo'llay olishi hozirgi kunning dolzarb masalasi bo'lib hisoblanadi. Bunday bilim berish maskanlarida pedagogik xizmatlarini



shu vaqtgacha qo'llanib, yuqori natijalarga erishib kelayotgan o'ziga xos ta'lim-tarbiya metodlarini shakllantirishning chetda qolmasligi va qandayda bir pedagogik texnologiya turini qo'llash maqsadga muvofiq degan xulosaga kelish kerak. O'qituvchi qulay oson usulda metodlarni to'ri tanlab olish va amaliyotda samarali qo'llash orqali o'z pedagogik mahoratini o'quvchilarning egallagan bilimliridagi shakllangan kompetentsiyalarning sifati va tarbiyaviy darajasini uzliksiz orttirib borishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ishmuhammedov R. Tarbiyada innovatsion texnologiyalar – T: -Fan va texnologiyalari nashriyoti. 2010.
2. Ishmuhammedov R. Ta'limda innovatsiya. – T: - Fan va texnologiyalar nashriyoti. 2010.
3. Yo'ldoshev J. Hasanov S. Pedagogik texnologiyalar. – T: -Moliyaiqtisod nashriyoti. 2009.



INTERFAOL METODLARIDAN FOYDALANISH ORQALI TA'LIM
SAMARADORLIGINI OSHIRISH USULLARI

Maxmudova Nargiz DJumaniyazovna

Xorazm viloyati pedagogik mahorat markazi
“Pedagogika, psixologiya va ta’lim texnologiyalari”
kafedrası mudiri.,pfn.,dotsent

Annotatsiya. Mazkur maqolada boshlang'ich sinf o'qish darslarida qo'llaniladigan didaktik o'yinlar va ularning ahamiyati haqida fikr yuritilgan. Boshlang'ich sinf o'qish darslarini samarali tashkil etish usullari hamda afzalliklari yoritilgan. O'qish darslarida qo'llash mumkin bo'lgan didaktik o'yinlardan namunalari keltirilib, ularning ta'riflariva qo'llash yo'llari bayon etilgan

Kalit so'zlar: O'yin, ko'nikma, malaka, o'quvchi, topshiriq, dars.

Ta'lim metodlarini to'g'ri tanlash va ulardan o'rinli foydalanish - ta'lim samarasini ta'minlashga yordam beradi. Boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun didaktik o'yinlar bilim olishning faollashtiruvchi ish turlaridan biri bo'lib, o'quvchilarda mustaqil tafakkur, og'zaki va yozma nutq ko'nikmalarini boshqartiradi. O'quvchilarning o'qish darslariga qiziqishini o'stiruvchi vositalardan biri didaktik o'yin hisoblanadi. O'yinning maqsadi ta'lim olishga, fanga, kitobga qiziqish uyg'otishdir. Didaktik o'yin bolalarda bilish jarayoniga jonli qiziqish uyg'otadi va ma'lumotlarni qabul qilishga yordam beradi. Bu kabi o'yinlar bolalarning atrof-muhit haqidagi tasavvurlarini kengaytirilishiga, chuqurlashtirilishiga, tartibga solishga, qiziqish va qobiliyatlarini rivojlanishiga yo'naltirilgan bo'lishi lozim. O'z navbatida bu o'quvchilarda go'zal va boy ona tilimizdan g'ururlanish, axloqiy qadriyatlarimizni e'zozlash kabi sifatlarini shakllantiradi.

Didaktik o'yin — ta'lim beruvchi usul bo'lib, bu usul muayyan ta'limiy maqsadlarga erishuvga, ya'ni o'tilgan o'quv materialini aniqlashga, mustahkamlashga va uni chuqurlashtirishga qaratilgan bo'ladi. Har bir didaktik o'yinni o'tkazishda muayyan maqsad, masalan, biror harakatni, biror hisoblash usulini, ya'ni ma'lum didaktik topshiriqni mustahkamlash vazifa qilib olinadi.

Didaktik topshiriq darsga qo'yiladigan umumiy maqsadning bir qismini tashkil qiladi. Har bir didaktik o'yinning ham har qanday o'yindagi singari qoidalari bo'ladi. O'sha qoidalarga amal qilinmasa, o'yinning o'yin sifatidagi ahamiyati, binobarin, o'yinning ta'lim-tarbiyaviy va psixologik ahamiyati yo'qoladi. O'yin qoidalari o'yin topshirig'iga kiritiladi. O'yin topshirig'i o'qituvchining bolalarga o'yinning qanday o'ynalishini, kim g'olib chiqqan hisoblanishini va hokazolarni tushuntirish tarzida beradigan topshirig'idir.

Bolalarga har bir o'yinni o'rgatishda muayyan ta'limiy maqsad nazarda tutiladi. O'yinning eng muhim ahamiyati ham ana shundadir. O'yinning o'tkazilish formalari va usullari bilan ta'limning boshqa turlaridan farq qiladigan o'yinlar ta'lim berish jihatidan ham katta ahamiyatga egadir. Didaktik o'yinlar o'yin usullarini cheksiz takrorlash va o'zgartirish, o'yinga turli narsalar kiritish imkonini beradi. Masalan, biz «Jimjitlik» o'yinining 5—7 xilini butun sinf bilan hamda ayrim bolalar bilan 10 martadan ko'proq takrorlab o'tkazdik; «Nima o'zgardi» tipidagi o'yin 5 xil turli ko'rsatmali material bilan o'tkazildi va hokazo.

Shuning uchun ham barcha bolalar o'yin vaqtida qiziqish bilan harakat qiladilar. Didaktik o'yinlar bolaning his-tuyg'usiga ta'sir etib, unda o'qishga ijobiy munosabat va qiziqish xislatini tarkib toptiradi. Bolalar o'yinni zo'r mamnuniyat bilan o'ynaydilar, o'yin boshlanishini esa sabrsizlik bilan kutadilar, ularning ongida ertangi o'quv kunining quvonchli manzarasi gavdalanadi.

Dars jarayonida o'yinlarni to'g'ri tashkil etish va o'tkazishda vazifalar, qoidalar va ularning natijalarini tahlil qilish bosqichlarini aniq belgilab olish lozim. Quyida o'qish darslarida qo'llanilay

«Multifilm chizamiz» o'yini.

O'quvchilar guruhlariga bo'linadilar. Kartochkalarda yozilgan topshiriqlarni oladilar, ularni bajaradilar va fikr almashadilar. Masalan, Aziza Ahmedovaning «Qish ertagi» mavzusini o'tishdan foydalanish mumkin. **Topshiriq:**

– «Qish ertagi» matnini o'qimagan bolalar ertak mazmunini tushunishlari uchun qanday suratlar chizish maqsadga muvofiq?

– Chizilgan suratlar orasidan ertak mazmunini tushunish uchun yordam beradigan eng asosiylarini tanlab oling.

– Suratlarining tagiga asardan tanlab olib yoki o'zingiz o'ylab topib ularga mos yozuvlarni yozing.



«Soʻzdan soʻz yasash» oʻyini.

Oʻquvchilarning lugʻat boyligini oshirishga, soʻz zaxirasini boyitishga yordam beradi.

Oʻyinning sharti:

Oʻquvchilar 3 guruhga boʻlinadilar. Mavzuga oid bir necha soʻz yozib qoʻyiladi. Ikkinchi boʻgʻinidan yangi soʻz hosil qiladi. Oʻyin shu tariqa davom etadi.

«Kim tez topadi?» oʻyini.

Oʻquvchilar guruhlariga ajratiladi. Oʻyinning sharti: shunday soʻzlar topingki, ularning bosh yoki oxirgi harflari olib tashlansa ham, maʼlum maʼno bildirsin. Masalan: «Soy suvi haqidagi ertak» (Zohir Aʼlam) ertagida soy – oy, yoʻq – oʻq, boy – oy, odam – dam, qish – ish, yoz – oz soʻzlarini tez topadilar.

Buning uchu Darsni tashkil etish jarayonida barcha oʻquvchilarga tushunarli, oson, qiziq boʻlgan usullarni tanlashi va qoʻllay olishi, koʻrgazmali qurollardan foydalanishi, yangi ishlab chiqarilayotgan texnik vositalarni tadbiq qilishi, taʼlim oluvchilarni ijodiy, mustaqil ishlashga undashi, didaktik oʻyinlardan toʻgʻri va unumli Foydalanishi maqsadga muvofiqdir.

Didaktik oʻyinlardan foydalanishda taʼlimning mazmunini belgilash, taʼlim-tarbiyaning shakllari va vositalarini tayyorlash, oʻquvchilarning bilimlarni keng egallashi va maʼnaviy fazilatlarini oʻzlashtirishga Yunaltirilgan topshiriqlar tizimini ishlab chiqish, taʼlimning natijasi va oʻzlashtirish darajasini aniqlash Ularni obʼektiv baholash uchun test vazifalarini tayyorlash kabilar tashkil qiladi. Boshlangʻich sinf oʻquvchilarining didaktik oʻyinlar asosida tashkil etilgan oʻqish darslar Jarayonida erkin va mustaqil fikrlash qobiliyati shakllanadi. Mustaqil fikrlash qobiliyatining shakllanishi Natijasida, oʻquvchilar atrof olamdagi, jamiyatdagi qonunlarni, shuningdek, asardagi ijobiy va salbiy Qahramonlar orqali lar insoniy fazilatlarini anglash, bilimlarni chuqur oʻrganish, keng fikrlash, tegishli Qarorlar qabul qilish koʻnikmalari shakllanadi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki bugungi dunyo miqiyosida axborot kommunikatsiya Tizimining yuksak darajada rivoj topib borayotganligi va bu boshqa sohalar qatorida taʼlim jarayoniga Ham kirib kelib, uni yanada sifatli tashkil etishga oʻz taʼsirini koʻrsatayotganligi ehtiyojidan kelib chiqib, Shuni aytish mumkinki, boshlangʻich taʼlim oʻqituvchisi texnika va texnologiyani chuqur bilishi, tahlil Qila olishi va yangilik yaratilish darajasida bilimli va mahoratli.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyhati

1. Xoliqov A. Pedagogik mahorat. T.: 2011
2. Ziyomammedov B. Tojiyev M. Pedagogik texnologiya – zamonaviy oʻzbek milliy modeli. T.: 2009
3. Baxtiyorova A. Boshlangʻich sinf oʻquvchilarning fanlarga qiziqishini tizimli tashkil etish Metodikasi. BMI. Nizomiy nomidagi TDPU. T.: 2014
4. Usmonova D.S. Boshlangʻich sinf oʻqish darslarida oʻyinlardan foydalanishning ahamiyati. Mahoratli pedagog jurnali. 2022-yil, 1-son.



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARI JISMONIY SIFATLARINING RIVOJLANISH DINAMIKASI KO'RSATKICHLARI (O'G'IL BOLALAR (PEDAGOGIK TAJRIBA))

Toshmuradov Sherzod G'ulomjonovich

Samarqand davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya ushbu maqolada umumiy o'rta ta'lim maktablarida boshlang'ich sinf o'quvchilari ishtirokida tashkil qilinadigan jismoniy tarbiya darslari o'quvchilarning nafaqat jismoniy balki ularning anatomik, fiziologik va psixologik xususiyatlari, shuningdek yangi sharoitlarga moslashishi kabi sifatlarni shakllanishi jarayonida o'ziga xos dolzarbligiga alohida ahamiyat berilgan.

Kalit so'zlar: boshlang'ich sinf, o'quvchi, umumiy o'rta ta'lim maktablari, jismoniy tarbiya, sport, faoliyat, sinov mashqlari.

Аннотация В данной статье занятия по физическому воспитанию, организованные с участием учащихся младших классов общеобразовательных школ, уникальны в процессе формирования не только их физических, но и анатомо-физиологических и психологических особенностей, а также адаптации к новым условиям. актуальности придается особое значение.

Ключевые слова: начальная школа, учащийся, общеобразовательная школа, физическое воспитание, спорт, деятельность, проверочные упражнения.

Abstract In this article, physical education classes organized with the participation of junior schoolchildren in comprehensive schools are unique in the process of forming not only their physical, but also anatomical, physiological and psychological characteristics, as well as adaptation to new conditions. relevance is given special importance.

Key words: primary school, student, comprehensive school, physical education, sports, activities, testing exercises.

Dolzarbliigi: Umumiy o'rta ta'lim maktablarida boshlang'ich sinf o'quvchilari ishtirokida tashkil qilinadigan jismoniy tarbiya darslari o'quvchilarning nafaqat jismoniy balki ularning anatomik, fiziologik va psixologik xususiyatlari, shuningdek yangi sharoitlarga moslashishi kabi sifatlarni shakllanishi jarayonida o'ziga xos dolzarb va juda muhim ahamiyatga egadir.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida nazariy fanlardan tashkil qilinadigan mashg'ulotlar o'quvchilarning aqliy mehnat hajmi sezilarli darajada oshadi va ularning jismoniy faolligi, ochiq havoda bo'lish imkoniyati sezilarli darajada cheklanadi. Shu munosabat bilan, boshlang'ich maktab yoshidagi o'quvchilar ishtirokidagi to'g'ri tashkil qilingan jismoniy tarbiya nafaqat talaba shaxsiyatining har tomonlama barkamol rivojlanishi uchun zarur shart, balki uning aqliy faoliyatini oshirishning samarali omilidir. Shuning uchun, dolzarbligi jihatidan ushbu mavzu pedagogikada yetakchi o'rinlardan birini egallashi juda muhimdir.

Mu'ammoning o'rganilganlik darajasi: Jismoniy tarbiya va sport sohasidagi faoliyat olib borayotgan mutaxassislar qo'l ostida shug'ullanuvchi, yoki ta'lim oluvchilarning jismoniy rivojlanganlik darajalarini to'g'ri baholay olish, murabbiyga yoki jismoniy tarbiya o'qituvchisiga, mashg'ulotlar jarayonida yoki umumiy o'rta ta'lim maktablarida bo'ladiga jismoniy tarbiya darslarini to'g'ri tashkil qilish imkoniyatini beradi. M.T.Xodjiev, B.Raximov, F.Sharipov, I.P.Borisova, J.G'.Yo'ldoshev, R.Ishmuhamedov, M.Yuldashev, M.E.Jumaev, M.Yu.Yuldasheva, B.U.Mingbaeva, G.A.Mamatovalar fikriga ko'ra "Shug'ullanuvchilar yoki o'quvchilarning jismoniy jixatdan rivojlanganlik darajasini to'g'ri baholab va inobatga olgan holda mashg'ulotlarni tashkil qilinishi, kelguvsida ularning to'g'ri jismoniy rivojlanishiga nojo'yi tasirlarni oldini olishga asosiy omillardan biri bo'lib hisoblanadi".

Tadqiqotning tashkil qilinishi: Biz tadqiqotni Samarqand viloyati, Samarqand shahar kimyo va biologiya fanlarini chuqurlashtirib o'qitishga ixtisoslashtirilgan 14-tayanch maktabi hamda Samarqand viloyati pasdarg'om tumani maktab va maktabgacha ta'lim maktabiga qarashli 48-umumta'lim



maktabilarining boshlang'ich 3-4 sinf o'quvchilarida tashkil qildik.

Tadqiqot jarayonida olingan natijalarning muhokamasi: 1-2 sinf o'quvchilari tadqiqotlarning yakuniga kelib 4 x 10 m. makkisimon yugurish (soniya) sinov mashig'i bo'yicha quyidagicha natijalarni qayt etganliklarini ko'rish mumkin. Demak, 1 sinf nazorat guruhi o'quvchilari TB $14,6 \pm 0,54$ soniyaga tadqiqotning songiga kelib esa o'rtacha $12,6 \pm 0,44$ soniyaga teng bo'lgan natijani qayt etganliklari ma'lum bo'ldi. 2 sinf o'quvchilarining tadqiqotlarning dastlabki va yakuniy qismidagi o'rtacha ko'rsatkichlari esa TB $13,7 \pm 0,40$ soniyaga, TO ga kelib esa ushbu ko'rsatkichni $12,2 \pm 0,36$ soniyaga yetganligi pedagogik tajribalar orqali aniqlandi (3 jadvalga qarang).

30 m. masofaga yugurish (soniya) sinov mashig'i bo'yicha esa 1-2 sinf o'quvchilarining o'rtacha ko'rsatkichlari quyidagicha ko'rinishga ega. Demak, 1 sinf tajriba guruhi tadqiqot ishtirokchilarining dastlabki natijalari $6,8 \pm 0,13$ soniyani, yakunda esa ushbu ko'rsatkich $6,4 \pm 0,14$ soniyagacha yaxshilangan bo'lsa, 2 sinf o'quvchilarining dastlabki natijalari $6,8 \pm 0,10$ soniyani tashkil qilgan bo'lsa, tajriba so'ngiga kelib ushbu ko'rsatkich $6,3 \pm 0,14$ soniyagacha yetganligi matematik statistik tahlillar orqali aniqlandi.

1-2 sinf o'quvchilarining chidamlilik sifatining rivojlanganlik darajasini aniqlash maqsadida "1600 m. masofaga yugurish" sinov mashig'i tanlangan bo'lib tadqiqotlarda ishtirik etgan boshlang'ich sinf o'quvchilarining qayt etgan o'rtacha natijalari quyidagicha ko'rinishga ega. Demak, 1 sinf o'quvchilaridan shakillantirilgan nazorat guruhi o'quvchilarining dastlabki natijalari o'rtacha $9,58 \pm 0,08$ daqiqaga hamda tajriba guruhi o'quvchilari esa o'rtacha $10,0 \pm 0,21$ daqiqaga teng bo'lgan natijalarni qayt etgan bo'lsalar, tadqiqotlarning so'ngiga kelib ushbu ko'rsatkichlar, tajriba guruhida $9,25 \pm 0,11$ daqiqaga, nazorat guruhida esa ushbu ko'rsatkich $9,40 \pm 0,09$ daqiqaga yetganligini ko'rish mumkin natijalardan ko'rish mumkinki tajsiba guruhi o'quvchlari nazorat guruhi o'quvchilariga nisbatan yuqori rivojlanish dinamikasiga egalar.

"Turgan joyida uzunlikka sakrash (sm)" sinov mashig'i bo'yicha tajriba guruhi o'quvchilarining dastlabki va yakuniy qayt etgan natijalarining o'rtacha qiymatlari quyidagicha ko'rinishga ega. Demak, 2 sinf tajriba guruhi o'quvchilari tajriba avvalida o'rtacha $117 \pm 2,15$ smga teng bo'lgan natijani qayt etgan bo'lsalar tadqiqotning yakuniga kelib ushbu ko'rsatkichni $129 \pm 2,20$ smgacha ortganligini matematik statistik tadqiqotlar orqali aniqlandi. 2 sinf nazorat guruhi o'quvchilarining tadqiqot avvalidagi va yakunidagi natijalari TB $121 \pm 2,18$ sm, TO esa $128 \pm 1,80$ smga teng bo'lgan darajada rivojlangan.

Bashlang'ich 1-2 sinf o'quvchi qilarining "Tennis koptogini otish" sinov mashig'i bo'yicha qayt etgan natijalarining o'rtacha ko'rsatkichlari matematik statistik taxlil qilish orqali aniqlandi hamda ko'rsatkichlarning ilmiy-uslubiy bayoni quyidagicha ko'rinishga ega. Demak, 1 sinf tajriba guruhi o'quvchilarining o'rtacha ko'rsatkichlari $19,84 \pm 0,61$ metr ga teng bo'lgan bo'lsa, 2 sinf tajriba guruhi o'quvchilarining o'rtacha ko'rsatkichlari $22,26 \pm 0,55$ metrni tashkil qildi. Tajriba so'ngida esa ushbu ko'rsatkichlar 1 sinf tajriba guruhida $22,55 \pm 1,12$ metr ga, 2 sinf tajriba guruhi tadqiqot ishtirokchilarining natijalari esa $24,09 \pm 0,65$ metrni tashkil qildi.

1-2 sinf nazorat guruhi o'quvchilarining tadqiqotlar davomida qayt etgan natijalariga qarab "Tennis koptogini otish" qobilyatlari quyidagicha rivojlanganligi aniqlandi. 1 sinf tajriba guruhi o'quvchi qizlarining o'rtacha ko'rsatkichlari dastlab $18,78 \pm 0,81$ metr masofaga teng bo'lgan bo'lsa, yakunda ushbu natija $20,48 \pm 0,87$ metrgacha yetganligini ko'rish mumkin. 2 sinf tajriba guruhi o'quvchilarining o'rtacha ko'rsatkichlari dastlab $23,04 \pm 1,15$ metr masofaga tadqiqot yakuniga kelib esa ushbu ko'rsatkich $23,91 \pm 1,11$ metrga matematik statistik taxlillar orqali aniqladi.

O'tirgan holda gavadani egish va yozish (1 daqiqa davomida, marta) sinov mashig'i bo'yicha esa 1-2 sinf o'quvchilari tomonidan tadqiqotlarning dastlabki va yakuniy qismlarida qayt etgan natijalarining o'rtacha qiymatlari quyidagicha ko'rinishga ega. 1 sinf tajriba guruhi o'quvchilari tadqiqot avvalida $19 \pm 1,03$ marotabaga yakunda esa $22 \pm 0,86$ marotabaga teng natijani qayt etgan bo'lsalar. 1 sinf nazorat guruhi o'quvchilari dastlab $20 \pm 0,82$ marotabaga, yakunda esa $21 \pm 0,84$ marotabaga teng natijalarni qayt etdilar.

2 sinf tajriba va nazorat guruhi o'quvchilari tadqiqot avvalida qayt etgan natijalarining ilmiy bayoni quyidagicha ko'rinishga ega. Demak, 2 sinf tajriba guruhi o'quvchilari dastlab $20 \pm 0,97$ marotabaga, yakunda esa $23 \pm 0,94$ marotabaga teng natijalarni qayt etdilar. 2 sinf nazorat guruhi o'quvchilari dastlab $21 \pm 0,78$ marotabaga, yakunda esa $22 \pm 0,99$ marotabaga teng bo'lgan natijalarini qayt etdilar.

Egiluvchanlik sifatini aniqlash bo'yicha o'tkazilgan tadqiqotlar davomida 2 sinf tajriba guruhi o'quvchilari dastlab $2,7 \pm 0,86$ smga, tadqiqot so'ngida esa $5,4 \pm 0,21$ smga teng bo'lgan natijani qayt etdilar. 2 sinf nazorat guruhi o'quvchilari esa TB da $4,1 \pm 0,10$ smga, yakunda (TO)da esa $4,5 \pm 0,35$



smga teng bo'lgan natijalarni qayt etdilar.

Turnkda tortilish sinov mashg'i bo'yicha esa 1 va 2 sinf tajriba va nazorat guruhi o'quvchilarining tadqiqot avvalidagi va yakunidagi ko'rsatkichlari quyidagicha ko'rinishda. 1 sinf tajriba guruhi o'quvchilari tajriba avvalida $1,0 \pm 0,21$ marotaba, yakunda esa o'rtacha $1,8 \pm 0,22$ marotabaga teng bo'lgan natijani tashkil qildi. 1 sinf nazorat guruhi dastlab $1,1 \pm 0,11$ marotabaga yakunda esa $1,4 \pm 0,19$ marotabaga teng bo'lgan natijalarni qayt etdilar.

2 sinf tajriba guruhi o'quvchilari dastlab $1,1 \pm 0,20$ marotabaga, yakunda esa $2,1 \pm 0,15$ marotabaga teng bo'lgan natijalarni qayt etgan bo'lsalar, nazorat guruhi o'quvchilarining dastlabki natijalari $1,2 \pm 0,23$ marotabaga, tajriba so'ngiga kelib esa $2,0 \pm 0,22$ marotabaga teng natijani qayt etdilar. Tajriba va nazorat guruhi o'quvchilarining tadqiqot avvalida va yakunida qayt etgan natijalarining o'rtacha qiymatiga qarab shularni hulosa qilsih mumkingi tajriba guruhi o'quvchiarining rivojlanish ko'rsatkchlari sezilarli darajada yuqori.

Xulosa

Umumiy o'rta ta'lim maktablarining boshlang'ich sinf o'quvchilari jismoniy sifati ko'rsatkichlarining yuqori jadallik bilan rivojlanishi ayni shu yosh davriga to'g'ri keladi bunga esa umumiy o'rta ta'lim maktabi o'quvchilarining maktablarda olib boriladigan jismoniy tarbiya darslarini to'g'ri tashkil qilish orqali erishish mumkin;

Biz tomonimizdan ishlab chiqilgan metodikaning samarasi o'laroq boshlang'ich 2 sing o'quvchilari (o'g'il)ning qo'l kuchi (o'ng qo'l) kursatkichlari tadqiqot avvalida o'rtacha $11,2 \pm 0,45$ kgga tajriba so'ngiga kelib esa o'rtacha $12,6 \pm 0,50$ kgga teng ekanligini va ushbu natijalardan ko'rish mumkinki ushbu sinfdagi o'quvchilar $12,5$ % lik rivojlanish dinamikasiga erishganlar. Nazorat guruhida esa rivojlanish dinamikasi $7,2$ % ni tashkil qildi;

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining harakat malakalari, saralab olingan bir nechta sinov mashqlari yordamida tadqiq qilinganida belgilangan talab darajasida rivojlanish darajasiga ega emasligi aniqlandi. ushbu muammoning yechimiga erishish uchun boshlang'ich sinf o'quvchilarning jismoniy tarbiya darslarida qo'llaniladiga vosita va usullarni ularning yosh xususiyatlarini inobatga olgan holda takomillashtirish ijobiy natijalarniberadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Abdullaeva M. Bolalar o'yinlarida o'zaro munosabatlar. //Boshlang'ich ta'lim.- Toshkent – 2000 / 51-78 bet.
2. Ishmuhamedov R., Yuldashev M. Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar.- Toshkent “Nihol nashryoti / 2013 yil 278 bet.
3. Jammатов J.Sh. “Umum ta'lim maktabi sharoitida boshlang'ich sinf o'quvchilarining tabaqalash-tirilgan jismoniy tayyorgarligi”. Ped.f.b.f.d. diss. avtoreferati. Chirchik – 2020 y. 56 bet.
4. Jumaev M.E., M.Yu.Yuldasheva, B.U.Mingbaeva, G.A.Mamatova “Boshlang'ich ta'limni o'qitishda zamonaviy yondashuvlar va innavatsiyalar” metodik uslubiy qo'llanma – Toshkent – 2017 / 74-85 bet.
5. Xodjiev M.T., Raximov B., Sharipov F.. Umumiy pedagogika / Darslik. Guliston – 2020 – 14 b.
6. Yo'ldoshev J.G'., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari. –Toshketn “O'qituvchi”, 2004. -102 bet.
7. Борисова, И. П. Здоровьесберегающие технологии в школе / И. П. Борисова // Справочник руководителя образовательного учреждения. -2005, - № 10.- С. 84-92.



BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING JISMONIY
KO'RSATKICHLARINING RIVOJLANISH DINAMIKASI (3-4 SINIF
O'QUVCHILARI MISOLIDA)

Toshmuradov Sherzod G'ulomjonovich

Samarqand davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya ushbu maqolada inson shaxs sifatida shakillanishi davomida jismoniy tarbiya va sportning zarurligini tushunib yetishi va doimiy tarzda ma'lum bir sport turi yoki jismoniy mashg'ulotlar tizimi asosida salomatligini shakllantirishi kerakligiga alohida ahamiyat berilgan.

Kalit so'zlar: boshlang'ish sinf, o'quvchi, umumiy o'rta ta'lim maktablari, jismoniy tarbiya, "Gavda og'irligi", "Qo'l kuchi", "Ko'krak qafasi kengligi".

Аннотация В данной статье человек должен понимать необходимость занятий физической культурой и спортом в процессе формирования личности, постоянно формировать свое здоровье на основе определенного вида спорта или системы физического воспитания.

Ключевые слова: начальная школа, учащийся, общеобразовательная школа, физическое воспитание, «Вес тела», «Сила рук», «Ширина груди».

Abstract In this article, a person should understand the need for physical education and sports in the process of personality development, constantly form their health based on a certain type of sport or physical education system.

Key words: primary school, student, comprehensive school, physical education, "Body weight", "Arm strength", "Chest width".

Yosh avlodning jismoniy imkoniyatlarini har tomonlama rivojlantirish tarbiyaning ajralmas qismi bo'lgan umumiy o'rta ta'lim maktablaridagi jismoniy tarbiya darslari jarayonida amalga oshiriladi. Jismoniy tarbiyaning maqsadi jamiyatning sog'lom, barkamol, har tomonlama jismoniy rivojlangan, mehnat va Vatan himoyasiga tayyor turgan kadrlarni tabiyalashdan iborat uzoq muddatli, uyushtirilgan pedagogik jarayondir. Jismoniy tarbiya oldida turgan vazifalarni hal etishda milliy va harakatli o'yinlarini saralash hamda ularni va ularni amaliyotga tadbiiq etish, ulardan jismoniy tarbiya darslari jarayonida oqilona foydalanish zarurligi bugungi kunda yaqqol namoyon bo'lmoqda.

Muammoni o'rganish darajasi: Boshlang'ish sinf o'quvchilari ishtirokida umumiy o'rta ta'lim maktablarida tashkil qilinadigan jismoniy tarbiya darslari jarayonida o'quvchilarning jismoniy sifatleri va koordinatsion qobiliyatning yatarli darajada rivojlanganlik holati kelgusi davrlarda, inson harakat faolligining namoyon bo'lishi uchun amaliy jihatdan juda yaxshi zamin tayyorlanadi. F.N.Nasriddinov, A.Sh.Qosimov, J.G'.Yo'ldoshev, R.Ishmuhamedov, M.Yuldashev, M.E.Jumaev, M.Yu.Yuldasheva, B.U.Mingbaeva, G.A.Mamatovalar ko'rsatkichlari bo'yicha jismoniy tayyorgarlik natijalari yoshdan yoshga o'tish bilan hamma ko'rsatkichlar ma'lum miqdorda ortib borishini ko'rsatadi.

Tadqiqotning tashkil qilinishi: Biz tadqiqotni Samarqand viloyati, Samarqand shahar kimyo va biologiya fanlarini chuqurlashtirib o'qitishga ixtisoslashtirilgan 14-tayanch maktabi hamda Samarqand viloyati pasdarg'om tumani maktab va maktabgacha ta'lim maktabiga qarashli 48-umumta'lim maktablarining boshlang'ich 3-4 sinf o'quvchilarida tashkil qildik.

Tadqiqot jarayonida olingan natijalarning muhokamasi: tajriba avvalida 3-4 sinf o'quvchilarining "Gavda uzunligi" (sm) bo'yicha tajriba guruhi 3 sinf o'g'il bolalarining o'rtacha ko'rsatkichi $129 \pm 0,82$ smga nazorat guruhi o'g'il bolalarida esa ushbu ko'rsatkich $132 \pm 0,88$ smga teng ekanligi aniqlandi. Ushbu ko'rsatkich bo'yicha 3 sinf tajriba va nazorat guruhlari qizlarining o'rtacha ko'rsatkichlari tajriba guruhida $130 \pm 0,51$ smni, nazorat guruhi qizlarining natijalari esa $131 \pm 0,67$ smni tashkil qildi. Pedagogik tajribalarning so'ngiga kelib esa ushbu ko'rsatkichlar 3 sinf tajriba guruhida gavda uzunligi o'g'il bolalarda o'rtacha $134 \pm 0,84$ smni qizlarda esa $133 \pm 0,69$ smni tashkil qilganligini ko'rish mumkin. Nazorat guruhining esa ushbu ko'rsatkichlar bo'yich o'rtachan natijalari $136 \pm 0,88$ smni qizlarning o'rtacha ko'rsatkichlari esa $134 \pm 0,80$ smga teng ekanligi aniqlandi.

Ushbu ko'rsatkich bo'yicha pedagogik tajriba boshida 4 sinf o'quvchilarining o'rtacha ko'rsatkichlari quyidagicha ko'rinishga ega. Demak, 4 sinf o'g'il bolalarining o'rtacha ko'rsatkichlari nazorat guruhida $134 \pm 0,71$ smga, tajriba guruhida esa ushbu ko'rsatkich $133 \pm 0,69$ smga teng ekanligi aniqlandi. Gavda uzunligi bo'yicha 4 sinf qizlarining ko'rsatkichlari tajriba guruhida o'rtacha $132 \pm 0,81$ smga, nazorat guruhi qizlarida esa o'rtacha ko'rsatkich $131 \pm 0,70$ smni tashkil qildi. Pedagogik tajribalarning so'ngiga kelin ushbu ko'rsatkichlar, nazorat guruhi o'quvchilarida o'g'il



bolalarda $137 \pm 0,69$ smni 4 sinf nazorat guruhi qizlarida esa ushbu ko'rsatkich $135 \pm 0,72$ smni tashkil qildi. 4 sinf tajriba guruhi qizlarida esa ushbu ko'rsatkichlar qizlarda, o'rtacha $134 \pm 0,70$ smni tashkil qildi. O'g'il bolalarda esa ushbu ko'rsatkich o'rtacha $136 \pm 0,66$ smni tashkil qildi.

“Gavda og'irligi” (kg) bo'yicha 3-4 sinf o'quvchilarining pedagogik tajriba avvalidagi ko'rsatkichlarining rivojlanganlik darajasini aniqlash maqsadida olib borilgan tajribalarda aniqlanishicha 3 sinf tajriba guruhi o'g'il bolalarida gavda og'irligi $27,0 \pm 0,70$ kgga 4 sinf tajriba guruhi o'quvchilarida esa o'rtacha $28,5 \pm 0,63$ kgni tashkil qildi. Nazorat guruhi o'quvchilarining o'rtacha ko'rsatkichlar 3 sinf o'quvchilarida $28,0 \pm 0,6$ kgni, 4 sinf o'quvchilarida esa $31,0 \pm 1,47$ kgni tashkil qilgan bo'lsa pedagogik tajribalarning so'ngiga kelib ushbu ko'rsatkichlar 3 sinf tajriba guruhida $29,2 \pm 0,62$ kgga nazorat guruhida o'rtacha $30,3 \pm 0,61$ kgga teng ekanligi aniqlandi 4 sinf o'quvchilarining tajriba so'ngidagi o'rtacha ko'rsatkichlari tajriba guruhida $31,0 \pm 0,59$ kgga, nazorat guruhida $33,6 \pm 0,97$ kgni tashkil qildi.

“Qo'l kuchi” (kg) bo'yicha 3-4 sinf o'quvchilarining tajriba so'ngidagi o'rtacha ko'rsatkichlari quyidagicha ko'rinishga ega. Demak, 3 sinf o'quvchilari (o'g'il bolalarda) nazorat guruhida o'ng qo'lda $14,8 \pm 0,42$ kg, chap qo'lda esa $13,5 \pm 0,44$ kgni tashkil qildi. 4 sinfda nazorat guruhi o'quvchilarining o'rtacha natijalari esa quyidagicha ko'rinishda chap qo'lda $15,4 \pm 0,46$ kgni, o'ng qo'lda esa $16,6 \pm 0,57$ kgni tashkil qildi. Tadqiqot yakunida 3 sinf nazorat guruhi qizlarining o'ng qo'l kuchi ko'rsatkichi $12,6 \pm 0,44$ kglik chap qo'lda esa o'rtacha $11,9 \pm 0,47$ kgga teng bo'lgan natijani qayt etdilar. 4 sinf nazorat guruhi qizlarida esa ko'rsatkichlar chap qo'lda o'rtacha $14,1 \pm 0,52$ kg o'ng qo'lda esa $15,0 \pm 0,49$ kgga teng bo'lgan natijani ko'rsatganliklarini ko'rish mumkin.

Ushbu ko'rsatkich bo'yicha tajriba guruhi 3-4 sinf o'g'il bolalarining ham o'rtacha natijalari aniqlangan bo'lib, unga ko'ra 3 sinf o'g'il bolalari o'ng qo'lda $15,5 \pm 0,39$ kg, chap qo'lda esa $14,4 \pm 0,24$ kgga teng bo'lgan natijani ko'rsatdilar. 4 sinf tajriba guruhi o'g'il bolalari esa o'ng qo'lda $16,8 \pm 0,54$ kg, chap qo'lda esa o'rtacha $16,4 \pm 0,47$ kgga teng bo'lgan natijani qayt etdilar.

Qo'l kuchi (kg) bo'yicha 3-4 sinf tajriba guruhi qizlarining o'rtacha ko'rsatkichlari ham aniqlangan. 3 sinf tajriba guruhi qizlari o'ng qo'lda $12,8 \pm 0,38$ kg, chap qo'lda esa o'rtacha $12,1 \pm 0,36$ kgga teng bo'lgan natijani qayt etganliklarini ko'rish mumkin. 4 sinf tajriba guruhi o'quvchi qizlari esa o'ng qo'lda $15,1 \pm 0,55$ kg chap qo'lda esa o'rtacha $15,3 \pm 0,64$ kgga teng bo'lgan natijani qayt etdilar.

Tajriba va nazorat guruhi 3-4 sinf o'quvchilarining “Ko'krak qafasi kengligi” (sm) bo'yicha pedagogik tajribalarning dastlabki qismidagi natijalar quyidagicha ko'rinishga ega. Demak, 3 sinf o'quvchiqizlarining, turli holatlarda ya'ni: Tinch holatda, Nafas olganda, Nafas chiqarganda, holatlarida ko'rsatkichlarning o'rtacha qiymatlari aniqlangandi. Unga ko'ra 3 sinf tajriba guruhi o'g'il bolalarining ko'rsatkichlari, Tinch holatda $63,0 \pm 0,79$ smga, Nafas olganda $68,1 \pm 0,76$ smga, Nafas chiqarganda $62,0 \pm 0,44$ smga, teng bo'lgan natijalarni qayt etgan bo'lsa; ar uchbi ko'rsatkichlar tadqiqotlarning so'ngiga kelib, Tinch holatda $65,0 \pm 0,79$ smga, Nafas olganda $70,1 \pm 0,85$ smga, Nafas chiqarganda $64,0 \pm 0,40$ smga, yetganligini ko'rish mumkin.

“Ko'krak qafasi kengligi” (sm) bo'yicha 4 sinf tajriba guruhi o'g'il bolalarining tadqiqotlar yakunidagi o'rtacha natijalari quyidagicha ko'rinishga ega. Demak, 4 sinf o'g'il bolalaridan shakilantirilgan nazorat guruhi o'quvchiqizlarining, tuli holatlardagi ya'ni: Tinch holatda $66,1 \pm 0,27$ smga, Nafas olganda $71,4 \pm 0,47$ smga, Nafas chiqarganda $65,9 \pm 0,29$ smga, teng bo'lgan natijalarni qayt etdilar. 4 sinf tajriba guruhi o'quvchi qizlarining o'rtacha natijalari esa tinch holatda $65,0 \pm 0,57$ sm, Nafas olganda $69,0 \pm 0,56$ sm, Nafas chiqarganda $64,8 \pm 0,55$ smga teng bo'lgan darajada rivojlanganligi ma'lum bo'ldi.

3-4 sinf o'quvchilari tomonidan pedagogik tajribalar davimida “O'pkaning tiriklik sig'imi” (ml) bo'yicha ko'rsatkichlarning rivojlanish dinamikasi ilmiy-uslubiy tahlil qilinganida ko'rsatkichlar quyidagicha ekanligi aniqlandi. Boshlang'ich 3-4 sinf o'quvchilarining “O'pkaning tiriklik sig'imi” (ml) bo'yicha o'tkazilgan pedagogik tajribalarning dastlabki qismida testlash jarayonida quyidagicha natijalarni qayt etdilar. Demak, 3 sinf tajriba guruhi o'quvchilarining o'rtacha ko'rsatkichlari o'g'il bolalarda $1659 \pm 44,19$ mlni tashkil qilgan bo'lsa. Nazorat guruhida esa ushbu ko'rsatkich $1734 \pm 29,31$ mlga teng ekanligi aniqlandi. 3 sinf tajriba guruhi qizlarida ushbu ko'rsatkich $1519 \pm 46,18$ mlni, nazorat guruhida esa $1581 \pm 37,74$ mlga teng bo'lgan natijani tashkil qildi. Pedagogik tajribalarning so'ngida esa ushbu ko'rsatkichlar tajriba guruhida o'g'il bolalarda $1744 \pm 41,76$ mlni, qizlarda esa $1577 \pm 40,67$ mlni tashkil qilgan bo'lsa. 3 sinf nazorat guruhining o'rtacha ko'rsatkichlari esa yakunda o'g'il bolalarda $1794 \pm 27,74$ mlni, qizlarda $1633 \pm 32,24$ mlni tashkil qildi.

“O'pkaning tiriklik sig'imi” (ml) 4 sinf o'quvchilari bo'yicha pedagogik tajribalarning dastlabki qismida quyidagicha natijalarni qayt etdilar. Demak, Nazorat guruhida esa ushbu ko'rsatkich o'g'il



bolalar oʻrtacha $1793 \pm 72,72$ mlga teng boʻlgan natijani qayt etdilar. 4 sinf nazorat guruhi qizlarida ushbu koʻrsatkich $1605 \pm 40,51$ mlga teng boʻlgan natijani tashkil qildi. Tajriba guruhi oʻquvchilarining oʻrtacha koʻrsatkichlari oʻgʻil bolalarda $1754 \pm 50,78$ mlni qizlarda esa ushbu koʻrsatkich $1591 \pm 59,09$ mlni tashkil qildi. Nazorat guruhida esa ushbu koʻrsatkich oʻgʻil bolalar oʻrtacha $1793 \pm 72,72$ mlga teng boʻlgan natijani qayt etdilar. 4 sinf nazorat guruhi qizlarida ushbu koʻrsatkich $1605 \pm 40,51$ mlga teng boʻlgan natijani tashkil qildi. Tadqiqotlarning soʻngida esa ushbu koʻrsatkichlar tajriba guruhi oʻquvchilarida (oʻgʻil bolalarida) $1844 \pm 50,23$ mlni, qizlarda esa $1677 \pm 90,60$ mlni tashkil qilgan boʻlsa, 4 sinf nazorat guruhining oʻrtacha koʻrsatkichlari esa yakunda oʻgʻil bolalarda $1839 \pm 42,33$ mlni, qizlarda $1670 \pm 35,75$ mlni tashkil qildi.

XULOSA

Xech kimga sir emaski, umumiy oʻrta taʼlim maktablarida tashkil qilinadigan jismoniy tarbiya darslari, oʻquvchilarning jismoniy rivojlanishi va tayyorgarligini usuliy, pedagogik nuqtai nazardan toʻgʻri aniqlash yuqori samaradorligi ilmiy-uslubiy jixatdan toʻla asoslangan vosida va usullardan foydalangan holda tashkil qilinishi oʻquvchilarning jismonan toʻgʻri va barqaror rivojlanishiga taʼsir etuvchi eng muhim omillardandir;

Boshlangʻich sinf oʻquvchilari yoshidagi oʻquvchilar bilan bevosita ish olib boruvchi pedagoglar mutaxassislar oʻquvchilarning nafaqat fiziologiyasi shu bilan birgalikda ularning ruhiyatini yaxshi bilish shart, mutaxassislar tomonidan yuqorida sanab oʻtilganlar haqidagi mavjud boʻlgan chuqur bilimlarga suyangan holda har bir mashgʻulot oldidan oqilona tanlangan maʼlum vazifalar qoʻyilishi lozim;

Vazifalar soni maqsadga koʻra ikki-uchtadan iborat boʻlib, ularni bir necha guruhlariga ajratgan holda oʻtish, asosiy harakatlar va mashqlar, harakatli oʻyinlar tanlanadi. Tanlangan mashqlar, birinchidan: asosiy harakatlar bilan bogʻliq boʻlishi lozim. Ikkinchidan: mashqlar oʻquvchilarning yoshiga, tayyorgarlik darajasiga, jinsiga mos boʻlishi ham kerak. Uchunchidan: tanlangan mashqlar bolaga oddiy, tushunarli, tanish va ular bajara oladigan boʻlishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati.

1. Abdullaeva M. Bolalar oʻyinlarida oʻzaro munosabatlar. //Boshlangʻich taʼlim.- Toshkent – 2000 / 51-78 bet.
2. Ishmuhamedov R., Yuldashev M. Taʼlim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar.- Toshkent “Nihol nashryoti / 2013 yil 278 bet.
3. Yoʻldoshev J.Gʻ., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari. –Toshketn “Oʻqituvchi”, 2004. -102 bet.
4. Jumaev M.E., M.Yu.Yuldasheva, B.U.Mingbaeva, G.A.Mamatova “Boshlangʻich taʼlimni oʻqitishda zamonaviy yondashuvlar va innavatsiyalar” metodik uslubiy qoʻllanma – Toshkent – 2017 / 74-85 bet.
5. Jammatov J.Sh. “Umum taʼlim maktabi sharoitida boshlangʻich sinf oʻquvchilarining tabaqalash–tirilgan jismoniy tayyorgarligi”. Ped.f.b.f.d. diss. avtoreferati. Chirchik – 2020 y. 56 bet.



АРХИТЕКТУРА ВА ДИЗАЙН ЙЎНАЛИШИ РИВОЖЛАНИШИ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

УДК 72.03

ЗУЛКИФЛ МАҚБАРАСИ МЕЪМОРЛИГИ

Абдирахмонова Махфуза Нодир кизи
Мустақил тадқиқотчи (PhD),
Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат
архитектура-қурилиш университети

КИРИШ

Мақбаралар, инсониятнинг тарихий ва маданий меросининг ажралмас қисми сифатида, кўплаб халқ ва маданиятларнинг диний, ижтимоий ва эстетик қадриятларини ўзида акс эттиради. Мақбаралар, кўпинча, ўз вақтида кўплаб усталар ва санъаткорлар томонидан яратилган, шунинг учун улар ўзига хос дизайн ва безаклари билан ажралиб туради. Мақбараларнинг қурилиши, кўплаб халқларнинг санъат, архитектура ва диний қадриятларини ифодалайди. Улар, шунингдек, тарихий воқеалар ва шахсларни ёд этиш мақсадида яратилган монументлар сифатида ҳам аҳамиятлидир. Мақбаралар, ўзларининг замонида яшаган инсонларнинг эътиқодини, маданиятини ва урф-одатларини акс эттирувчи муҳим санъат асарларидир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Зулкифл мақбараси Термиз шаҳри яқинида жойлашган XI-XII асрларга оид қадимий меъморий ёдгорликдир. Мақбара Амударёдаги Пайғамбар оролининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, у масжид, гўрхона ва икки кўшимча хонадан иборат. Бу бинолар турли даврларда барпо қилинган. Масжид тузилиши мурабба шаклида бўлиб, у гумбаз билан қопланган ва пештоқи асосий кириш қисмида жойлашган. Масжиддаги меҳробга ганчкорлик усулидаги гириҳ нақшлари безак берган.

Гўрхона масжиддан 1 метр баландроқ қилиб қурилган бўлиб, унда асрлар давомида сақланиб келаётган сағана мавжуд. Гўрхонанинг икки эшиги мавжуд бўлиб, улар орқали кўшни икки хоналарга кириш мумкин. Ушбу хоналар деворлари ғиштлар билан мавжли шаклда терилган, бу эса ўша даврдаги биносозлик анъаналарига хос бўлган ўзига хос архитектурали услубни кўрсатиб беради.

Зулкифл мақбараси ҳақида бир неча жойларда турли ривоятлар мавжуд. Унинг қабри деб ҳисобланадиган зиёратгоҳлардан бири Ироқнинг ал-Хилла шаҳри яқинида жойлашган. Шунингдек, Термиз яқинидаги Зулкифл мақбараси ҳам шундай муқаддас жойлардан бири сифатида тан олинган.

1025 йилда Маҳмуд Ғазнавийнинг буйруғига мувофиқ Зул-Кифл мақбарасига ўтиш учун Амударёнинг икки соҳилини боғлайдиган кўприк барпо қилинган. Кўприкнинг мустаҳкамлиги унинг қурилишида қўлланган ўзига хос техника ва материалларда намоён бўлади. Қайиқлар бир-бирлари билан тери занжирлар ёрдамида боғланган бўлиб, бу занжирлар махсус ишлов берилган мол терисидан ясалган.

Бу иншоот шунчалик мустаҳкам ва ишончли қилинган эдики, узоқ йиллар давомида ундан савдогарлар ва сайёҳлар фойдаланиб келганлар. Ҳофиз Абри (1362–1431) ўзининг машҳур асари **«Ашкол ал-ақолим»**да ушбу кўприк ва унинг аҳамияти ҳақида таъриф беради. Асарга қўра, Зул-Кифл мақбарасига бориш йўлида қурилган бу кўприк нафақат йўловчилар учун қулайлик яратган, балки ўша даврнинг ноёб муҳандислик ғояларини ҳам намоёиш қилган.

Зул-Кифл мақбараси турли даврларда барпо қилинган симметрик тарздаги хоналарни ўзида жамлаган икки қисмли меъморий иншоотдир. Биринчи қисми мурабба шаклида қурилган масжид бўлиб, гумбаз билан қопланган, пештоқи асосий кириш қисмида жойлашган, ва меҳробга ганчкор нақшлар ишланган. Иккинчи қисми гўрхона бўлиб, унда сағана жойлашган. Гўрхона масжид саҳнидан тахминан бир метр баландда қурилган бўлиб, у сағанани ажратиб туради. Шунингдек, гўрхонага туташ бўлган яна иккита кўшимча хона ҳам мавжуд.

Бинонинг ташқарисида ярим шар шаклидаги гумбазли масжид мавжуд бўлиб, унинг асосий



қисми шарққа қараган, ва пештоқ куб шаклида тузилган. Масжиднинг пастки деворлари “П” шаклидаги ромблар билан безатилган, масжид зали эса квадрат шаклидаги саккиз қиррали бурчакли усулда ёпилган. Бинонинг жанубий ва шимолий-шарқий қисмларида ганчли нақшлар сақланган. Жанубий деворнинг юқори қисмида, гўрхонага ўтиш нуқтасида томонлари беркитилган ўқсимон шаклдаги иккита токча мавжуд.

Масжид тўртта дераза орқали ёритилган бўлиб, полининг баландлиги асосга нисбатан бир метрга юқорида жойлашган. Гўрхонадан ғарбий деворга иккита ўтиш йўли орқали кириш мумкин, шимоли-ғарбий томондаги бинонинг катта меҳроби унга зиёратхона вазифаси берилганлигини тахмин қилишга асос бўлган. Мақбаранинг гумбази қулаган бўлса-да, унинг саккиз қиррали тузилиши яхши сақланган. Кириш қисмидаги жануби-ғарбий бино жанубга қараган ва орқа тарафда бурчакли зинапоя қолдиқлари мавжуд бўлиб, деворларнинг ички қисми лойсувоқ билан қопланган.

Бу меъморий обида нафақат иншоотнинг қадимий қурилиш усуллари ва безакларини ўзида мужассам этган, балки ўша давр маданияти ва диний аҳамиятини ҳам кўрсатиб туради.

Зул-Кифл мақбараси меъморий соддалиги ва пишиқ ғиштдан қилинган ажойиб безаклари билан ажралиб туради. Гўрхона ва масжиднинг шимоли-ғарбий қисми катта учбурчаксимон нақшлар билан безатилган. Бинонинг қурилиш тарихи иккита асосий даврга бўлинган: дастлаб шарқ томонга қараган кириш қисми билан масжид қурилган, у ерда очик ҳавода сағана жойлашган. Кейинги даврда масжидга гўрхона қўшилган ва масжид билан гўрхона тўсик орқали ажратилган.

Масжиднинг зали 6,95x6,95 метрни, гўрхона эса 6x4 метрни ташкил этган. Охири таъмирлаш ишлари тахминан 1910 йилларда амалга оширилган бўлиб, шарқий ва ғарбий қисмлар рус ғишти билан қайта таъмирланган.

Зул-Кифл мақбараси илк бор 1926 йилда Б.П. Денике томонидан ўрганилган. Кейинчалик 1936 йилда М.Е. Массон, Г.В. Парфенов ва В.А. Шишкин қайта кўздан кечириб, ўлчовлар олган. 1968 йилда З.А. Ҳакимов, 1977 йилда Э.В. Ртвеладзе ва В.А. Аршавскаялар мақбарани янада чуқурроқ ўрганишган ва қайта ўлчовлар олишган.

ХУЛОСА

Зул-Кифл мақбараси икки даврга хос архитектураси ва нафис безаклари билан ажралиб туради. Биринчи даврда асосий масжид ва очик ҳаводаги сағана қурилган бўлса, иккинчи даврда унга гўрхона қўшилиб, масжид ва гўрхона тўсик билан ажратилган. Содда қилиб безатилган, аммо эстетик жиҳатдан ўзига хос учбурчаксимон нақшлар мақбарага бадий киймат бағишлайди. 1910 йиллардаги таъмирлаш ишлари рус ғишtidан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Археологлар томонидан бир неча бор ўрганилган бу иншоот тарихий мерос сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. З.А.Аршавская, Э.В.Ртвеладзе, З.А.Ҳакимов. Средневековые памятники Сурхандарьи. Т.: Изд. лит. и искусства, 1982
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зул-Кифл мақбараси
3. Термиз — Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т.: 2001
4. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-z/zulkifl-maqbarasi-uz/>



ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ДИЗАЙН ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

CHIZMACHILIK DARSLARINI O'QITISH METODLARI VA ULARNI TASHKIL QILISH.

Haydarqulova Gulnoza Odilboy qizi

Guliston davlat pedagogika instituti

Tarix va san'atshunoslik

kafedra katta o'qituvchisi

gulduinayatov@gmail.com +998972480801

Guliston davlat pedagogika instituti

“Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi”

yo'nalishi 2-bosqich talabasi.

*“Mamlakatni qudratli, millatni buyuk qiladigan
kuch bu—ilm—fan, ta'lim va tarbiyadir”*

Shavkat Mirziyoyev

Annotatsiya: Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interaktiv metodlar' innovatsiyalar' pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga qiziqish ortib bormoqda. Shundan kelib chiqib biz ham chizmachilik darslarida ham innovatsion texnologiyalarni qo'llashning ba'zi usullari haqida ma'lumotlar keltirib o'tdik.

Kalit so'zlar: interaktiv metod, geometrik tushunchalar, ko'rgazmali metod, texnik tushunchalar, innovatsiya, amaliy metod, chizmachilik, proeksion tushuncha, og'zaki metod.

Har qanday fanni o'qitish metodikasining asoslari uchta asosiy tarkibiy qismlar: konsepsiya, ta'limning metodik tizimi va ularni ta'siri natijalarini baholashdan iborat.

8 va 9-sinflarda chizmachilik fanini o'qitish o'quvchilarning yosh xususiyatlari hamda hayotiy va mehnat tajribalaridan kelin chiqqan holda o'ziga xos xususiyatlarga ega. O'qituvchilar bu vaqtga kelib bilim olishga ongli ravishda, ma'lum maqsad bilan intiladilar. Shuning uchun o'qituvchi o'z oldidagi vazifalarni tahlil qilib, har bir darsning eng optimal tuzilishini o'ylab, dars maqsadlariga to'liq javob beradigan tuzilishni toishga harakat qilishi kerak.

Chizmachilik darslari uchun eng keng tarqalib, ommalashgan dars turi- aralash yoki kombinatsiyalashgan darsdir. Bunda o'qituvchining mavzuni bayon qilishi bilan bir qatorda o'quvchilar tomonidan amaliy ishlarni bajarilishini ham muhim ahamiyatga egadir. Ushbu amaliy ishlar o'quvchilarga o'quv adabiyotlaridan foydalanib olingan bilimlarni mustahkamlashga hamda uy vazifalarini bajarish uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarni o'zlashtirishlariga ko'maklashadi. Chizmachilik darslarida ko'rgazmalilik o'quvchilarning bilish jarayonini faollashtirishga ma'lum darajada yordam beradi. O'rganiladigan obyektlar (tekis parallel ko'chirish usuli, almashtirish, aylantirish joylashtirishlar) ni turli ko'rinishda berilishi o'quvchilarni ularni kuzatish va tahlil etish jarayonlari osonlashtiradi. Chunki, bu erda idrok etish jarayoniga ko'rish, sezish va muskul retseptor va apparatlari kabi analizatorlar qo'shiladi. Bunda tashqari, texnik detallarni ushlab ko'rish bilish va sirtining tashqari ko'rinishini ko'zdan kechirib idrok qilish, o'quvchilarga sirtlarga ishlov berish sifatini, detal o'lchamini, o'tish joylarining ravonligini va boshqa xususiyatlarini texnikaviy loyihalashga asoslangan. O'qituvchi chizmachilik o'qitish jarayonida ko'pincha o'quvchilarga notanish bo'lgan tushuncha va atama(termin)larni ishlatishiga to'g'ri keladi. O'quvchilar chizmachilikni o'rganishlari uchun bu tushunchalarni puxta o'zlashtirib olishlari zarur bo'ladi.

Chizma terminlari yetarlicha ko'p bo'lib, ular mavzular bo'yicha teng taqsimlanmagan va buning iloji ham yo'q. Chizmachilikdagi termin va tushunchalarni shartli ravishda uchta: geometrik, proeksion va texnik guruhlariga bo'lish mumkin.

Chizmachilik fanini o'zlashtirishda chizmachilik asboblari, chizmachilik ashyolari, chizmachilik



jihozlari va ulardan to'g'ri foydalanish hamda saqlashga oid bilimlarga ega bo'lishlari zarur.

Chizmachilik asboblari – gotovalniya, chizg'ich, uchburchakliklar, lekalolar, reyshina, transporter kabi ish qurollari kiradi.

Chizmachilik ashyolariga – chizma qog'ozi, qalam, chizg'ich, o'chirgich, knopkalar kiradi.

Chizmachilik jihozlariga – chizma stollari, chizma taxtalari, chizma mashinalari, shaxsiy kompyuter kabilari kiradi.

Chizmachilikning hayot bilan bog'lanishi chizmani bajarishdan ko'ra ko'proq tayyor chizmani o'qiy olishni talab qiladi. Chunki chizmani o'qiy olish hozirgi zamon ishchisidan tortib konstruktorgacha kerak. Loyiha ishlarini ham, yangi texnikani bilib olish va o'zlashtirish ham chizmalarsiz amalga oshmaydi. O'quvchilarning fazoviy tassavurlarini rivojlantirish, tassavurning yangi turlarini shakllantirish, bu bilan bog'liq bo'lgan grafik malakani oshirish chizmachilik o'quvchisining eng asosiy vazifasidir.

Ta'lim jarayonida turli xil didaktik o'yinlar texnologiyalar bilan o'quvchilarning shu fanga qiziqtirish, o'quvchilarning salohiyatlarini rivojlantirishga erishishimiz mumkin ekan. Shuningdek dars davomida o'quvchilar bilan har xil o'yinlar qilib o'tkazib qolmasdan ta'alim-tarbiyani tartib intizomni saqlagan holda darsning samarali yo'llarini rivojlantirish kerak.

Chizmachilik fani darslarida muntazam yuqori samaradorlikga erishish uchun chizmalarini to'g'ri o'qish, tuzish hamda fazoviy to'g'ri fikrlashga yo'naltirish. Fazoviy fikrlash–buyumlar, jismlarning nafaqat muhitdagi, fazodagi holatini, ularning tuzilishi, konstruksiyasi, tarkibiy component (element) lari, ularning alohida tuzilishi va funksiyasi haqidagi tasavvurlarni shakllantiradigan va rivojlantirish uchun didaktik asos yaratishni ta'minlaydigan aqliy faoliyat turi bo'lib, talabalarda fazoviy tasvirlarni shakllantirish va ularni boshqa narsalarda manipulyatsiya qilishga e'tibor qaratish bilan biga amaliy va nazariy masalalarni yechish jarayonidir.

Maqsad talabalarning ijodiy–kreativ fikrlash Oliy ta'lim sifati va samaradorligini ta'minlashning muhim omili sifatida alohida didaktik ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa alohida aqliy operatsiyalar talab etiladigan fanlarni o'qitishda ta'lim oluvchining tanqidiy–tahliliy musohada, sinfetik holatlarini mohiyatini aniqlash, kompozitsion va fazoviy tasavvurlar hal qiluvchi ro'l o'ynaydi. Shu ma'noda chizmachilik fanini o'qitishda talabalarda ijodiy–kreativ fikrlashga oid kompetensiyalarni rivojlantirish ijobiy yakunning o'ziga hos kafolati hisoblanadi. Chizmachilik fani darslarida muntazam yuqori samaradorlikga erishish uchun chizmalarini to'g'ri o'qish, tuzish hamda fazoviy to'g'ri fikrlashga yo'naltirish.

Adabiyotlar ro'yxati.

1. U.Ro'ziev E.I., Ashirboyev A.O., Muhandislik grafikasi o'qitish metodikasi.- T., 2010
2. Murodov Sh.K., Tashimov N.E. “Grafik tasvirlash asoslari” .T.: “Navro'z” 2013-yil.
3. Sh.K.Murodov vab. “Yaqqol tasvirlar nazariyasi (aksonometrik proyeksiyalar)” T.: TDPU ruzograi. 2010-yil.
4. Rahmonov I., Valiyev A. Chizmachilik. –T., “Voriz-nashiryot”, 2011
5. N.O.Yakubova. Chizmachilik (1-qism) qo'llanma – T.: “Ilm ziyo zakovat” 2023.
6. Nafisa, Yakubova. “Chizmachilik darslarida talabalarni ijodiy–kreativ fikrlashga o'rgatish” Uz-Conferences. Vol. 1. No. 1. 2023.



Inoyatov Odiljon Sobitovich

Guliston davlat inistituti katta o'qituvchisi

Email: gulduinayatov@gmail.com +998972480801

Yakubova Zamira Shovkat qizi

Guliston davlat instituti "Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi"

yo'nalishi 2-bosqich talabasi. +998903128045

Annotatsiya: Odamlar hayotida ishlatiladigan buyum, narsalar, sabzavot va mevalar, asbob - uskunalar kabilarga o'xshash namunalarning tasviri muayyan shaklda chizilishi mazkur janrga xos.

Kalit so'zlar: natyurmort san'at, rang turlari, natyurmort janrlar, yorug' soya.

Natyurmort tasviriy sanatning mustaqil, asosiy va keng tarqalgan janrlaridan biridir. Maktab tasviriy sant darslarida ham, kollej va oily talim darslarida ham eng ko'p chizganimiz bu –natyurmort va uning elementlaridir. Men yana natyurmortlarga murojaat qildim. Buning boisi esa, oddiy natyurmortni juda yoqtiraman. Odamlar hayotida ishlatiladigan buyum, narsalar, sabzavot va mevalar, asbob-uskunalar kabilarga o'xshash namunalarning tasviri muayyan shaklda chizilishi mazkur janrga xos. Malumki, har bir rassom tasviriy sanat sirlarini o'rganishni natyurmort chizishdan boshlaydi. Buyumlar va narsalar shaklini, formasini, xarakterini o'zlashtirish sanatning boshqa jihatlarini va turlarini o'rganishdagi dastlabki saboqlardir. Natyurmortda tasvirlanayotgan (mustaqil aks ettirilayotgan yoki kartinalarda asar mazmunini boyitadigan va to'ldiradigan) buyumlar o'z egasining fel atvorini, qiziqishlarini yoritishga yoki buyumlarning shakli, rangi, fakturasi, tuzilishidagi ritmik, dinamik holatlarni ko'rsatishga qaratilgan.[2]

Insanning atrofini o'rab turgan real maishiy joylashgan va kompozitsiya jihatidan yaxlit guruhni tashkil qilgan narsalar tasvirlanadi; shuningdek, shu janrda yaratilgan rassomlik asari ham natyurmort deb ataladi. Asosan, dastgoxli rassomlik (rangtasvir va grafika)la, qisman haykaltaroshlik (asosan, relyef)sa ishlanadi. natyurmortda "jonsiz buyumlar" (uy-ro'zg'or buyumlari, qurol-aslahalar va boshqalar)dan tashqari, tabiatdan ajratib olingan va buyum, narsalarga aylantirilgan jonli tabiat narsalari (stoldagi baliq vazadagi gul va boshqalar) ham tasvirlanadi. Asosiy mavzuni to'ldirish uchun ba'zan natyurmortga odamlar, hayvonlar, kushlarni ham kiritish mumkin. Maishiy asosidan ajratib olingan mayda narsalarning muhimligi boshqa janrlarga nisbatan natyurmortda namoyon bo'ladi.

Natyurmortda tasvirlanayotgan (mustaqil aks ettirilayotgan yoki kartinalarda asar mazmunini boyitadigan va to'ldiradigan) buyumlar o'z egasining fe'l-atvorini, qiziqishini yoritishga yoki buyumlarning shakli, rangi, fakturasi, tuzilishidagi ritmik, dinamik va statik holatlarini ko'rsatishga qaratilgan.



Narsalarning shaklini va fazoviy joylashuvini to'liqroq ochib berish uchun yorug'lik nurlari olddan va yondan tushadigan bo'lishi kerak. Shunda natyurmortdagi predmetlarning yorug'lik manbaiga qaragan tomonidan yorug'lik, qarshi tomonda soya, yarim soya, refleks va tushuvchi soyalar yaqqol ko'rinib, bular hammasi birgalikda ularning hajmdor ekanligini yaqqol ko'rsatib turadi. Birinchi plandagi narsalarning aniqroq ko'rinishini taminlash uchun natyurmortning bir qismini maxsus to'siq bilan berkitish mumkin, bunda ikkinchi plandagi narsalarning shakllari umumlashadi, birinchi plandagilar

esa ravshanroq ko'rinadi.

Tabiiy yorug'likning kuchi yetarli bo'lmasa natyurmortning yon tomoniga suniy yoritkich qo'yiladi. Shunda oldindagi narsalarda yorug'-soya kontrasti keskin bo'lib, ularning hajmdorligi bo'rtib ko'zga tashlanadi, sirlari yaqqol ko'rinadi. Ikkinchi plandagi narsalarda esa ziddiyat kamroq seziladi. Bazi sirtlarga yorug'lik nurlari ko'proq tushganligi sababli ravshan, bazilari esa qoramtir bo'lib ko'rinadi. Narsa sirtlarining ravshanlik darajasi u bilan yorug'lik manbai sirtidan qanchalik uzoqda bo'lsa, sirt shunchalik nursiz bo'ladi, aksincha manba yaqin joylashsa yoritishi kuchli bo'ladi. [1] Yorug'lik nurlari sirtga to'g'ri burchak ostiga, yani tik yonalsa, bu sirt eng yorug' bo'lib ko'rinadi. Yorug'lik nurlari qiyalab, sirtning yonidan o'tsa, unga yorug'lik ham tushadi va natijada u holiroq



bo‘lib ko‘rinadi.

Rasm ishlashning yakunlovchi bosqichida natura bilan tasvirni yana yaxshilab taqqoslab, umumlashtirib chiqish lozim.[3] Buning uchun rasm ishlanayotgan taxta(planshet) ni naturaga yaqinroq yerga qo‘yib, o‘tirgan joydan har ikkalasiga tez-tez ko‘z yuritib qarasa ham bo‘ladi. Bunda bazi soyalar qorayib ketgan bo‘lsa yoki natyurmortning bir qismi ajralib ko‘rinib qolgan bo‘lsa, ularni tuzatib, reflekslar juda ravshan bo‘lib qolgan bo‘lsa bir oz xiralashtirib, natura bilan uning tasviri o‘rtasida to‘la o‘xshashlikka harakat qilinadi.

Shunday qilib, tasvirni natura bilan muttasil solishtirib borish, rasm chizishda ma‘lum izchillikka amal qilish, asta-sekin umumiy tasvirdan qismlar tasviriga o‘tish tartibida olib borish va oxirida yana yaxlitlashtirib natyurmortning haqqoniy tasvirini hosil qilinadi.

Foydalangan adabiyotlar ro‘yhati:

1. M.V. Altapov - Umumiy san‘at tarixi / M.V. Altapov. – M.: Ma‘rifat, 1987.-134 b.
2. V. Viffen - natyurmort chizishni qanday o‘rganish kerak. Chizish bo‘yicha qo‘llanma / V. Viffen. - M. : Ed. EKSMO - Matbuot, 2001. - 64 p. 3. A.S.Puchkov - Natyurmort ustida ishlash usullari: Talabalar uchun darslik pedagogika institutlarining rassomlik va grafika fakultetlari / A.S. Puchkov. - M.: Ma‘rifat, 1982 yil. - 160 s.
4. Alimjanovna, Yusupova Shoxista. “The Important Significance of Introducing Students to Artists’ Creations in Circle Classes (Ural Tansikbaev).” Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL) 3.1 (2024): 9-9.



МУСИҚА ВА ҲАЁТ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

MUSIQA FANINI O'QITISHDA XORIJIY TAJRIBALARDAN FOYDALANISH

Begliyev Reymbergen

Xorazm viloyati PMM o'qituvchisi

Telefon: +998 (97) 457 18 20

begliyev.reymbergen55@inbox.uz

Annotatsiya: Mazkur maqolada musiqa fanini o'qitishda xorijiy tajribalar va ularning ta'lim tizimidagi ahamiyati yoritilgan. Yaponiyaning yosh avlodga ijodiy musiqiy mashg'ulotlar orqali musiqiy tafakkurni rivojlantirish tajribasi, AQShning interaktiv texnologiyalar va multimedidan foydalangan holda ijodiy erkinlikni qo'llab-quvvatlash usullari, Finlyandiyaning o'quvchilarga individual yondashuvi hamda Xitoyning milliy va zamonaviy musiqani uyg'unlashtirishga asoslangan metodlari tahlil qilingan. Mahalliy ta'lim tizimida xorijiy tajribalarni qo'llash orqali o'quvchilarning musiqiy va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish hamda ta'lim jarayonini yanada qiziqarli va samarali qilish imkoniyati ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: Zamonaviy ta'lim tizimi, xorijiy tajriba, innovatsion yondashuv, metod va texnologiyalar, milliy va zamonaviy yondashuvlar

Musiqa fani madaniy va ijodiy mahoratni rivojlantirishda katta ahamiyatga ega. Zamonaviy ta'lim tizimida xorijiy tajriba va innovatsion yondashuvlardan foydalanish musiqiy ta'lim sifatini oshirishda muhim o'rin tutadi. Jahonning ilg'or mamlakatlari musiqa ta'limini takomillashtirish yo'lida innovatsion metod va texnologiyalarga tayanishmoqda. Bu maqolada xorijiy mamlakatlarning musiqa fanini o'qitishdagi muvaffaqiyatli tajribalari va ularni mahalliy ta'lim tizimiga tatbiq etish imkoniyatlari haqida so'z boradi.

1. Yaponiyaning musiqa ta'limi tajribasi

Yaponiyada musiqa ta'limi maktab dasturlarining asosiy qismi hisoblanadi. Bu mamlakatda maktabgacha ta'limdan boshlab barcha darajalarda musiqaga alohida e'tibor qaratiladi. O'quvchilar ko'proq musiqa asboblari bilan tanishtirilib, ularni chalishni o'rganishga o'rgatiladi. Shuningdek, Yaponiyada "Orff" metodikasiga asoslangan ijodiy o'yin va harakat bilan integratsiyalashgan musiqa mashg'ulotlari keng qo'llaniladi. Bu usul yosh bolalarga musiqiy tovush va ritmlarni o'zlashtirishda katta yordam beradi.

2. AQShning musiqa fanini o'qitish tajribasi

Amerikada musiqa ta'limi tizimi keng ko'lamli va turli metodlarni o'z ichiga oladi. Bu mamlakatda musiqa darslari asosan ijodiy erkinlikni rag'batlantirish va o'quvchilarning qobiliyatlarini rivojlantirishga yo'naltirilgan. AQShda musiqa o'qitishda interaktiv texnologiyalar va multimedidan foydalanish keng tarqalgan. Misol uchun, o'quvchilar musiqa yaratishda maxsus dasturlardan foydalanishadi. Shu bilan birga, o'quvchilarni orkestr yoki xor kabi jamoaviy musiqiy loyihalarga jalb qilish, ularning muloqot va hamkorlik qobiliyatlarini oshirishga xizmat qiladi.

3. Finlyandiyaning ilg'or ta'lim tizimi va musiqa fanini o'qitishdagi yondashuv

Finlyandiya dunyodagi eng ilg'or ta'lim tizimiga ega bo'lib, musiqa fanini o'qitishda o'ziga xos yondashuvlarga ega. Bu mamlakatda har bir o'quvchining individual qobiliyatlari va ehtiyojlari hisobga olinadi. Fin ta'lim tizimida musiqa darslarida qo'llaniladigan innovatsion metodlar, masalan, kreativ ustaxona darslari va muayyan mavzularda mustaqil ijodiy loyihalar tashkil etiladi. Musiqaga o'quvchilarning shaxsiy yondashuvlarini qo'llab-quvvatlash maqsadida individual musiqiy yo'nalishlar tanlash imkoniyati mavjud.

4. Xitoyning musiqa ta'limida an'anaviy va zamonaviy yondashuvlar integratsiyasi

Xitoyda musiqa fanini o'qitishda milliy an'analar va zamonaviy texnologiyalarni uyg'unlashtirish alohida e'tibor qaratiladi. Xitoylik o'quvchilar milliy musiqa asboblari bilan tanishtiriladi, ularning milliy madaniyat va san'atga bo'lgan qiziqishlari rag'batlantiriladi. Shu bilan birga, Xitoyda zamonaviy uslub va texnologiyalardan, xususan, musiqa darslari uchun virtual va raqamli platformalardan



foydalanish rivojlanmoqda. Bu yondashuv yosh avlodni milliy qadriyatlar va zamonaviy madaniyat bilan tanishtirish imkonini beradi.

5. Xorijiy tajribalarning mahalliy ta'lim tizimida qo'llanilishi

